МУНДАРИЖА

КИРИШ **2**

I. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилги ижроси, 2021 йилги кутилаётган якунлари ҳамда 2022–2024 йиллар учун асосий йўналишлари **4**

1.1. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилги ижроси ҳамда 2021 йилги кутилаётган якунлари. **4**

1.2. 2022–2024 йилларда макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар **15**

1.3. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2022–2024 йиллар учун асосий йўналишлари. **18**

II. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2021 йилги кутилаётган ижроси **24**

2.1. Консолидациялашган бюджетнинг 2021 йилги баланси. **24**

2.2. Давлат бюджети даромадларининг 2021 йилда кутилаётган ижроси. **25**

2.3. Давлат бюджети харажатларининг 2021 йилда кутилаётган ижроси. **32**

2.4. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2021 йилги кутилаётган ижроси. **51**

III. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2022 йил учун прогнози ва 2023–2024 йиллар учун мўлжаллари **53**

3.1. 2022–2024 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети баланси **56**

3.2. 2022–2026 йиллардаги солиқ ва божхона сиёсатининг асосий йўналишлари. **57**

3.2.1. Давлат бюджети даромадларининг 2022 йилги прогнози ва 2023–2024 йиллар учун мўлжаллари 61

3.3. 2022–2026 йиллардаги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари. **66**

3.3.1. Давлат бюджети харажатларининг 2022 йилги прогнози ва 2023–2024 йиллар учун мўлжаллари 67

3.4. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2022 йил учун прогнози ва 2023–2024 йиллар учун мўлжаллари **100**

IV. Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ҳамда бюджет самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш **107**

4.1. Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида “Фискал қоидалар”ни ишлаб чиқиш **107**

4.2. Давлат бюджети харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаш **110**

4.3. Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашни такомиллаштириш **111**

4.4. Давлат қарзини бошқариш сиёсати **114**

КИРИШ

Мамлакатни келгуси даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини назарда тутувчи ҳужжат бўлиб ҳисобланадиган Бюджетнома Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил учун асосий макроиқтисодий якунлари ва 2021 йилда кутилаётган прогнозлар;

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўрта муддатли давр учун прогнозлари;

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2021 йилдаги ижросининг прогнозлари ҳамда 2022 йил учун Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ҳамда харажатларининг лойиҳасини ва 2023–2024 йиллар учун бюджет мўлжаллари;

соҳалар бўйича ривожланишнинг асосий йўналишлари, мақсадлари, вазифалари, сифат ва миқдор кўрсаткичлари;

давлат қарзининг ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган.

Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсати аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини, инвестициявий жозибадорликни ва ишбилармонлик фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган Ҳукумат томонидан сўнгги беш йилда амалга оширилган ислоҳотларни давом эттиришга қаратилган.

Шундан келиб чиқиб, 2022–2026 йиллардаги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида, узоқ муддатли барқарор ривожланишни таъминлаш ва аҳоли фаравонлигини ошириш учун, инсон капиталини ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, “Яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш, бюджет харажатларини барқарор ривожлантириш мақсадларига боғлаш, “натижага йўналтирилган бюджет” тизимини босқичма-босқич тўлақонли жорий этиш, “яширин иқтисодиёт”ни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш, самарасиз солиқ ва божхона имтиёзларни бекор қилиш кабиларни келтириш мумкин.

Шунингдек, 2022 йилда халқаро молия ташкилотлари тавсияларига мувофиқ режалаштирилаётган ислоҳотларнинг аниқ мақсадлари, вазифалари ва асосий йўналишларини бир ҳужжатда бирлаштирадиган 2020 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси ишлаб чиқилди. Бюджетномада ушбу тасдиқланган Стратегияга мувофиқ амалга оширилаётган ва режадаги ишлар ҳам ёритилган.

Хусусан, сўнгги йилларда Давлат бюджети маълумотларининг очиқлиги, фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштирокини ошириш ҳамда бюджет жараёни устидан парламент назоратини кучайтиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган қонун билан тасдиқлаш, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, давлат қарзининг ҳолати, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда уларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотларни веб-сайтларда жойлаштириш механизми ишлаб чиқилганлигини шулар жумласига киритиш мумкин.

Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилина бошланди.

Давлат бюджетининг шаклланиши ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини фаол жалб этиш ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш мақсадида барча туман ва шаҳарлар ҳокимликлари қошида Фуқаролар ташаббуси жамғармалари ташкил этилиб, ушбу жамғармаларга барча туман ва шаҳарлар бюджетларининг 5 фоизи миқдорида маблағлар жамланиб, фуқароларнинг ташаббуси асосида танлаб олинган лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилиши белгиланди.

I. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилги ижроси, 2021 йилги кутилаётган якунлари ҳамда 2022–2024 йиллар учун асосий йўналишлари

1.1. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилги ижроси ҳамда 2021 йилги кутилаётган якунлари.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2020 йилги ижроси тўғрисида.

2020 йилда Хитой Халқ Республикасида бошланган COVID-19 пандемияси сабабли келиб чиққан глобал инқироз жаҳон иқтисодиётининг ўсиш тенденциясини салбий томонга ўзгартириб, дунё мамлакатларининг олиб бораётган ўз ижтимоий-иқтисодий сиёсатларини кескин равишда ўзгартиришга мажбур этди. COVID-19 пандемияси билан боғлиқ глобал инқироз Ўзбекистон иқтисодиётини ҳам четлаб ўтмади.

2020 йилда Жаҳон иқтисодиётида етказиб бериш занжири узилиши, карантин чоралари кўрилиши натижасида, **Халқаро валюта жамғармасининг 2021 йил апрель ойидаги** ҳисоб-китобларига кўра, дунё иқтисодиёти **3,3** фоизга қисқаргани айтилди. Бунда, ривожланган давлатлар иқтисодиёти – **4,7** фоизга, бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳамда ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти – **2,2** фоизга қисқарган.

Шунингдек, 2020 йилда Россия Федерацияси иқтисодиёти **3,0** фоизга, Қозоғистон – **2,6** фоизга, Корея Республикаси – **1,0** фоизга **қисқарган** бўлса, Хитой иқтисодиётида **2,3** фоизга, Туркияда – **1,8** фоизга **ўсиш** кузатилди.

Бутун дунё иқтисодий рецессияга учраганига қарамай, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини янада ривожлантириш ва амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар ҳамда COVID-19 пандемиясининг иқтисодий-ижтимоий оқибатларини юмшатишга қаратилган фискал ва монетар чоралар натижасида 2020 йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ижобий иқтисодий ўсиш суръатини сақлаб қолди.

Хусусан, санитария-гигиена тадбирларини амалга ошириш, COVID-19 вирусини юқтирган одамларни даволаш, иқтисодиётнинг энг кўп зарар кўрган соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини яратиш орқали пандемия оқибатларини юмшатиш тадбирларига **76,6 трлн. сўм** миқдордаги маблағлар йўналтирилган бўлиб, ушбу тадбирларнинг **16,1 трлн. сўми** миқдори тўғридан-тўғри йўналтирилган маблағлар бўлса, **60,5 трлн. сўми** билвосита қўллаб-қувватлашларни ташкил этади. Бунда, тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлашларнинг **12,8 трлн. сўм** миқдоридаги қисми Инқирозга қарши курашиш жамғармаси томонидан, **3,3 трлн. сўм** миқдоридаги қисми эса Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан амалга оширилган. Шу билан бирга, билвосита қўллаб-қувватлашларнинг **57,3 трлн. сўми** айланма маблағларни тўлдириш учун

ажратилган револьвер кредитлар ва кредит муддатларини узайтириш билан боғлиқ маблағларни ташкил этган бўлса, қолган **3,2 трлн. сўм** миқдоридаги маблағлар солиқ-божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ҳамда жарима санкцияларининг қўлланилмаслиги билан боғлиқ тадбирларни ташкил этди.

Ушбу тадбирлар доирасида, пандемия даврида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва даромадлари кескин камайишини олдини олиш билан бирга иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилиб, коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирлари учун жами 12,8 трлн.сўм харажатлар амалга оширилди;

3,2 трлн. сўмлик солиқ ва божхона имтиёзлари берилди;

30,1 трлн. сўмлик тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилди;

26,6 трлн. сўмлик кредитлар қайтариш муддати узайтирилди;

давлат улуши бор корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга камайтирилди;

2020 йилнинг 1 апрелидан 31 декабрига қадар 1 764 та туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектларига мол-мулк ва ер солиғидан 69,1 млрд. сўм миқдорида имтиёз берилди;

17 247 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 2020 йил апрель ва май ойлари учун мол-мулк солиғи ва ер солиғидан умумий ҳисобда 29,5 млрд. сўмлик қарзлари, жумладан мол-мулк солиғидан 11,6 млрд. сўм ва ер солиғидан 17,9 млрд. сўм кечиб юборилди;

4 490 та муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд тадбиркорларга нисбатан 1 781,5 млрд. сўм жарималар қўлланилмади;

якка тартибдаги тадбиркорларга 1 октябргача ижтимоий солиқ ставкаси 50 фоизга пасайтирилиши натижасида 247 286 та тадбиркорлар ихтиёрида 155,3 млрд. сўм қолдирилди;

май-июнь ойлари ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача пасайтирилиши натижасида 232 075 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 220,7 млрд. сўм маблағлари ўз ихтиёрида қолди;

импорт қилувчилар учун божхона божи ҳамда акциз солиғи бўйича 63 млрд. сўм ва қўшилган қиймат солиғи бўйича 811 млрд. сўм миқдордаги солиқ тўловлари кечиктириб берилди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича:

Кам таъминланган оилаларни коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида:

март-июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган ижтимоий нафақалар ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда кам таъминланган оилаларга нафақа тўлаш муддатлари узайтирилди;

ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартиб-таомиллари соддалаштирилди.

2020 йилнинг март ойида 569 минг оилага ижтимоий нафақа тўловлари тўланган бўлса, қабул қилинган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш натижасида жорий йилнинг декабрь ойида яна қўшимча 631 минг нафар оилага нафақа тўловлари тайинланган ҳолда жами ижтимоий нафақа олувчи оилалар сони 1,2 миллионга етказилди.

Натижада, 2020 йилда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 1,7 фоизга ўсиб, 602,6 трлн. сўмни ёки аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 17,6 млн. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан номинал 11,7 фоизга ўсган (реал 0,2 фоизга **тушган**).

Ялпи ички махсулот ўсиш суръати қурилиш ишлари ҳажмининг 9,2 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг 3,0 фоизга (саноат тармоғининг 0,7 фоизга, хизматлар соҳасининг 0,5 фоизга) кўпайиши ҳисобига таъминланди.

2020 йилда инвестицион фаоллик пасайиши кузатилиб, **асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар** ҳажми 2019 йилга нисбатан 4,4 фоизга қисқарди ва **210,2 трлн.** сўмни *(ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 34,9 фоизни)* ташкил этди.

Ўзлаштирилган инвестицияларнинг 59,2 фоизи ёки 124,4 трлн. сўми жалб этилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, корхона, ташкилот ва аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан 40,8 фоиз ёки 85,8 трлн. сўм молиялаштирилди.

Ўтган йили 93,2 мингта янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Ташқи савдо айланмаси 36,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2019 йилга нисбатан 13,1 фоизга қисқарди. Бунда экспорт 13,4 фоизга, импорт эса 12,8 фоизга қисқарди. Экспорт хажмининг пасайишига асосан энергия ва нефть маҳсулотлари экспортининг 73,9 фоизга кескин қисқариши таъсир кўрсатган.

2020 йилда 5 та асосий ташқи савдо ҳамкорларимиз билан савдо ҳажми қарийб 3,5 млрд. АҚШ долларига камайган. Жумладан, савдо ҳажми Хитой билан 1 188,6 млн. АҚШ долларига, Россия Федерацияси билан 986,2 млн. АҚШ долларига, Қозоғистон билан 306,0 млн. АҚШ долларига, Туркия билан 423,2 млн. АҚШ долларига ва Корея Республикаси билан 613,0 млн. АҚШ долларига қисқарган. Шунингдек, ташқи савдо айланмаси МДҲ

давлатлари билан 18,2 фоизга камайган бўлса, бошқа давлатлар билан 10,3 фоизга қисқарган.

Ташқи савдо балансининг манфий сальдоси 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 11,6 фоизга камайиб, 6 043,8 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Олтин-валюта захиралари 2020 йил давомида 6,3 млрд. АҚШ долларига ортиб, 34,9 млрд. АҚШ долларига етди.

Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2021 йилги кутилаётган якунлари

COVID-19 пандемияси туфайли ўтган йилги иқтисодий инқироздан сўнг, жаҳон иқтисодиёти тезкор, лекин нотекис тикланишни бошдан кечирмоқда. Ривожланган давлатлар тикланаётган бўлсада, дунёнинг кўплаб даромади паст мамлакатлари ортда қолмоқда ва пандемиянинг ижтимоий ва иқтисодий оқибатларини бартараф этиш учун қўшимча маблағлар талаб этилади. Шу билан бирга, COVID-19 пандемиясининг қўшимча тўлқинлари эмлашнинг суст кечиши, қарз миқдорининг ошиши ёки инфляцион босимнинг ортиши муваффақиятсизликка олиб келиши мумкин.

Халқаро валюта жамғармасининг 2021 йил апрель ойидаги жаҳон иқтисодиёти бўйича прогнозидан июль ойидаги прогнозларида мамлакатлар бўйлаб фарқ қилганлигини кузатиш мумкин. Жамғарманинг таъкидлашишича, глобал иқтисодиётни икки гуруҳга бўлиш мумкин, ***биринчи гуруҳ:*** 2021 йил якунида (деярли барча ривожланган иқтисодиётлар) иқтисодиётни янада барқарорлашишини кутаётганлар ҳамда ***иккинчи гуруҳ:*** ҳали ҳам қайта тикланадиган инфекциялар ва COVID-19ни янада тарқалишини кутаётганлар. Натижада инфекция даражаси жуда паст бўлган мамлакатларда ҳам тикланиш кафолатланмаган. Шу сабабли эмлаш жараёнларини жадаллаштириш ва инфекция тарқалишини олдини олиш иқтисодиётнинг тикланишига муҳим омил ҳисобланади.

Халқаро валюта жамғармасининг июль ойидаги ҳисоботига кўра, эмлаш жараёнларининг жадаллашуви ҳисобига 2021 йилда жаҳон иқтисодиётидаги ўсиш суръатлари йил бошидаги прогнозларга *(5,5 фоиз)* нисбатан тезроқ суръатларда тикланиши ва **6 фоизни** ташкил этиши баҳоланган.

Бунда, ривожланган давлатларда ўсиш суръати **5,6 фоиз** *(январь ойидаги прогноз – 4,3 фоиз),* ривожланаётган давлатларда – **6,3 фоиз** *(6,3 фоиз)* ва кам даромадли мамлакатларда – **3,9 фоизни** *(5,1 фоиз)* ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, дунёда вакцина ишлаб чиқариш қувватларининг етарли эмаслиги (i) ривожланаётган ва ривожланиши паст бўлган давлатлар орасида вакцинация жараёнларининг нотекис тақсимланиши ҳамда (ii) фискал имкониятларнинг чекланганлиги глобал иқтисодий ўсиш суръатларига хавф солувчи асосий хатар сифатида қаралмоқда.

1-жадвал

Халқаро валюта жамғармаси ҳисоб-китоблари бўйича жаҳон ва айрим давлатлар иқтисодиётининг 2021 йил учун ўсиш суръатлари прогнози

(фоизда)

Мамлакатлар	Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати (апрель прогнози)	Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати (июль прогнози)	Фарқи
Жаҳон иқтисодиёти	**6,0**	**6,0**	
Ривожланган давлатлар	**5,1**	**5,6**	**0,5**
Ривожланаётган давлатлар	**6,7**	**6,3**	**-0,4**
Европа ҳудуди	**4,4**	**4,6**	**0,2**
АҚШ	6,4	7,0	0,6
Германия	3,6	3,6	
Франция	5,8	5,8	
Италия	4,2	4,9	0,7
Испания	6,4	6,2	-0,2
Буюк Британия	5,3	7,0	1,7
Хитой	8,4	8,1	-0,3
Ҳиндистон	12,5	9,5	-3,0
Россия	3,8	4,4	0,6
Бразилия	3,7	5,3	1,6
Қозоғистон	3,2	-	-
Беларусь	-0,4	-	-
Туркия	6,0	-	-
Ўзбекистон	**5,0**	**5,6**	**0,6**

Манба: Халқаро валюта жамғармаси маълумотлари.

Жаҳон банкининг июнь ойидаги ҳисоботига кўра, ривожланган давлатларда вакцинация ва фискал имкониятларнинг кенглиги ҳисобига жаҳон иқтисодиёти **5,6 фоизга** ўсиб, дастлабки прогнозларга *(4 фоиз)* нисбатан **1,6 фоиз бандга** тезроқ тикланиши кутилмоқда.

Келгуси даврда (i) коронавирус пандемияси янги тўлқинларининг юзага келиши, (ii) қатор давлатларда вакцинация жараёнларининг суслиги, (iii) ташқи қарз даражасининг ошиши ва (iv) инфляцион босимнинг, шу жумладан, озиқ-овқат нархларининг сезиларли кўтарилиши жаҳон иқтисодиётига таъсир этувчи асосий омиллар сифатида келтирилмоқда.

Пандемиядан кейинги даврда асосий эътиборни (i) яшил ва инклюзив ўсиш ҳамда *(мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш орқали иқтисодий ўсиш суръатларини ва иш жойларини ташкил этишга эришиш)* (ii) ташқи савдо тарифларини юмшатиш *(глобал қўшилган қиймат занжири нархлари барқарорлиги ва савдони яхшилаш орқали ишлаб чиқариш ўсишига шароит яратиш)* орқали ресурсларни самарали тақсимлашга қаратиш зарурлиги таъкидланмоқда.

Жаҳон савдо ташкилоти маълумотига кўра, 2021 йилда жаҳон савдо айланмаси 8 фоизга, 2022 йилда – 4 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, ташқи иқтисодий ҳолат бўйича хатарлар юқорилигича сақланиб қолмоқда. Жумладан, пандемия қўшни мамлакатлар ва йирик савдо шериклари иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатишда давом этмоқда. Хусусан, 2021 йилнинг январь-июнь ойларида Қозоғистон ялпи ички маҳсулоти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан атиги **2,2** фоизга, Россияда ялпи ички маҳсулот (январь-май) тахминан **3,7** фоизга ўсган бўлса, Қирғизистонда ялпи ички маҳсулот **1,7** фоизга қисқарган**.**

Шу билан бирга, Хитой ялпи ички маҳсулоти рекорд даражада **12,7** фоизга ўсди. Ушбу юқори ўсиш суръатлари асосан Хитой иқтисодиётининг 2020 йилнинг 1-чорагида **6,5** фоизли бандга қисқарганлиги ва жорий йилда иқтисодий фаолликнинг ўта юқори даражада тикланаётгани билан боғлиқ.

2021 йил январь-июнь ойлари натижаларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиёти **6,2 фоизга** ўсган ҳолда аста-секин тикланмоқда ва барқарор ўсишга қайтмоқда. Бунга ўз вақтида мувофиқлаштирилган фискал ва пул-кредит чоралари туфайли эришилмоқда.

2021 йилнинг январь-июнь ойларида ялпи ички маҳсулот ҳажми **318,5 трлн. сўм**ни ташкил этди. Иқтисодий ўсиш саноат 8,5 фоизга, қурилиш 0,1 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 1,8 фоизга ҳамда хизматларни 8,0 фоизга ўсиши билан таъминланган.

Республика ялпи ички маҳсулоти ўсишининг 0,38 фоиз банди қишлоқ хўжалигига, 0,01 фоиз банди қурилишга, 2,24 фоиз банди саноатга ҳамда 3,04 фоиз банди хизматлар ҳиссаларига тўғри келади.

Саноат соҳасида ўсиш асосан ишлаб чиқарадиган саноатнинг 8,6 фоизга, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлашнинг 7,5 фоизга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 12,1 фоизга ва сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш – 3,5 фоизга ўсиши билан таъминланди.

Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш тармоғида табиий газ ишлаб чиқариш 4,7 фоизга, кўмир 51,8 фоизга ўсди**.**

2021 йилнинг январь-июнь ойларида 34 318,6 млн. кВт/с электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлиб, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 9,1 фоизга кўп.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 7,7 фоизга ошиб, 64,3 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари 14,7 фоизга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари 3,9 фоизга ошган.

Жами пуллик хизматлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 18,3 фоизга, жумладан, таълим хизматлари – 40,8 фоизга, соғлиқни сақлаш хизматлари – 31,4 фоизга, молия хизматлари – 27,1 фоиз ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш – 19,4 фоизга ўсди.

Ўсиш омиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- таълим хизматларида хусусий ва ДХШ асосида 98 та нодавлат мактабгача таълим муассасалари, 11 та хусусий мактаблар, 6 та хусусий олий таълим муассасалари ва 100 дан ортиқ мактабдан ташқари таълим ҳамда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари ташкил этилди;

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-5144-сон қарорига мувофиқ болаларни МТМ билан қамров даражаси паст бўлган 53 та туман/шаҳарларда қўшимча 100 та ДХШ асосида, 2 мингта оилавий ва 50 та давлат МТМлари ташкил этилиб, ушбу чора-тадбирлар таълим соҳасидаги хизматлар кўламини янада оширишга туртки бўлади.

- соғлиқни сақлаш хизматларида жорий йилнинг I ярим йиллигида 312 та янги хусусий тиббиёт муассасалари ташкил этилди ҳамда 16 та ДХШ асосида лойиҳалар амалга оширилди;

- молия хизматларидаги ўсишни банк тизими фаолиятида жами кредит қўйилмаларининг – 59,8 трлн. сўмга *(25,1 фоизга кўп),* фоизли даромадларнинг – 4,4 трлн. сўмга *(31,2 фоиз),* фоизсиз даромадларнинг – 3,8 трлн. сўмга *(75 фоиз)* ошиши, шунингдек, муомаладаги банк пластик карталари сонининг 1,4 млн. бирликка *(6,4 фоиз)* ҳамда ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони 1,4 мингтага *(12,6 фоиз)* ошганлиги билан изоҳланади;

- алоқа ва ахборотлаштириш хизматларида Тошкент шаҳрида жойлашган 617 та *(78 фоиз)* мактабгача таълим муассасалари, 346 та *(100 фоиз)* халқ таълими ҳамда 271 та *(100 фоиз)* соғлиқни сақлаш объектларига 363 км оптик толали алоқа линиялари тортилди;

- транспорт хизматларининг тикланиши натижасида ушбу соҳа ҳам ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,3 фоизга ўсди, жумладан:

- савдо хизматларининг 9,3 фоизга ошиши асосан чакана савдонинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 9 фоизга, шундан йирик савдо тармоқларида – 15,6 фоизга ўсиши билан изоҳланади.

1-расм

2021 йилнинг I ярмида хизмат турларининг ўсиш суръати фоизда



Бундан ташқари, уюшмаган савдо улуши ўтган йилга нисбатан 2 фоиз бандга ошиб, жами савдо айланмасининг 8,6 фоизини *(ўтган йилнинг мос даврида 6,6 фоиз)* ташкил этди.

Шунингдек, жорий йилнинг январь-июнь ойларида савдо ва бошқа пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан умумий пул тушуми *(нақд пул ва терминал орқали)* 90 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 36 фоизга ошди.

Инфляция даражаси ўтган йилнинг декабрига нисбатан 4,4 фоизни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан эса 10,9 фоизни, ишсизлик даражаси эса 9,8 фоизни ташкил этди.

Жорий йилнинг I ярмида ташқи савдо айланмаси 13,6 фоизга ўсиб, 18 млрд долларга етди.

Ҳисобот даврида, мамлакатимизнинг асосий экспорт товарлари бўйича ташқи бозорлардаги нархларнинг ошиши ёки ижобий шаклланиши кузатилди. Хусусан, жорий йилнинг январь-июнь ойларида ўтган йилнинг мос даври билан солиштирганда:

- кумуш нархининг 44 фоизга ва мис нархининг 64 фоизга ошиши ҳисобига ушбу товарлар экспортининг мос равишда 3,3 ва 1,9 баробарга;

(мазкур даврда, рангли металлар экспорти ҳажми 85 фоизга ўсиб, ушбу ўсишнинг 2/3 қисми нарх ҳисобига эришилди)

- пахтанинг ўртача нархи 42 фоизга ошиши ҳисобига тўқимачилик маҳсулотлари экспортининг 63 фоизга;

(мазкур даврда, тўқимачилик маҳсулотлари экспорти қиймати 45 фоизга, жумладан ип-калава 48,7 фоизга (289 минг тн), трикотаж матолар – 47,4 фоизга (19,5 минг тн) ошди)

- полимер маҳсулотларининг ўртача нархи 53 фоизга ўсиши улар экспортининг доллар миқдоридаги ҳажмини 37 фоизга ўсишига хизмат қилди *(мазкур даврда полимер маҳсулотларини ички бозорга йўналтирилиши натижасида экспортнинг физик ҳажми ўтган йилнинг мос давридаги 203 минг тоннадан 183 минг тоннагача пасайган).*

Натижада, жорий йилнинг I ярим йиллигида товарлар ва хизматлар экспорти ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,3 фоизга ўсиб, 7,1 млрд долларни ташкил этди. Бунда олтин экспортини ҳисобга олмаганда ўсиш 36,4 фоизга етди.

Импорт ҳажмининг ўсиш тенденцияси сақланиб қолди. Мазкур даврда, товарлар импорти 10,3 млрд долларни ташкил этиб, 15,4 фоизга ўсди.

Импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 2,5 фоиз пунктга ошиб, 12,1 фоизга етди. Бунда, аҳоли учун муҳим бўлган асосий озиқ-овқат маҳсулотлари импортида буғдой 27 фоизга *(1,4 млн тонна)*, шакар ва шакар хомашёси – 8,2 фоизга *(295 минг тонна)*, картошка – 39,1 фоизга *(306 минг тонна)* ошган бўлса, кунгабоқар ёғи – 4 фоизга *(117 минг тонна)* қисқарди.

Республикага юборилган халқаро трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 35 фоизга ошиб, 3,3 млрд долларни ташкил этди.

Жорий йилнинг I ярмида Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети даромадлари ижроси 94,7 трлн.сўм, харажатлари ижроси 113,3 трлн.сўм, тақчиллиги (ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар билан бирга) 18,5 трлн.сўм ташкил этди.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадлари ижроси – 91,3 трлн сўмни, харажатлари – 98,3 трлн сўмни ташкил этиб, тақчиллиги 6,9 трлн сўм, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тушумлари 3,4 трлн.сўм, харажатлари 12,0 трлн.сўм, тақчиллиги 8,6 трлн.сўмни ташкил этди.

2021 йил якуни билан Давлат бюджети харажатлари *(Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва бошқа мақсадли жамғармаларсиз)* ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21 фоиз прогноз қилинган бўлса, жорий йилнинг I ярмида бу кўрсаткич 25 фоизни ташкил этиб, ялпи талабни оширувчи омил сифатида хизмат қилди.

Жорий йилнинг январь-июнь ойларида иқтисодиётга ажратилган кредит қўйилмалари йил бошига нисбатан 8,7 фоизга, ўтган йилнинг шу даврига

нисбатан 23,4 фоизга ўсиб, ялпи ички маҳсулот номинал ҳажмининг йиллик ҳисобдаги 19,7 фоизлик ўсишига нисбатан юқорироқ бўлди.

Ипотека бозорида тижорат банклари томонидан аҳолига жами 1,7 трлн сўмлик ипотека кредитлари ва 87,4 млрд сўмлик субсидиялар ажратилгани талабни рағбатлантиришга ўз ҳиссасини қўшди.

Шу билан бирга, 2021 йил 1 июль ҳолатига:

- жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи 62 трлн сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 12,6 фоизга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,4 фоизга кўп;

- фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга – 8,0 трлн сўм, йил бошига нисбатан 21 фоизга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4 фоизга кўп;

- бошқа тадбиркорлик субъектларига ажратилган жами кредитлар қолдиғи 72,5 трлн сўм, йил бошига нисбатан 3,6 фоизга, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16 фоизга кўп.

Жорий йилнинг 1-ярмида ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,9 фоизга ўсиб, 103 трлн сўмни ташкил этди.


Марказлашган инвестициялар

2021 йилнинг дастлабки 6 ойида марказлашган ресурслар ҳисобига **16,6 трлн** сўмни *(жамига нисбатан улуши – 16 фоиз)* ташкил этди.

2-расм

2020-2021 йилларда марказлашган инвестициялар ўлчами

млрд сўмда




Марказлашмаган инвестициялар

Ҳисобот даврида марказлашмаган манбалар ҳисобига асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми **86,5 трлн** сўмни *(улуши – 84 фоиз)* ташкил этди.

3-расм

2020-21 йилларда марказлашмаган инвестициялар ўлчами

млрд сўмда



Кафолатланмаган хорижий кредитлар асосан Навоий КМК *(295,6 млн. доллар),* “Ўзбекнефтгаз” АЖ *(254,2 млн. доллар),* “Ўзтўқимачиликсаноат” АЖ *(52,3 млн. доллар),* “Ўзқурилиш-материаллари” АЖ *(45,4 млн. доллар),* “Ўзэлтехсаноат” АЖда *(23,4 млн. доллар)* инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига шаклланди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йилликда иқтисодиётда фаолликни сезиларли ошиши натижасида йил бошидаги дастлабки **5,1 фоиз** даражадаги прогноз кўрсаткичи қайта кўриб чиқилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, йил якуни бўйича иқтисодий ўсиш **7,0 фоиз** атрофида бўлиши кутилмоқда.

Бунда, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари – **4–5,8 фоиз**, саноат – **9,0–9,5 фоиз,** қурилиш – **6–6,7 фоиз,** хизматлар – **7,8 фоиз**га ўсиши кутилмоқда.

Хусусан, жорий йилда саноат тармоғидаги ўсиш драйверлари бўлиб, металлургия саноати, тўқимачилик маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, электр энергия, компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар, қурилиш материаллари ҳамда кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Хизматлар соҳасида эса, молиявий, савдо ва транспорт хизматларида юқори ўсиш суръатлари соҳанинг 2021 йил учун асосий ўсиш омили бўлиши кутилмоқда. Бундан ташқари, пандемия даврида пасайиш кузатилган яшаш ва овқатланиш, соғлиқни сақлаш, кўчмас мулк билан боғлиқ, шахсий ва бошқа хизматларда юқори ўсиш суръатлари қайд этилиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида ўсиш асосан гўшт, сабзавот ва сут маҳсулотларини етиштириш орқали таъминланади. Бундан ташқари, балиқ хўжалиги, пилла ва полиз экинлари йўналишларида ҳам ўтган йилга нисбатан юқори ўсиш суръатлари кузатилиши кутилмоқда.

1.2. 2022–2024 йилларда макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар

Иқтисодий ўсишнинг прогнози пандемия таъсири натижасида вакцинация жараёнлари билан боғлиқ мавҳумликлардан холи эмас. 2022 йилда мақсадли эҳтиёт чоралари ҳамда вакциналар ва даволаш усулларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш орқали вирусни маҳаллий даражада юқтиришни паст даражага туширишга қарамай, вакциналар кенг тарқалгунга қадар бўлган салбий шокларнинг даражаси ва давомийлигига боғлиқ. Булар, ўз навбатида, **бир нечта ноаниқ омилларга боғлиқ, шу жумладан:**

• пандемия ва талаб этилган карантин чораларининг давомийлиги;

• пандемия таъсирида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг яна ошиши ва натижада харажатларни молиялаштириш муаммолари юзага келиши;

• аҳолини вакцинация қилишнинг давомийлиги;

• ишдан бўшатилган ишчиларнинг турли секторларда бандликни таъминлаш имкониятлари, шунингдек меҳнат бозоридаги босим;

• иш жойидаги хавфсизликни кучайтиришдаги ўзгаришларнинг таъсири, масалан, гигиена талаблари ва сменалар орасидаги дезинфекция ва тозалаш ишлари, ишлаб чиқариш линияларида ходимларнинг ижтимоий масофа сақлаш билан боғлиқ қўшимча бизнес харажатларига олиб келади;

• глобал таъминот занжирини қайта тузиш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ва буларнинг самарадорликка салбий таъсир кўлами *(яъни, логистика занжиридаги узилишлар, трансчегаравий талаблар, санитария-эпидемиология талабларининг давомийлиги, қўшимча кутилмаган харажатлар ва логистика тизимидаги бошқа салбий босимлар)*;

• ташқи талаб заифлашган ҳамда молиявий танқисликдан келиб чиқадиган иккиламчи чегараларо таъсирлар кўлами *(масалан, даромадларнинг кескин тушиши сабабли қўшни мамлакатлараро савдо ҳажмларининг камайиши)*;

• қўшни давлатлардаги мавжуд сиёсий зиддиятлар натижасида чет эл инвесторларининг ишончи заифлашиши натижасида хусусий инвестициялар оқимининг пасайиши;

• трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми тикланиш (бу, ўз навбатида, ички истеъмолни рағбатлантиради ва ялпи ички маҳсулотнинг *(якуний истеъмол улуши 70 фоиз атрофида)* ўсишига ижобий таъсир кўрсатади;

• Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатларида эмланишни секин кечиши натижасида иқтисодий фаолликнинг пасайиши, шунингдек энергия ташувчи ва бошқа хомашё ресурслари нархларининг пасайиши;

• асосий савдо ҳамкорлари миллий валюталари курси девальвацияси Ўзбекистон миллий валютаси, инвестиция муҳити, инфляция даражаси ва қайта молиялаштириш ставкасига салбий таъсири;

• дунёда вакцинация жараёнларини сустлашиши натижасида жаҳон иқтисодиёти секинлашуви ва бунинг оқибатида ташқи савдо дефицитига ҳамда бу, ўз навбатида, тўлов балансига салбий босимлари;

• пандемия ҳолатининг бартараф этилиши ёки давомий бўлиши ва иқтисодиёт тармоқларининг қайта тикланиш муддатлари;

• авиа ташувчилар ва туризм соҳасининг пандемиядан олдинги даражада тикланиш муддатлари;

• асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий фаолликни тиклаш чоралари кўрилиши.

Иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

• инвестиция киритиш тартибини соддалаштириш, амалдаги қонунчиликни тартибга солиш, барча иқтисодиёт агентларига тенг шароитлар яратиш, шаффофликни ошириш;

• пандемия даврида кўп талофат кўрган тармоқлар учун солиқ тўловларидан имтиёзлар қўллаш;

• хорижий инвесторлар кўп жалб қилинадиган нефть-газ, тоғ-кон, машинасозлик ва тўқимачилик соҳаларидан ташқари, қишлоқ хўжалиги, молия ва банк сектори, қурилиш ҳамда телекоммуникация соҳаларига ҳам инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш;

• ўрта муддатли истиқболда жалб қилинаётган ва қилинган давлат қарз маблағларини самарали лойиҳаларга йўналтириш;

• барқарор тартибга солинган башорат қилиш имконини берувчи тариф сиёсатини ташкил этиш асосида инвестициявий муҳитни янада яхшилаш (бизнес вакиллари ишончини ошириш);

• бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат бошқаруви фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш асосида маъмурий харажатларни пасайтириш;

• узоқ муддатли жамғармалар ва кредитлаш сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича янги тизимларни жорий этиш асосида инвестиция фолиятини молиялаштириш учун арзон манбалар ҳажмини ошириш;

• жаҳон бозори конъюнктурасига мос инвестиция лойиҳаларни фаол амалга ошириш орқали меҳнат ресурсларига талабни ошириш, шу билан бирга, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш (бунда, сунъий интеллект, иқтисодиётнинг турли соҳаларида самарали платформалардан

фойдаланишни кенгайтириш, бандликни иш ҳақи паст ва меҳнат талаб секторлардан хизматларнинг иш ҳақи юқори соҳаларга йўналтириш).

Шу билан бирга, халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистон иқтисодиётига катта қизиқиш билдирилиши билан бир қаторда, ўрта муддатли истиқболда ички ва ташқи муҳит ўзгариши билан боғлиқ айрим хатарлар мавжудлиги кўринмоқда:

геосиёсий кескинлашув, ОПЕК мамлакатлари томонидан олиб борилаётган чеклов чораларининг давом этиши, пандемия таъсирида ялпи талабнинг пасайиши сабабли жаҳон иқтисодиёти ўсишига салбий таъсирлар Ўзбекистон иқтисодиётини ўрта муддатли прогнозлаштиришда хавфлар бўлиши эҳтимолига олиб келади;

қўшни Афғонистонда давлат тўнтариши натижасида сиёсий нобарқарорлик юзага келганлиги ҳамда асосий донор мамлакатлар томонидан ушбу мамлакатга молиявий ёрдамнинг тўхтатилганлиги натижасида мамлакатда ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг танглиги;

товар-хомашё ва молия бозорларида циклли ўзгаришларнинг давом этиши мамлакат экспорт имкониятларига салбий таъсир кўрсатиши ва хорижий капитал оқимига тўсқинлик қилиши мумкин;

мамлакатимиз савдо ҳамкорлари томонидан импорт маҳсулотларга талабнинг пасайиши, шу билан бирга, халқаро савдо муносабатлари кескинлашуви мамлакатимизнинг жаҳон бозорига киришини чеклаши мумкин;

инсон капитали ва фойдаланилаётган технологияни ривожлантиришга, ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигининг ўсишига қатъий талаб қўядиган глобал бозор рақобат муҳитининг кучайиши. Бу эса мутлақо янги ғояларни амалга ошириш, инновацияларни амалиётга жорий этиш ва юқори малакали кадрларни рағбатлантириш каби масалаларнинг долзарблигига олиб келади;

жадал суръатлар билан ўсаётган меҳнат ресурсларининг бандлигини таъминлаш, фаолияти тўхтаб қолган тармоқларда фаолият юритган меҳнат ресурсларини қайта малакалаш иқтисодиётдаги асосий масалалардан бири бўлиб, инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва меҳнат сиғими юқори корхоналарни ташкил этиш учун қулай шароит яратишни талаб этади;

саноатлаштириш жараёнининг ўсиши, янги табиий хомашё конларининг ўзлаштирилиши ҳамда атроф-муҳит ва сув ресурсларидан ҳаддан ортиқ фойдаланилиши глобал экологик муаммоларни юзага келтириб, барқарор ривожланиш вазифалари ва мақсадларининг ўз вақтида амалга оширилишини талаб қилади.

1.3. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2022–2024 йиллар учун асосий йўналишлари.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши прогнози ва тенденциялари

Халқаро молия институтларининг ҳисоб-китоблари ва кутилмаларига кўра, пандемиядан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётининг секинлик билан ўсиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, Жаҳон банкининг жорий йилнинг июнь ойидаги прогнозларига кўра, глобал иқтисодий ўсиш 2022 йилда 4,3 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Бунда иқтисодиёти ривожланган давлатлар 4,0 фоизга, ривожланаётган давлатлар 4,7 фоиз, Европа ҳудуди 4,4 фоиз, АҚШ 4,2 фоиз, Япония 2,6 фоиз, шунингдек Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорлари Хитой 5,4 фоиз, Россия Федерацияси 3,2 фоиз, Қозоғистон 3,7 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

2-жадвал

2022 йилда Жаҳон банкининг баъзи мамлакатлар учун иқтисодий ўсиш прогнозлари

(фоизда)


Мамлакатлар	2021 йил январь ойидаги прогнози	2021 йил июнь ойидаги прогнози	Фарқи
Жаҳон иқтисодиёти	**3,8**	**4,3**	**0,5**
Ривожланган давлатлар	**3,5**	**4,0**	**0,5**
Ривожланаётган давлатлар	**4,3**	**4,7**	**0,4**
Евро ҳудуди	**4,0**	**4,4**	**0,4**
АҚШ	3,3	4,1	0,9
Япония	2,3	2,6	0,3
Хитой	5,2	5,4	0,2
Ҳиндистон	5,2	7,5	2,3
Россия	3,0	3,2	0,2
Қозоғистон	3,5	3,7	0,2
Беларусь	0,9	1,9	1,0
Бразилия	2,5	2,5	0,0
Туркия	5,0	4,5	-0,5
Ўзбекистон	**4,5**	**5,5**	**1,0**

Манба: Жаҳон банки маълумотлари.

Халқаро валюта жамғармасининг жорий йилнинг июль ойидаги прогнозига кўра, дунё иқтисодиёти COVID-19 пандемиясига қарши вакцинация жадаллашиши ҳамда чекловлар юмшатилиши натижасида 2022 йилда 2021 йилдаги ўсиш прогнозидан бирмунча секин 4,9 фоизга, ривожланган давлатлар 4,4 фоиз, ривожланаётган давлатлар 5,2 фоизга ўсиши айтилган бўлса, Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорлари саналган Россия Федерацияси иқтисодиёти 3,1 фоизга, Хитой 5,7 фоиз, Қозоғистон 3,2 фоиз (апрель прогнози), Евро ҳудуд 4,3 фоизга ўсиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодиёти ушбу даврда 5,0 фоизга (апрель прогнози) ўсиши прогноз қилинган.

4-расм

Ўзбекистон Республикасининг асосий савдо ҳамкорлари ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўсиши (фоизда)



Манба: IMF, World Economic Outlook (October 2021).

Халқаро валюта жамғармасининг жорий йилнинг июль ойидаги прогнозига кўра 2022 йилда жаҳон иқтисодий ўсиши кўп омилларга боғлиқ. Хусусан:

- 2022 йил охирига келиб мақсадли эҳтиёт чоралари ҳамда вакциналар ва даволаш усулларидан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш орқали вирусни маҳаллий даражада юқтиришни паст даражага тушириш;

- ривожланган иқтисодиётлар 2021 йил ёзи якунига қадар, баъзи ривожланаётган иқтисодиётлар эса жорий йилнинг якунигача, бошқа мамлакатлар 2022 йил якунигача вакциналарни кенг тарқалишига ва фойдаланишга эришишини таҳмин қилиш. Шунга қарамай, вакциналар кенг тарқалгунча қўшимча тўлқинлар пайдо бўлиши мумкин;

- фискал сиёсатда: 2021 йилдан бошлаб кўпчилик ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётларда бюджет тақчиллиги камайиши кутилмоқда;


- пул кредит сиёсатида: кўпчилик Марказий банклар 2022 йил давомида асосий ставкаларини ўзгаришсиз қолдириши тахмин қилинмоқда. Ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётлар баъзи Марказий банклари

иқтисодиётни қўллаб-қувватлашни камайтиришни бошладилар ва 2021 йил якунига қадар янада кўпроқ Марказий банклар шундай йўл тутиши кутилмоқда;

- жаҳон бозорида хомашё товарлари нархлари 2021 йил апрелдаги кутилмаларга қараганда юқори суръатларда ошиши кутилмоқда. Жаҳон иқтисодиётини тез суръатларда тикланиши натижасида нефть нархлари 2020 йилдаги паст базавий нархдан 60 фоизга юқори бўлиши кутилмоқда. Нефтдан тайёрланган хом ашё товарларининг 2020 йилдаги нархларга нисбатан 30 фоизга ошиши метал ва озиқ-овқат нархларини тез ошишига олиб келиши таҳмин қилинмоқда.


5-расм

Охирги йилларда табиий газ, мис ва олтиннинг жаҳон нархлари ўзгариши тенденцияси



Манба: Henry Hub natural gas prices (https://tradingeconomics.com/commodity/natural-gas)
COMEX copper prices (https://www.macrotrends.net/1476/copper-prices-historical-chart-data)
Изоҳ: 2021 йил нархлари 8 ой учун ўртача кўрсатилган.

Олтин нархи динамикаси *(долл./тр.унц.)*



Манба: https://fred.stlouisfed.org/series/GOLDAMGBD228NLBM#0 ва Reuters

2022–2024 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари

Амалга оширилаётган давлат дастурлари ва қабул қилинган ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда, 2022–2024 йилларда қуйидагилар иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифалари бўлиб қолади:

а) мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;

б) реал сектор тармоқларининг жадал ўсишини, янги иш ўринлари яратилишини, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлайдиган қулай бизнес муҳитини яратиш;

в) инвестиция муҳитини янада яхшилаш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

г) давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

д) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича фаол сиёсат олиб бориш.

Миллий прогнозларга кўра, устувор вазифаларни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда, 2022 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатини 6 фоизга етказиш ва унинг ижобий динамикасини кейинги йилларда ҳам давом эттириш прогноз қилинмоқда (2023 йилда 6,2 фоиз ва 2024 йилда 6,6 фоиз).

2022 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг асосий омиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 7,0 фоизга, қурилишни 8,1 фоизга, қишлоқ хўжалигини 3,3 фоизга, хизматларни 6,5 фоизга, чакана савдо айланмасини 9,3 фоизга, товарлар ва хизматлар экспортини 13,4 фоизга, ички ишлаб чиқарувчиларни хомашё ва асосий воситалар билан таъминлаш мақсадида импортни 0,2 фоизга оширган ҳолда бажариш, бунда ташқи савдо айланмасининг 1,1 фоизга ошиши кутилмоқда;

2022 йилда инфляция даражаси 9,0 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. Шу билан бирга, 2023 йилдан бошлаб инфляция даражасини босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтириш кўзда тутилган. Бу, ўз навбатида, монетар ва фискал сиёсатни қатъийлаштиришни тақозо этади. Хусусан, фоиз ставкаларини либераллаштириш, кредитлар ҳажмининг талабдан келиб чиққан ҳолда кескин ўсишини олдини олиш, умумий фискал тақчилликни 2024 йилга келиб ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,7 фоизгача пасайтириш мақсад қилинмоқда.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози

Т/р	Кўрсаткичлар	2021 йил кутилиш	2022 йил	2023 йил	2024 йил
1.	**Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм**	**722 830**	**839 989**	**972,701**	**1 126 753**
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	107,0	106,0	106,2	106,6
	ялпи ички маҳсулот дефлятори, фоизда	112,1	109,7	109,1	108,7
	Ялпи ички маҳсулот, млн. АҚШ долл.	**67 871**	**74 198**	**81 057**	**88 580**
	аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, **АҚШ долл.**	*1 955*	*2 105*	*2 262*	*2 429*
1.1.	**Саноат, млрд. сўм**	**185 748**	**217 683**	**256 491**	**305 571**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	27,7	28,0	28,5	29,3
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	109,5	107,0	108,0	109,6
1.2.	**Қурилиш, млрд. сўм**	**44 587**	**52 516**	**61 226**	**71 707**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	6,7	6,7	6,8	6,9
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	106,0	108,1	108,0	108,3
1.3.	**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари, млрд. сўм**	**183 885**	**207 898**	**233 823**	**262 218**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	27,4	26,7	25,9	25,1
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	104,0	103,3	103,5	103,6
1.4.	**Хизматлар, млрд. сўм**	**255 786**	**300 351**	**349 776**	**404 524**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	38,2	38,6	38,8	38,7
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	107,8	106,5	106,4	106,0
1.5.	**Инфляция даражаси,** ўтган йилнинг декабрига нисбатан, фоизда	**10,0**	**9,0**	**5,0**	**5,0**

Манба: Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги.

2022–2024 йилларда иқтисодий ўсишнинг прогноз кўрсаткичларини ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда, пул-кредит сиёсати ва банк соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар белгиланди:

2021–2022 йилларда ташқи талабнинг тикланиши ва глобал иқтисодий фаолликнинг пандемиядан олдинги даврга қараб тикланиши шароитида иқтисодиётдаги ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган макроиқтисодий сиёсатни юритиш;

бюджет тушумлари тўлиқлигини таъминлаш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш ҳамда аҳолининг камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш;

макроиқтисодий барқарорликни, шу жумладан, банк тизимининг молиявий соғломлигини таъминлашга ва инфляцияни жиловлашга қаратилган монетар ва макропруденциал сиёсатни қатъиян давом эттириш;

таркибий ўзгартиришларни изчил давом эттириш, хусусан, қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш;

давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, жумладан, рақобатни рағбатлантириш ва монополияни кескин қисқартириш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш орқали иқтисодиётда умумий самарадорликни ошириш;

қишлоқ хўжалигида давлат аралашувига тўлиқ барҳам бериш, маҳсулот ишлаб чиқаришни саноат босқичига олиб чиқиш (бунда, туманлар аниқ маҳсулотлар етиштиришга ихтисослаштирилиб, давлат томонидан деҳқонларни қўллаб-қувватлаш учун субсидиялар ажратиш);

экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида, янги ўзлаштириладиган 400 минг гектар ер майдонлари кластер корхоналарига очиқ танлов асосида ажратиш;

табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга ошириш орқали кимё саноатини янада ривожлантириш;

саноатни ресурс базаси билан таъминлаш учун геология-қидирув ишлари ҳажмини кескин ошириш, соҳага хусусий инвесторлар ва илғор хорижий компанияларни кенг жалб қилиш *(бунда, ерости бойликларидан фойдаланиш учун солиқ ставкалари норуда қазилмалар бўйича – 2 мартага, табиий газ бўйича – 3 мартага, нефть бўйича – 2 мартага камайтириш, шунингдек, ушбу солиқ мис ва олтин бўйича – 7 фоизгача пасайтириш)*;

илм-фанни ривожлантириш орқали саноат тармоқларига энг замонавий технологияларни кенг жорий этиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- машинасозлик, кимё, нефть-газ, энергетика, кон-металлургия, транспорт каби тармоқлардаги йирик корхона халқаро кредит рейтингларини олиш орқали ички ва ташқи молиявий бозорларга мустақил чиқиш, инвестиция лойиҳалари учун маблағ жалб қилиш имкониятларини ошириш.

II. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2021 йилги кутилаётган ижроси

2.1. Консолидациялашган бюджетнинг 2021 йилги баланси.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йилги консолидациялашган бюджети кутилаётган тақчиллиги (умумий фискал баланс) **40,1 трлн. сўмни** ёки **ялпи ички маҳсулотга** нисбатан **5,5 фоиз** миқдорида бўлиши кутилмоқда.

2021 йилги Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари тақчиллиги 17,8 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тақчиллиги 21,6 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,0 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Консолидациялашган бюджет тақчиллигини, шунингдек, **7,8 трлн. сўм миқдоридаги асосий қарзни** қайтариш харажатларини қоплаш қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилиши кутилмоқда:

халқаро молиявий ташкилотларнинг қарз маблағлари ва еврооблигациялар чиқариш ҳисобидан – **12,4 трлн. сўм**;

ички бозорга давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан – **4,0 трлн. сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан – **21,6 трлн. сўм;**

Давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан – **10,1 трлн. сўм**.

2.2. Давлат бюджети даромадларининг 2021 йилда кутилаётган ижроси.

2021 йилда Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари **147,2 трлн. сўм** бўлиб, ҳақиқатдаги ижроси **170,9 трлн. сўм** бўлиши кутилмоқда. Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси бўйича **129 трлн. сўм** даромадлар шакллантирилади, Давлат божхона қўмитаси бўйича эса **33 трлн. сўм** маблағ ундирилади.

Жорий йилда солиқ-божхона сиёсатини такомиллаштириш орқали пандемия шароитидан кейин иқтисодий фаолликни тиклашга, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга ҳамда солиқ маъмурчилигини яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Шу тадбирлар доирасида бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлаш ҳамда солиқ солишнинг адолатлилик тамойилини таъминлаш мақсадида, жумладан:

1) 2021 йилда қуйидаги солиқларнинг ставкалари **ўзгаришсиз қолдирилди**:

– қўшилган қиймат солиғи ставкаси – **15 фоиз**;

– фойда солиғи – **15 фоиз**;

– ижтимоий солиқ – **12** (бюджет ташкилотлари учун **25 фоиз**) **фоиз**;

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – **12 фоиз**;

– айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкаси – **4 фоиз**;

– дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган солиқ ставкаси – **5 фоиз**.

2) <u>Амалга оширилган асосий ўзгаришлар</u>:

а) солиқ органлари томонидан олдинги ҳисобот даври асосида фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини ҳисобланиши амалиёти сақлаб қолинган ҳолда солиқ тўловчига келгуси чоракнинг биринчи ойи 10 санасига қадар жорий чоракда кутилаётган фойда суммасидан келиб чиқиб бўнак тўловлари суммаси тўғрисида солиқ органларига **маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқи берилди**;

б) риелторлик хизматини кўрсатувчи шахсларга айланмадан олинадиган солиқ бўйича солиқ ставкаси **25 фоиздан 13 фоизга пасайтирилди**;

в) **ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахслар** меҳнат стажи ҳисобланиши учун йилига базавий ҳисоблаш миқдорининг **камида бир баравари миқдорида ихтиёрий тартибда** тўланиши белгиланди;

г) акциз солиғи ставкалари Солиқ кодекси билан белгиланди.

д) нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва импорт қилиш учун акциз солиғи ставкалари унификация қилиниб, мутлақ миқдорда сўмда белгиланди.

Шу билан бирга 2021 йилда акциз солиғи ставкалари бир марта 2021 йил 1 февралдан индексация қилинди.

Якуний истеъмолчига нефть маҳсулотларини сотишда тўланадиган акциз солиғи ставкалари ҳам 2021 йил 1 февралдан 15-22 фоиз миқдорида индексация қилинди.

е) республикада ишлаб чиқариладиган сигарет учун акциз солиғи ставкаси йил давомида 2 босқичда 2021 йил 1 февралдан ва 2021 йил 1 октябрдан - 7,5 фоизга индексация қилинди.

Тамаки маҳсулотлари импорти ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга акциз солиғи ставкаларини босқичма–босқич бирхиллаштириш мақсадида, импорт қилиб олиб киритаётган тамаки маҳсулотларига акциз солиғи йил бошидан 15 фоизга камайтирилиб, мутлақ миқдорда белгиланди.

ё) алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивога акциз солиғи ставкалари ҳам - 2 босқичда 2021 йил 1 февралдан ва 2021 йил 1 октябрдан - ўртача 7,5 - 8 фоизга индексация қилинди.

ж) 73 турдаги товарлар импорти бўйича акциз солиғи ставкалари бекор қилинди, хусусан электротехника маҳсулотлари (музлатгичлар, кондиционерлар, кир ювиш машиналари), тракторлар ва ярим тиркамалар, озиқ-овқат маҳсулотлари (маргарин, қандолат ва бошқа маҳсулотлари) бўйича ва ҳ.к;

з) мобиль алоқа хизматларига акциз солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди.

и) ишлаб чиқарувчилар томонидан туристик йўналишларда ташкил этилган дегустация ҳудудларида (жойларида) реализация қилинадиган табиий вино (шиша идишдагилардан ташқари) маҳсулотлари акциз солиғи объекти ҳисобланмаслиги белгиланди.

3) Айрим тоифадаги тўловчилар учун мажбурий тартибда ҚҚС тўланиши жорий этилишини инобатга олган ҳолда айланмадан олинадиган солиқ татбиқ этилмайдиган шахслар рўйхати кенгайтирилди. Хусусан, қуйидаги тоифадаги солиқ тўловчилар учун айланмадан олинадиган солиқ татбиқ этилмаслиги белгилаб қўйилди:

– алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шохобчалари;

– бозорлар ва савдо комплекслари.

Шу билан бирга, 2021 йилда ҳам давом этаётган коронавирус пандемияси оқибатида зарар кўрган тадбиркорлик суъбеклари ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида, бир қатор чоралар кўрилди, хусусан:

– 2021 йил 31 декабргача бўлган давр учун туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари кўрсатувчи субъектлар учун фойда солиғи ставкаси 50 фоизга камайтирилди, ижтимоий солиқ эса 1 фоиз ставкада белгиланди, юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тўлашдан озод қилинди;

– Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда 20 та турдаги товарлар (оқ ва бошқа шакардан ташқари) бўйича божхона божининг ноль даражали ставкасини қўллаш муддати 2021 йилнинг 31 декабргача узайтирилди;

– 2021 йил 1 октябрдан бошлаб цемент (клинкер) ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхоналар учун белгиланган 20 фоизлик фойда солиғи ставкаси 15 фоизга пасайтирилди.

Бундан ташқари, 2021 йил 1 майдан 31 декабрга қадар ўсимлик ёғи, кунгабоқар ва зиғир уруғи, шунингдек соя данагини олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек бошқа омиллар ҳисобига 2021 йилда Давлат бюджети даромадларининг кутилаётган ижроси қуйидагича бўлиши кутилмоқда.

4-жадвал

2021 йилда Давлат бюджети даромадларининг кутилаётган ижроси

(трлн. сўм)

Т/р	Даромад турлари	Прогноз	Ижро	Фоиз	Фарқи
	ЖАМИ	**147,2**	**170,9**	**116,1**	**23,7**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	**21,4**	**23,6**		
I.	**Бевосита солиқлар**	**46,8**	**59,0**	**125,9**	**12,1**
1.1	Фойда солиғи	27,8	38,7	139,3	10,9
1.2	Айланмадан олинадиган солиқ	2,2	1,8	81,4	-0,4
1.3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	16,9	18,5	109,4	1,6
II.	**Билвосита солиқлар**	**62,5**	**57,9**	**92,6**	**-4,6**
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	47,0	40,3	85,8	-6,7
2.2	Акциз солиғи	11,8	12,9	109,3	1,1
2.3	Божхона божи	3,8	4,7	125,6	1,0
III.	**Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи**	**19,4**	**22,6**	**116,4**	**3,2**
3.1	Мол-мулк солиғи	2,5	2,5	101,5	0,0
3.2	Ер солиғи	2,9	3,6	123,0	0,7
3.3	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	13,6	15,8	115,9	2,2
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,4	0,7	177,6	0,3
IV.	**Бошқа даромадлар**	**18,4**	**31,4**	**170,7**	**13,0**


Жаҳон бозоридаги олтиннинг (прогноз – 1750 доллар / троя унцияси, январь-сентябрь ойларида ўртача – 1801 доллар / троя унция), миснинг (прогноз – 6000 долл./тн, январь-сентябрь ойларида ўртача – 9242 долл./тн) нархи юқорилиги, пандемиядан сўнг иқтисодий фаолликни тикланиши ҳамда Давлат

бюджети даромадлари кўпайтириш юзасидан олиб борилган чоралар натижасида прогноз кўрсаткичлари фойда солиғи бўйича **10,9 трлн. сўмга** (+39,3 фоиз), божхона божи **962 млрд. сўмга** (+25,6 фоиз), ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ **2,2 трлн. сўмга** (+15,9 фоиз), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ **301 млрд. сўмга** (+77,6 фоиз) ва бошқа даромадлар (жумладан, давлат улушига ҳисобланган дивидендлар) бўйича **13 трлн. сўм** (+70,7 фоиз) ортиғи билан бажарилиши кутилмоқда.

2021 йилда Давлат бюджетининг даромадлари 2020 йилга нисбатан **38 трлн. сўмга** (+28,6 фоиз), жумладан бевосита солиқлар **13,8 трлн. сўмга** (+30,4 фоиз), билвосита солиқлар **11,5 трлн. сўмга** (+24,8 фоиз), ресурс солиқлари **1,3 трлн. сўмга** (+6,3 фоиз) ва бошқа даромадлар **11,4 трлн. сўмга** (+56,7 фоиз) ошади.

6-расм

2021 йилда Давлат бюджети даромадлари таркиби қуйидагича ўзгарди
(*жами даромаддаги улуши)*



Солиқ ставкаларининг ўзгариши, давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушумларнинг сезиларли ошиши ва бошқа омиллар шароитида бошқа даромадлар салмоғи эса 15,1 фоиздан 18,4 фоизгача, бевосита солиқлар улуши 34,0 фоиздан 34,5 фоизгача ошаётган бўлса, билвосита солиқлар улуши 34,9 фоиздан 33,9 фоизгача, ресурс солиқларининг улуши эса 16 фоиздан 13,2 фоизгача камаяди.

Бевосита солиқлардан 2021 йилда **59 трлн. сўм** (Давлат бюджети даромадларидаги улуши 34,5 фоиз), шу жумладан: фойда солиғи – **38,7 трлн. сўм** (22,6 фоиз), айланмадан олинадиган солиқ – **1,8 трлн. сўм** (1 фоиз), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – **18,5 трлн. сўм** (10,8 фоиз) миқдорида кутилмоқда.

Фойда солиғи бўйича кутилаётган тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10 трлн. сўмга (+34,8 фоиз) кўп бўлади. Тушумларнинг ўсиши асосан:

олтиннинг жаҳон бозоридаги нархининг ошиши;

фойда солиғи тўловчиларининг сони ошиши;

давлат улушига ҳисобланган дивидендлар тушуми кескин ўсиши ҳисобига – дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган солиқ тушумларининг ошиши ҳисобига таъминланади;

Шу билан бирга, пандемиянинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонларига асосан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар доирасида айрим солиқ тўловчиларга фойда солиғи базасини камайтириш бўйича имтиёзлар тақдим қилинди.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича кутилаётган тушумлар **1,8 трлн. сўмни** ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **404 млрд. сўмга** ошиши, лекин 2021 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилмаслиги кутилмоқда. Бунда, асосан тадбиркорлик субъектларини солиқ солишнинг умумбелгиланган тартибига ўтаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Жорий йилда **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** бўйича тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,4 трлн. сўмга** кўпайиб, **18,5 трлн. сўмни** ташкил этади. Мазкур солиқ тури тушумлари йил бошидан бюджет ташкилотларида иш ҳақи миқдорларининг икки марта (1 февраль ва 1 сентбярь) 10 фоиздан оширилганлиги фонида ҳамда тўловчилар сонининг ошиши фонида кўпаймоқда.

Даромадлар асосий таркибини **билвосита солиқлар** ташкил қилиб, **57,9 трлн. сўм**ни ёки Давлат бюджети умумий даромадларининг 33,9 фоизини ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 8 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда (2020 йилда 46,4 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7,7 фоизни ташкил қилган).

Қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар ўтган йилга нисбатан **9,1 трлн. сўмга** ёки 29,2 фоизга ошган ҳолда жами **40,3 трлн. сўм** тушиши **кутилмоқда**.

2020 йил якуни бўйича 113 477 та қўшилган қиймат солиғи тўловчилари рўйхатдан ўтган бўлса, 2021 йилнинг 1 июль ҳолатига келиб уларнинг сони 133 820 тани ташкил этиб, йил бошига нисбатан 20 343 тага кўпайган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги ПФ-6011-сон “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармонига асосан бир қатор солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиниши қўшилган қиймат солиғи тушумлари ошишига сабаб бўлди.

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида қўшилган қиймат солиғи тўловчиларига **10,4 трлн. сўм** қайтарилди *(2020 йилда жами 9 трлн.сўм қайтарилган)*. Йил охиригача **12,4 трлн. сўм** атрофида қўшилган қиймат солиғи

суммаси қайтарилиши кутилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра эса **6,9 трлн. сўм** миқдорида қайтариш прогноз қилинган эди.

Акциз солиғи бўйича кутилаётган тушумлар **12,9 трлн. сўм** ёки Давлат бюджети даромадларининг 7,6 фоизи миқдорида, ўтган йилга нисбатан 10,4 фоизга ёки **1,2 трлн. сўмга** кўпайиши кутилмоқда.

Божхона органлари томонидан 295 млрд. сўм акциз солиғи ундирилади (ўтган йилда 859 млрд. сўм ундирилган эди). Тушумларнинг камайишига асосан 2020 йил 1 августдан автомобиллар учун акциз солиғининг бекор қилиниши ҳамда 2021 йил 1 январдан бошлаб 73 та товар импортига акциз солиғининг бекор қилиниши сабаб бўлди.

Божхона божи тушумлари ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 трлн. сўмга (+ 32,6 фоиз) кўпайиб, 4,7 трлн. сўмни ташкил қилиши кутилмоқда. Бунга валюта курсининг (ўртача 5,8 фоизга) ўсиши имтиёзларнинг бекор қилиниши ва импорт товарлари таркибининг ўзгариши таъсир қилди.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар **22,6 трлн. сўм** ёки Давлат бюджети даромадларининг **13,2 фоизи** миқдорида бўлиши кутилмоқда.

Ресурс солиқларининг асосий қисми **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ**қа тўғри келади. 2021 йил якунларига кўра ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари 2020 йилга нисбатан 663 млрд. сўмга камайиб, **15,8 трлн. сўм**ни ташкил этади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумларининг камайиши асосан олтин ва кумуш учун белгиланган солиқ ставкасини 20 фоиздан 15 фоизгача пасайиши ҳисобига юз беради.

Жорий йилда мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 трлн. сўмга ошиб, 6,9 трлн. сўмни ташкил этади.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар:

- ер солиғи бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан Солиқ кодексида белгиланган базавий солиқ ставкалари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерлар учун туманлар ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланишига қараб, туманлар ва шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари, мазкур белгиланган солиқ ставкаларига камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаган ҳолда даҳа, массив, маҳалла, кўча кесимида солиқ ставкаларини тасдиқлашлари белгиланганлиги ва базавий ставкаларни (1,15 бараварга) индексация қилиниши ҳисобига;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг 1,15 бараварга, иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари учун эса 1,3 бараварга индексация қилинишини ҳисобига тушум таъминланган.

Давлат бюджетининг бошқа даромадларини асосан давлат улушига ҳисобланган дивидендлар ва давлат корхоналарининг соф фойдаси – 15,4 трлн.сўм, давлат божлари – 1,9 трлн.сўм, йиғимлар – 2 трлн.сўм, божхона йиғимлари – 852 млрд.сўмни ташкил қилмоқда.

Умуман олганда, 2021 йил январь-сентябрь ойлари тушумлари асосида қилинган ҳисоб-китобларга кўра, жорий йил якунлари бўйича Давлат бюджети даромадлари **170,9 трлн. сўм**ни ёки Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида кўзда тутилган прогнозга нисбатан **23,7 трлн. сўмга** ортиқча бажарилиши кутилмоқда.

2.3. Давлат бюджети харажатларининг 2021 йилда кутилаётган ижроси.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг 2021 йилда кутилаётган ижроси **190,8 трлн. сўмни** (давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар билан бирга) ёки 2021 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан **24,9 трлн. сўм**га ошган ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг 26,4 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2021 йилги кутилаётган ижроси, трлн. сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	Тасдиқланган бюджет	Кутилаётган ижро	Фоизда
	Давлат бюджети харажатлари	**165,9**	**190,8**	**115,0**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*24,1*	*26,4*	
1	**Ижтимоий харажатлар**	**86,6**	**99,0**	**114,3**
	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари *шундан:*	**69,5**	**84,6**	**121,7**
	Таълим	34,6	40,4	116,8
	Соғлиқни сақлаш	19,6	23,1	117,9
	Маданият	1,4	1,7	121,4
	Спорт	1,2	1,3	108,3
	Фан	1,2	1,2	100,0
	Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	10,2	9,9	97,1
	Пенсия жамғармасига трансфертлар	**14,7**	**12,9**	**87,8**
	Ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар	**2,4**	**1,5**	**62,5**
2	**Иқтисодиёт харажатлари**	**13,9**	**19,4**	**139,6**
	шундан:			
	Сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	4,5	5,8	128,9
3	**Марказлашган инвестиция харажатлари**	**17,7**	**31,8**	**179,7**
4	**Давлат бошқаруви, ҳокимияти, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари**	**7,5**	**9,3**	**124,0**
5	**Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари**	**1,5**	**1,5**	**100,0**
6	**Давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари**	**3,0**	**2,7**	**90,0**
7	**Бошқа харажатлар**	**24,4**	**26,7**	**109,4**

7-расм

2021 йилги Давлат бюджети харажатларининг таркиби
трлн.сўм



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг кутилаётган ижроси тасдиқланган режага нисбатан кўп бўлиши Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган қуйидаги дастур ва тадбирлар учун қўшимча маблағлар ажратилиши билан изоҳланади, хусусан:

ички йўллар ва ичимлик суви объектларини таъмирлашга – 3,3 трлн. сўм;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини молиялаштиришга – 2,8 трлн. сўм;

коронавирусга қарши курашиш тадбирларини молиялаштиришга – 1,3 трлн. сўм;

давлат-хусусий шериклик асосидаги ва оилавий мактабгача таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш ҳамда шу асосда ташкил этилган мактабгача таълим ташкилотларида болалар қамровини ошганлиги сабабли субсидиялар учун қўшимча юзага келган талабни қоплаш учун – 1,1 трлн. сўм;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида қурилиш-таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш ишлари учун – 1,0 трлн.сўм;

Автомобиль йўлларини ривожлантириш ҳудудий мақсадли жамғармаларини шакллантириш учун – 1,1 трлн. сўм;

ички истеъмолчиларга табиий газ ва электр энергияси нархлари оширилмаганлиги сабабли “Узтрансгаз” корхонаси томонидан кўрилган зарарнинг бир қисмини қоплаш учун – 1,0 трлн.сўм;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлашга – 0,9 трлн. сўм;

“Янги Андижон” шаҳарчасини барпо этиш учун – 1,3 трлн. сўм;


Туризм объектлари атрофидаги ер майдонлари, сув ва йўл инфратузилмаларини яхшилаш учун – 0,9 трлн. сўм;

ижтимоий нафақа олувчи оилалар сонини ошириш, 18 ёшгача фарзанди бор оилаларга тайинланадиган нафақа тўловлари учун – 0,6 трлн.сўм ва бошқалар.

2.3.1. Давлат бюджети харажатларининг 2021 йилги кутилаётган ижроси, соҳалар кесимида.

2021 йилда **ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш** харажатларининг кутилаётган ижроси **84,6 трлн. сўм** бўлиб, тасдиқланган параметрларга нисбатан ўсиш 21,8 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

8-расм



Таълим.

2021 йилда Давлат бюджетининг жами **таълим соҳаси харажатлари 40,4 трлн. сўм** миқдорида ёки Давлат бюджети жами харажатларининг **21,2 фоизини** ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан ўсиш 16,8 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

Соғлиқни сақлаш.

2021 йилда соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари 23,1 трлн. сўмни ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан 17,3 фоизга ошган ҳолда жами харажатларнинг 12,1 фоизини, ялпи ички маҳсулотнинг эса 3,2 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

6-жадвал

млрд.сўм

	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	Ўсиш 2017/2021 йил
Дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар	376,4	914,6	1 123,1	1 494,3	1 783,9	4,7
Озиқ-овқат маҳсулотлари	161,9	205,7	305,0	333,3	604,3	3,7

Маданият соҳаси.

Маданият соҳасига харажатлар 2021 йилда **1,7 трлн. сўмни** ёки Давлат бюджети жами харажатларининг 0,9 фоизини ташкил қилиб, тасдиқланган параметрга нисбатан **20,9 фоизга** ошиши кутилмоқда.

Спорт соҳаси.

Спорт соҳасига харажатлар 2021 йилда **1,3 трлн. сўмни** ёки Давлат бюджети жами харажатларининг 0,7 фоизини ташкил қилиб, тасдиқланган параметрга нисбатан **5,9 фоизга** ошиши кутилмоқда.

Фан.

Фанни янада ривожлантириш тадбирлари учун 2021 йилда **1,2 трлн. сўм,** Давлат бюджети жами харажатларининг 0,6 фоизини ташкил қилиши кутилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя.

Ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва компенсация тўловлари харажатлари **9,9 трлн. сўм**ни ташкил этиб, бу Давлат бюджети жами харажатларининг **5,2 фоизини** ташкил этиши кутилмоқда.

Бу, ўз навбатида, 2021 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий ёрдам бериш, болали оилаларга барча турдаги ижтимоий нафақаларни тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш имконини беради.

Иқтисодиёт харажатлари.

Давлат бюджетидан 2021 йилда иқтисодиётга ажратилиши кутилаётган харажатлар **19,4 трлн. сўмни** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,7 фоизни ташкил этиб, жами харажатларнинг 10,2 фоизини ташкил этади ҳамда бу кўрсаткич тасдиқланган бюджетга нисбатан 40,2 фоизга кўп.

Иқтисодиёт харажатлари таркибида йил охиригача қуйидагилар учун маблағлар ажратилиши кутилмоқда:

сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари **5 791,0 млрд. сўм;**

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш **512,0 млрд. сўм;**

геологик қидирув ишлари **1 048,0 млрд. сўм;**

аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш **4 081,0 млрд.сўм.**

2021 йил якуни бўйича **Ободонлаштириш соҳаси** ташкилотлари 221 тани ташкил этиши ва уларда 64,3 мингдан ортиқ штат бирликлари фаолият юритиши ҳамда соҳанинг жорий харажатлари учун **2 763,9 млрд.сўм** ажратилиши кутилмоқда. Бу эса 2020 йилда ажратилган маблағларга нисбатан 12,5 фоизга кўп бўлиши кутилмоқда.

Шунингдек, **ички хўжалик йўлларини** таъмирлаш харажатлари учун 2021 йилда 273,3 млрд.сўм пул маблағлари ажратилиши ҳамда 2020 йилда ажратилган маблағларга нисбатан 55,9 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

2021 йил якуни бўйича **Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги** ва вазирлик тизимидаги ташкилотлар сони 17 тани ташкил этиши ва уларда 1 415 та штат бирликлари фаолият юритиши ҳамда соҳанинг жорий харажатлари учун **3 259,3 млрд.сўм** ажратилиши кутилмоқда. Бу эса 2020 йилда ажратилган маблағларга нисбатан 129,4 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Марказлашган инвестиция харажатлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сон “2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2021 йилда Давлат бюджетининг марказлашган капитал қўйилмалари ҳисобидан **1 971 та** объектларга **17 700,0 млрд.сўм** маблағ ажратилиши белгиланган. *Ўтган йил ажратилган 13 976,8 млрд.сўмга нисбатан 126 фоизни ташкил этади.*

Жорий йилнинг якуни билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга қилган ташрифлари давомида берилган топшириқлари, қабул қилинган фармонлари, қарорлари ҳамда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Ҳукуматнинг тегишли қарор ва фармойишларига асосан 2021 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури параметрларига қўшимча **14 085,5 млрд.сўм** маблағ ажратиб берилиши кутилмоқда.

Бунинг натижасида, Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига жорий йил якуни билан **31 786,0 млрд.сўм** йўналтириш кутилмоқда.

Ажратилган маблағларнинг йўналишлар кесимида кутилаётган ижроси қуйидагича.

1. 2021 йил Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида **ижтимоий соҳа** муассасаларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун йил якунига қадар **7 832,7 млрд.сўм** йўналтирилади, жумладан:

а) **284 та мактабгача таълим муассасалари** қурилиш-таъмирлаш ишлари учун **1 141,1 млрд.сўм** ажратилади.


Бунинг натижасида, таълимнинг бошланғич бўғини ҳисобланган ёш авлодга мактабгача бўлган таълим-тарбия олишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ушбу маблағлар ҳисобига жами **46 240** ўринли, шундан **7 315** ўринли **янги қурилиш**, **23 345** ўринли **реконструкция қилиш** ҳамда **15 580** ўринли мавжуд қувватлари мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб фойдаланишга топширилади.

б) **611 та умумтаълим мактаблари** учун **3 231,8 млрд.сўм** ажратилади, бунинг ҳисобига 2021 йилнинг якунига қадар жами **285 736** ўқувчи ўринли, шундан **19 751** ўринли, **25 та** янги спорт заллар янги қурилиб, 46 таси реконструкция қилинади ва фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 284-ф сон фармойишига асосан **6 175 та** умумтаълим мактабларини 2021/2022 ўқув йилига тайёрлаш мақсадида жами **1 046 млрд. сўм** маблағ ажратиб берилади

9-расм

2021 йилда марказлашган инвестициядан ижтимоий соҳага ажратилган маблағлар, млрд. сўм



в) жорий йил якунига қадар **204 та тиббиёт муассасаларини** қуриш-таъмирлаш ишлари учун **1 644,5 млрд.сўм** маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда. Бунинг ҳисобига, йил якуни билан **14 171** ўринли **5 920** қатнов

38 та тиббиёт объектлар фойдаланишга топширилади, шундан, **2 646** ўрин, **3 230** қатновли **7 та** объектларда янги қурилади ҳамда **11 525** ўринли ва **2 580** қатновли **25 та** объектлар реконструкция қилинади, **6 та** тиббиёт муассасалари мукаммал таъмирлаш орқали фойдаланишга топширилади.

г) 2021 йилда **42 та олий таълим объектларида** қурилиш-таъмирлаш ишлари учун **1 079,1 млрд.сўм** маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда, ушбу маблағлар ҳисобига жорий йилда жами олий таълим муассасаларнинг 19 849 ўринли ўқув бинолари ҳамда 4 174 ўринли талабалар тураржойлари қурилади ва реконструкция қилинади.

д) 16 та **илмий тадқиқот объектларини** мукаммал таъмирлаш ишлари учун **60,5 млрд.сўм** 2021 йил якунига қадар ажратиш кўзда тутилмоқда;

е) **25 та маданият ва санъат муассасаларини,** шу жумладан, 10 та янги қурилиш, 12 та реконструкция қилиш ва 3 та мукаммал таъмирлаш орқали **179,8 млрд.сўм** маблағлар ўзлаштирилиши кутилмоқда;

Жорий йил якуни билан эса **11 та** маданият ва санъат объектлари фойдаланишга топширилади.

ё) 68 та **жисмоний тарбия ва спорт**, жумладан, спорт комплекслари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, футбол маҳорат мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари учун **496,0 млрд.сўм** йўналтирилади.

2. Муҳандислик-коммунал инфратузилма объектлари бўйича.

а) Йил якунлари билан республика аҳоли пунктларини **тоза ичимлик суви** билан таъминлаш ва оқова сув тизимларини яхшилаш мақсадида барча манбалар ҳисобидан “Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш” жамғармасига жами **1 967,0 млрд.сўм** маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.

б) **Иссиқлик таъминотини** ҳамда 37,4 км иссиқлик таъминоти тармоқларини қуриш ишлари учун йил якунига қадар **127,0 млрд.сўм** ўзлаштирилиши кутилмоқда.

Ушбу маблағлар ҳисобига вилоят марказларида истиқомат қилувчи аҳолининг иссиқлик таъминоти билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш мақсадида Жиззах вилоятидаги 2 та маҳаллий (16,9 млрд.сўм) Самарқанд вилоятидаги 1 та (20,7 млрд.сўм) марказий, Тошкент вилоятидаги 2 та марказий ва 1 та маҳаллий (38,4 млрд.сўм) иссиқлик қозонхоналарини модернизация қилиш ва Фарғона вилоятидаги 1 та (39,4 млрд.сўм) 37,4 км иссиқлик таъминоти тармоқларини қуриш режалаштирилган.

Ушбу қозонхоналар ва иссиқлик таъминоти тармоқларини қуриб фойдаланишга топшириш эвазига **304 та аҳоли хонадонлари ва 31 та ижтимоий ва бошқа соҳа объектларининг** кафолатланган иссиқ сув ва иситиш тизимлари яхшиланиши орқали **70,3 мингдан ортиқ аҳолининг** сифатли иссиқлик таъминотига эга бўладилар.





3. Йўл-транспорт инфратузилмаси бўйича.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 108 та йўл хўжалиги объектлари *(81 та йилдан-йилга ўтувчи, 27 та янгидан бошланувчи)* учун **3 652 млрд.сўм** маблағлар ажратилиб берилади;

Жумладан:

800,1 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида қурилиш ва реконструкция қилиш ишлари учун **1 216,0 млрд.сўм** маблағлар йил якунига қадар ажратиш кўзда тутилмоқда. Шундан, **106,1 км** узунликдаги автомобиль йўллари фойдаланишга топширилиши кутилмоқда;

70 та умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жойлашган таъмир талаб ва авария ҳолатидаги кўприклар ва бошқа сунъий иншоотларни қайта тиклаш ишлари учун **340,0 млрд.сўм** маблағ ажратиб берилади;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари учун йўл таъмирлаш техникалари ва жиҳозлар харид қилиш ва ишлаб чиқариш қувватини янгилашга **246,2 млрд.сўм** маблағ ажратиб берилади;

ички хўжаликлараро автомобиль йўллари ва шаҳар кўчаларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига **302,0 млрд.сўм** ҳамда саноат зоналарининг кириш ва ички йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига **100,0 млрд.сўм** маблағлар ўзлаштирилиши кутилмоқда;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жойлашган ўлчов тарозиларни ўрнатиш ишларига **150,0 млрд.сўм;**

намунавий уй-жойларнинг ички йўлларини қуриш ишларига **35,0 млрд.сўм** маблағ ажратиб берилади.





Бундан ташқари, 2021 йилги “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида **7081,3 кмли** ички автомобиль йўллари ва **3 084,3 п.м.** кўприкларни қуриш-таъмирлаш ишлари учун **2 110,8 млрд.сўм** маблағлар йўналтирилади.

4. Ирригация ва мелиорация объектлари.

а) 2021 йилги Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доираси 180 та **ирригация объектларда** *(70 та йилдан-йилга ўтувчи, 110 та янгидан бошланувчи)* қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширилиши учун **910,0 млрд.сўм** маблағлар ажратилади.

Мазкур маблағлар ҳисобига 2021 йил якуни билан **349,5 км** канал, **125,7 км** лоток тармоқлари, **62 та** суғориш қудуғи, **19 дона** гидротехник иншоот ҳамда 205,0 млн. куб метр ҳажмдаги (2 та) сув омбори каби объектларда қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш орқали **250 минг** гектар суғориладиган ерларнинг кафолатланган сув ресурслари билан таъминланиши кутилмоқда.



Бундан ташқари, жорий йилда, Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш учун **41,1 млрд.сўм** маблағ ажратилиши эвазига **30 та** объектда дарё ўзанларини тозалаш ва дарёларни мустаҳкамлаш ишлари бажарилади.

б) 87 та **мелиорация объектлари** *(шундан, 19 та йилдан йилга ўтувчи, 68 та янгидан бошланувчи)* **264,8 млрд.сўм** маблағлар йил якуни билан ажратилиши режалаштирилган.

Бунинг натижасида **580,4 км** очиқ коллектор тармоқлари, **130,5 км** ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, **25 та** вертикал дренаж қудуқ, **10 та** кўприк ҳамда **19 та** гидротехник иншоотни қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилиши орқали **198 минг** гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда.

Амалга ошириладиган ирригация ва мелиорация тадбирлари натижасида, **250 минг** гектар ерларнинг сув таъминоти оширилиши ҳамда **198 минг** гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кутилмоқда.

5. Оролбўйи минтақасини ривожлантириш тадбирлари доирасида 2021 йилда **102 та** объектларга **200,0 млрд. сўм** ажратиш назарда тутилган бўлиб, шу жумладан, йил охирига қадар Қорақалпоғистон Республикасидаги **63 та** объектларга **92,0 млрд. сўм** ва Хоразм вилоятидаги **39 та** объектларга **92,0 млрд. сўм** маблағлар йўналтириб берилади.



Бундан ташқари, жорий йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигидаги Траст жамғарма ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси улуши сифатида 2020 йил Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастури доирасида кўзда тутилган маблағлардан **16,0 млрд. сўм** молиялаштириб берилди.

2021 йил Қорақалпоғистон Республикаси бўйича ажратиладиган 92,0 млрд.сўм маблағлар эвазига йил якунига қадар:

Нукус шаҳри ва туман марказларидаги **120 та** кўп квартирали уйларнинг **106,2 минг кв.метр** том қисмида реконструкция ишлари амалга оширилади. Натижада, **43 та МФЙ** га қарашли **120 та** кўп квартирали уйларнинг (ушбу уйларда **12 минг**дан ортиқ аҳоли яшайди) том қисми тўлиқ реконструкция қилиниб, шароит янада яхшилаб берилишига эришилади.

28 та тоза ичимлик суви ва оқова сув таъминоти объектларида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, объектларнинг фойланишга топширилиши натижасида, **125,2 км** ичимлик ва оқова сув тармоқлари янгидан қурилади, реконструкция қилинади. Шу билан бирга **1 та** оқова сув тозалаш иншооти реконструкция қилинади, **12 та** сувни тузсизлантириш ускуналари ўрнатилади. Бунинг натижасида, **22 та МФЙ** ва **ОФЙ**ларда яшовчи **11 мингдан** ортиқ аҳолига марказлашган ҳолда тоза ичимлик суви ва оқова сув тизими янгидан қуриб берилади ва **12 мингдан** ортиқ аҳолига мавжуд сув ва оқова сув тармоқлари реконструкция қилиб берилади.

2021 йил давомида **Хоразм вилояти бўйича ажратиладиган маблағлар эвазига:**

иссиқлик тизими бўйича **11 та** объектларда **10 та** қозонхона реконструкция қилинади, **34 та** янги иситиш қозонлари ўрнатилади, **11,1 км** узунликдаги иссиқлик тармоғи тортилади, олиб бориладиган қурилиш-монтаж ишлари натижасида **78 та** кўп қаватли уйлар (**2604 та** хонадон), **25 та** ижтимоий соҳа ва бошқа соҳа объектларига иссиқ сув ва иссиқлик энергияси етказиб берилиб, **10 мингга** яқин аҳолининг яшаш шароитлари янада яхшиланади;

20 та ичимлик суви лойиҳалари бўйича **365,0 км** дан ортиқ тоза ичимлик суви ҳамда **1,0 км дан** ортиқ оқова сув тармоқлари ва **8 та** ичимлик сув иншоотларини қуриш ва реконструкция қилинади, **1 та** оқова сув иншоотини модернизация қилиш ишлари амалга оширилади. Бунинг натижасида **26 та** МФЙ ларида **100 минг**га яқин аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражаси яхшиланади, **27 минг**дан ортиқ аҳолига янгидан тоза ичимлик суви

етказиб берилади, **420 нафар** аҳоли марказлашган оқова тизимига янгидан уланади;

8 та олис қишлоқ жойларида жойлашган мактабларга сувни тузсизлантирувчи қурилмалар ўрнатиш объектлари қурилиши натижасида **27 та** умумтаълим мактаблари тоза ичимлик суви билан таъминланади. Ушбу мактабларда таълим олаётган **20 мингга** яқин ўқувчилар ҳамда мактаб ҳудудларига яқин жойлашган аҳолига тоза чучуклаштирилган ичимлик суви етказиб берилади.

2.3.2. Давлат бюджети харажатларининг 2021 йилги кутилаётган ижроси, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2021 йилги харажатлари биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар (вазирлик ва идоралар) кесимида, шунингдек вазирлик ва идоралар дастурларини амалга ошириш учун давлат харажатлари назоратини таъминлаш, жамоатчилик ва Парламент назоратини кучайтириш мақсадида улар учун ажратилган маблағлар алоҳида қаторларда кўрсатиш механизми жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан вазирлик ва идораларга 2021 йилда ажратилган маблағларнинг кутилаётган ижроси ҳамда эришилаётган натижалари тўғрисида қуйида айрим вазирлик ва идоралар кесимида келтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига 2021 йил якунига қадар республика бюджетидан **22,2 трлн. сўм** маблағ, жу жумладан, вазирликнинг жорий харажатларига 19,8 трлн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар (кейинги ўринларда – капитал қўйилмалар) миқдори 1,8 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Шу жумладан, жорий йил охиригача:

халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармасига **146,1 млрд.сўм;**

халқ таълими муассасаларини кенг полосали Интернет тармоғига уланишини таъминлаш учун **98,0 млрд.сўм** ажратилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги “Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 409-сон қарорига асосан умумтаълим мактаблардаги кам таъминланган оилалар ўқувчиларини қишки кийим-бош тўплами билан таъминлашга доир сарф-харажатлар Давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш белгиланган.

Ушбу мақсадлар учун республика бюджети маблағлари ҳисобидан 2021 йил охиригача кам таъминланган оила фарзандлари учун чидамлилиги юқори бўлган қишки кийим-бош билан таъминлаш харажатларига **68,1 млрд.сўм** ва уларни дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан бепул таъминлашга **133,4 млрд.сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан шу йилдан етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилётган бўлиб, ушбу мақсадларга жорий йилда **30,0 млрд.сўм** бюджет маблағлари ажратилди.

Жорий йилда халқ таълими тизимидаги жисмоний ва психик ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун махсус мактаб-интернатлари, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун меҳрибонлик уйлари ва SOS Ўзбекистон болалар маҳаллалари тарбияланувчи-ўқувчиларини соғлом овқатлантиришни ташкил этиш, белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ овқатлантириш харажатларига йил охиригача **120,3 млрд. сўм** маблағ йўналтирилиши кутилмоқда.

7-жадвал

Халқ таълими тизимидаги муассасаларда жисмоний ва психик ривожланишида нуқсони бўлган тарбияланувчи-ўқувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш харажатлари

(млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2020 йил ижро	2021 йил кутилаётган ижро	Фарқи	
			ўсиш	фоиз
ЖАМИ	**85,0**	**120,3**	**35,3**	**141,5**
Махсус мактаб-интернатлари	65,0	81,0	16,0	124,7
Меҳрибонлик уйлари	15,5	17,3	1,8	111,8
SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари	4,5	21,9	17,4	487,2

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига 2021 йил якунига қадар республика бюджетидан **6,5 трлн. сўм**, шу жумладан, вазирликнинг жорий харажатларига 5,4 трлн. сўм, капитал қўйилмалар миқдори 1,1 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Мактабгача таълим вазирлиги

Шу жумладан, жорий харажатлар таркибида вазирликнинг ривожлантириш дастурлари учун харажатлар 1 617,9 млрд.сўмни, мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси учун ажратилган маблағлар 110,0 млрд.сўм ташкил этиши кутилмоқда.

Давлат хусусий шерикчилик асосида ташкил этилган мактабгача таълим муассасаларига жорий йил охиригача **930,5 млрд. сўм** миқдоридаги субсидия ажратилиши кутилмоқда.

Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш тизимини тўлиқ жорий этилиши муносабати билан, болаларни бошланғич таълим билан қамраб олиш доирасини янада кенгайтириш мақсадида 2020/2021 ўқув йилида Давлат бюджетидан **57,7 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

Шунингдек, қамров даражаси паст бўлган туманларда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни молиялаштириш харажатларига **519,7 млрд.сўм** ажратилиши кутилмоқда.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тадбирларига 2021 йил охиригача Давлат бюджетидан **972,9 млрд. сўм** ажратилиши кутилаётган бўлиб, 2020 йилга нисбатан ***198,5 млрд. сўмга*** кўп маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.

8-жадвал

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш харажатлари

(млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2020 йил ижро	2021 йил кутилаётган ижро	Фарқи	
			ўсиш	фоиз
ЖАМИ	**774,4**	**972,9**	**198,5**	**125,6**
Озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш	728,2	863,6	135,4	118,6
Қиш-баҳор мавсумига озиқ-овқат маҳсулотлари захираси	46,2	109,3	63,1	236,6

2021 йилда манзилли дастурга асосан янги қурилган ва реконструкция қилинаётган (қилинган) мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ошхона анжомлари, ўйинчоқлар, чойшаблар ва кўрпа-тўшаклар, ўқув қўлланмалар ва дидактик материаллар, мебель ва жиҳозларини харид қилиш мақсадида республика бюджетидан жорий йил охиригача **127,2 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

9-жадвал

Мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари

(млн. сўм)

Тадбирлар номи	2019 йил ижро	2020 йил ижро	2021 йил кутилаётган ижро
ЖАМИ	**96 551**	**115 678**	**127 246**
Ошхона анжомлари ва ўйинчоқлар харид қилиш	7 710	8 815	9 697
Чойшаблар ва кўрпа-тўшаклар харид қилиш	18 977	21 659	23 825
Ўқув қўлланмалар ва дидактик материаллар	11 390	18 330	20 163
Мебель ва жиҳозлар харид қилиш	50 079	62 690	64 562
Бошқа харажатлар	8 395	4 185	9 000

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 2021 йил якунига қадар республика бюджетидан **3,0 трлн. сўм** маблағ, жумладан, вазирликнинг жорий харажатларига 2,8 трлн. сўм, капитал қўйилмалар миқдори 0,2 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



Жумладан, “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга амалиёт ўтаган вақтида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик субсидиялар бериш учун йил охиригача **13,3 млрд.сўм;**

ётоқхона билан қамраб олинмаган ва уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган талабаларининг ойлик ижара тўловларига **72,2 млрд.сўм** субсидиялар ажратилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2021 йил якунига қадар республика бюджетидан **4,5 трлн. сўм** маблағ, жумладан, вазирликнинг жорий харажатлари 3,1 трлн. сўм, капитал қўйилмалар миқдори 1,4 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларига Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар натижасида соҳани ислоҳ қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасидаги барча тадбирлар молиялаштирилиши таъминланмоқда. Жумладан:

аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш харажатларига **89,0 млрд. сўм;**

болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури харажатларига **39,3 млрд. сўм**;

болаларни эмлашни кенгайтириш, болаларда учрайдиган касалликларни ва болалар нобуд бўлишини камайтириш, мамлакатда эпидемиология осойишталигини таъминлаш мақсадида вакциналар харид қилиш учун **198,6 млрд. сўм**;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш учун **126,0 млрд.сўм**;

одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш бўйича қўшимча чора-тадбирларга **80,0 млрд. сўм**;

республика аҳолисига эндокринология ёрдамини кўрсатиш учун **24,6 млрд. сўм**;

гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларга даволаш ва дори воситалари билан таъминлашга **84,9 млрд. сўм**;

кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш харажатларига **30,0 млрд. сўм**;

сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишига қарши курашиш комплекс чора-тадбирларига **24,6 млрд. сўм**;

Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастурида белгиланган соғлиқни сақлаш ва аҳоли генофондини асраш учун кутилаётган харажатлар **8,5 млрд. сўм**;

нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказишга йил охиригача **65,1 млрд. сўм,** яъни аниқланган режага нисбатан 37,3 млрд.сўм кўп маблағ ажратилиши;

Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш микронутриент кукуни билан, “А” витамини билан, гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3-5 ёшдаги болаларни йод препарати билан, 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларни темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш харажатларига **24,1 млрд.сўм**;

оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда “тиббиёт бригадалари” фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалари томонидан аҳолига янада сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш учун 2021 йилда қўшимча 20 мингта ўрта тиббиёт ходимлари штатлари учун қўшимча **237,6 млрд.сўм**;

“Электрон соғлиқни сақлаш” тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар

базаси мажмуасини яратиш учун харажатларга **28,0 млрд.сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига 2021 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **1 032,3 млрд. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатлари 735,5 млрд. сўмни, капитал қўйилмалар миқдори 296,8 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



Шу жумладан, Маданият вазирлиги ва унинг тизим ташкилотларига ажратилаётган маблағлар асосан:

2021 йилда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини шакллантириш ва моддий-техника базаси билан таъминлаш ишларига – **55,8 млрд. сўм**;

2018–2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастурига асосан 2021 йилда театрлар биноларини мукаммал таъмирлаш харажатларига – **8,5 млрд. сўм**;

2017–2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурига асосан 2021 йилда музейлар биноларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатларига – **7,9 млрд. сўм** йўналтирилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, республика бюджети маблағлари ҳисобидан маданий мерос объектларини тиклаш ва реставрация қилиш, шунингдек археологик ишлари харажатларига жорий йилнинг охирига қадар **73,5 млрд. сўм** маблағ ажратилиши қўзда тутилган.

Йил охирига қадар миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури доирасида 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш, мультипликацион фильмлар суратга олиш, шунингдек қисқа метражли ва болалар юмористик фильмларини суратга олиш, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш, миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш сарф-харажатлари учун **81,4 млрд. сўм** миқдорида Давлат бюджети маблағлари йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига 2021 йил охирига қадар **302,2 млрд. сўм** маблағ (тасдиқланган режа 1 313,1 млрд.сўм), жу жумладан вазирликнинг жорий харажатлари **266,4 млрд. сўм**ни, капитал қўйилмалар миқдори **35,8 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.



Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тизими бўйича 2021 йилда жами қуйидаги мақсадлар учун маблағлар ишлатилган:

Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ва қатнашиш учун харажатлар – 110,0 млрд.сўм;

2021 йилнинг календарь режасига мувофиқ спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари учун харажатлар – 25,9 млрд.сўм;

Кутилаётган режанинг тасдиқланган режага нисбатан камайиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги ПФ-6199-сон фармони билан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси негизида **Туризм ва спорт вазирлиги ташкил этилиб**, қолдиқ маблағлар янги ташкил этилган вазирлик ҳисобрақамига ўтказилганлиги билан тушунтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигига 2021 йил охирига қадар **1 068,9 млрд. сўм** маблағ, жу жумладан вазирликнинг жорий харажатлари 639,3 млрд. сўмни, капитал қўйилмалар миқдори 429,6 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Жумладан, йил охиригача ушбу маблағлар асосан қуйидагилар учун ишлатилади:

янги меҳмонхоналар қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир қисмини қоплаш учун харажатлар 50,0 млрд.сўм;

Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ва қатнашиш учун харажатлар – 70,0 млрд.сўм;

2021 йилнинг календарь режасига мувофиқ спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари учун харажатлар – 115,9 млрд.сўм;

юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун харажатлар – 72,1 млрд.сўм;

мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, спорт таълими муассасаларини бирламчи ва зарур спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш учун харажатлар – 99,8 млрд.сўм.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2021 йилда **956,0 млрд. сўм** миқдорида, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатлари 836,1 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда ушбу кредитлар фоиз тўловларининг ёки



лизинг тўловларининг 10 фоизлик банди, шунингдек маҳаллийлаштириш даражаси 20 фоиздан кам бўлмаган қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинганда техника қийматининг 15 фоизи миқдорида субсидия бериш ва ғалла ўриш комбайнларининг хорижда хизмат кўрсатиш (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларининг 80 фоизини қоплашга 2021 йил охиригача Давлат бюджети ҳисобидан **39 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.


Шунингдек, зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларга йил охиригача **50,0 млрд.сўм** ажратилиши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари жорий йил охиригача:

Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармасига **40,0 млрд.сўм**;

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига **80,0 млрд.сўм** трансфертлар ажратилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига 2021 йилда **3,0 трлн. сўм** миқдорида маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий



харажатлари 1,7 трлн. сўмни, капитал қўйилмалар миқдори 1,3 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Сув хўжалиги вазирлигига тизим ташкилотлари билан бирга қуйидаги маблағлар ажратилиши кутилмоқда.

Насос станциялари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси харажатларини қоплаш учун **3,1 трлн. сўм**, насос станцияларида 163 дона энергия самарадор насослар сотиб олишга 15,3 млрд. сўм ва 219 дона янги электродвигателларни сотиб олиш учун 59,2 млрд. сўм жами 74,5 млрд. сўм маблағлар ажратиш кутилмоқда.

Бундан ташқари вазирликнинг тизим ташкилотлари билан биргаликда:

сув омборларда ва бошқа йирик иншоотларда назорат-ўлчаш ускуналар ҳамда хабар бериш тизимларини модернизация қилинадиган, тикланадиган ва янгиланадиган 5 дона объектларга 25 млрд.сўм;

реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун “Smart Water” (“Ақлли сув”) тизимини 3 099 дона сув хўжалиги иншоотларида ўрнатишга 93,0 млрд.сўм;

сув хўжалигида 16 дона объектларда бошқариш жараёнларини

автоматлаштириш учун 24,0 млрд.сўм;

2 435 дона мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказиш учун 29,2 млрд.сўм;

426 дона насос станцияларида электр энергияси истеъмоли ва сув миқдорини “онлайн” режимда мониторинг қилиш тизимларини ўрнатишга 9,0 млрд.сўм;

электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида жами 241 дона қуёш батареялари, частота ўзгартирувчи ва конденсатор қурилмалари ҳамда бошқа турдаги энергия тежовчи қурилмаларни сотиб олиш учун 7,3 млрд.сўм;

19 644 метр узунликдаги юқори кучланишли кабелларни янгисига алмаштириш тадбирларига 1,4 млрд.сўм сарфланиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, 2021 йилда жами 430 минг гектар қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган майдонларда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидияларга 1,0 трлн.сўм, шу жумладан 160,9 минг гектар пахта майдонларига 858,5 млрд.сўм, боғдорчиликда 51,2 минг гектар учун 111,7 млрд.сўм, 15,7 минг гектар узум плантациялари учун 40,0 млрд.сўм ҳамда 24,4 минг гектар бошқа қишлоқ хўжалик экинларига 28,7 млрд.сўм маблағ ажратилган.

Шунингдек, жорий йил якунига қадар сув хўжалигидаги объектларни давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий ташаббускорларга бериш бўйича 100 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Натижада қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун 58,0 млрд. куб метр сув билан таъминлашга 7,3 млрд. кв/соат электр энергияси истеъмол қилинади. Бунинг натижасида, **жами 3,1 млн.гектар** майдондаги қишлоқ хўжалигида экинлари шу жумладан, **1,0 млн. гектар пахта**, **1,0 млн.гектар бошоқли дон** ҳамда **1,2 млн.гектар бошқа қишлоқ хўжалиги экин майдонлари** ўз вақтида суғорилиши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига 2021 йил охиригача **1 283,0 млрд. сўм**, шу жумладан вазирликнинг



жорий харажатлари 1 066,3 млрд. сўмни, капитал қўйилмалар миқдори 216,7 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Ушбу маблағлар ҳисобидан асосан 2021 йил охиригача минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш учун геология-қидирув ишларини молиялаштиришга **1 048,2 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилган.


2.4. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2021 йилги кутилаётган ижроси.

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети қамровини ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида консолидациялашган бюджет таркибига 18 та давлат мақсадли жамғармалари киритилиб, ушбу давлат мақсадли жамғармаларининг барча тушумлари ва харажатлари консолидациялашган бюджетга жамланган.

2021 йилда давлат мақсадли жамғармалари даромадлари тушумининг кутилаётган ижроси (трансфертларсиз) тегишлича **34,7 трлн. сўмни**, харажатлари эса **47,6 трлн. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

10-расм

Давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2021 йилги кутилаётган ижроси (трансфертларсиз) *(трлн. сўм)*



Жорий йил якунларига кўра, Давлат мақсадли жамғармаларининг жами тушумлари тасдиқланган параметрга нисбатан 8,5 трлн. сўмга ошган ва ўсиш 32,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Ушбу ўсиш асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ тушумларидан 1,9 трлн сўм ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига давлат активларини сотишдан тушган маблағлардан 6,4 трлн сўм ҳисобига юзага келмоқда.

10-жадвал

2021 йил учун давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатларининг кутилаётган ижроси

(млн. сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	Йил бошига қолдиқ	2021 йил кутилаётган ижро				Йил охирига қолдиқ
			Даромадлар прогнози	Давлат бюджетидан трансфертлар	ЎзРТТЖ маблағлари	Харажатлар	
I	**ЖАМИ — Давлат мақсадли жамғармалари**	**4 892 170,1**	**34 668 183,1**	**13 907 680,5**	**216 947,7**	**47 559 307,0**	**6 125 674,5**
1	Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси	1 335,2	84,5	142 500,0		142 719,7	1 200,0
2	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма	0,0	0,0	273 000,0		273 000,0	0,0
3	Пенсия жамғармаси	2 971 430,6	25 580 875,3	12 194 244,8		36 646 721,7	4 099 829,0
4	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	11 831,7	264 945,8	477 000,0		745 792,3	7 985,2
5	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	103 282,9	67 700,0	0,0		67 699,9	103 283,0
6	Жамоат ишлари жамғармаси	96 319,3	10 535,0	250 000,0		356 700,0	154,3
7	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	2 161,0	45 800,0	80 000,0		125 801,0	2 160,0
8	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	183 154,0	170 000,0	40 000,0		180 000,0	213 154,0
9	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси	6 090,7	74 399,9	0,0	0,0	80 490,7	0,0
10	Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	542,2	350,0	0,0		652,2	240,0
11	Республика мақсадли китоб жамғармаси	153 978,7	236 792,4	133 435,7		274 501,8	249 705,0
12	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	948 260,8	240 103,2	200 000,0	216 947,7	815 311,7	790 000,0
13	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	300 977,6	779 444,4	0,0	0,0	864 022,0	216 400,0
14	Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	7 513,7	74 100,0			74 283,7	7 330,0
15	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси	0,0	462 651,9			101 651,9	361 000,0
16	Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	9 576,3	128 067,6	117 500,0		213 000,0	42 144,0
17	Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	92 721,8	6 605 165,9	0,0		6 669 387,7	28 500,0
18	Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	2 993,6	1 500,0	0,0		1 903,6	2 590,0
II.	**Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси**		**5 336 230,6**			**24 239 490,0**	

Давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун Давлат бюджетидан **13,9 трлн сўм** ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан **0,2 трлн сўм** мақсадли трансфертлар ажратилиши кўзда тутилган.

III. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2022 йил учун прогнози ва 2023–2024 йиллар учун мўлжаллари

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига мувофиқ консолидациялашган бюджет қамровини ошириш мақсадида 2022 йилги консолидациялашган бюджет таркибида бюджет ташкилотларининг **бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари ва харажатлари** таҳлили маълумот тарзида келтирилган.

11-жадвал

Консолидациялашган бюджетнинг
2022 йил учун прогнози ва 2023–2024 йиллар учун мўлжаллари

трлн.сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз	Бюджет мўлжаллари:	
			2023 йил	2024 йил
I.	**Консолидациялашган бюджет даромадлари**	**254,6**	**276,7**	**316,5**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	***30,3***	***28,4***	***28,1***
1.	Давлат бюджети даромадлари*	199,5	214,5	249,3
2.	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари**	31,9	35,2	38,3
3.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тушумлар	8,5	11,3	12,4
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларига тушумлар	14,7	15,7	16,5
II.	**Консолидациялашган бюджет харажатлари**	**280,1**	**304,6**	**347,2**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	***33,3***	***31,3***	***30,8***
1.	Давлат бюджети харажатлари**	188,9	202,7	238,5
2.	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	58,7	62,8	67,7
3.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларининг сарфланиши**	7,2	10,1	11,1
4.	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг сарфланиши	14,6	15,6	16,3
5.	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	10,7	13,5	13,6
III.	**Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар**	**26,5**	**28,2**	**30,4**
IV.	**Консолидациялашган бюджет сальдоси** *(профицит +, дефицит -)*	**-25,5**	**-27,9**	**-30,7**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	**-3,0**	**-2,9**	**-2,7**
V.	**Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари сальдоси** *(профицит +, дефицит -)*	**-16,2**	**-15,8**	**-18,6**
	Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	**-1,9**	**-1,6**	**-1,6**
VI.	Давлат қарзларини сўндириш	10,2	11,4	15,1

* Давлат мақсадли жамғармаларидан Давлат бюджетига ўтказиладиган трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда
** Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда.

2022 йилги бюджет лойиҳаси билан олдинги йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонунидаги бюджет даромадлари ва харажатлари мўлжалларининг асосий фарқи.

2022 йилги бюджет лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети жамланма параметрларининг Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 25 декабрдаги “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ–657-сон Қонунига мувофиқ 2022 йилги бюджет мўлжалларидан фарқ қилиши асосан қуйидагилар билан тушунтирилади:

а) Давлат бюджети даромадлари бўйича:

- 2022 йилдан бошлаб корхоналарнинг мол-мулк солиғи ставкаси 2021 йилдаги 2 фоиздан 1,5 фоизга камайтирилмоқда;

- 2022 йилда акциз солиғи ставкаси индексация қилиниши назарда тутилмоқда;

- асосий воситаларни амортизация қилишга солиқ имтиёзларини кенгайтириш ва инвестициявий чегирмалар миқдорини ошириш назарда тутилмоқда;

- жаҳон бозорида олтин ва мис нархининг ўзгарганлиги, иқтисодий фаолликни тикланганлиги ҳамда солиқ сиёсатида киритилган ўзгартиришлар натижасида қайта кўриб чиқилди.

б) Давлат бюджети харажатлари бўйича:

- 2020 йил ва 2021 йилнинг ўтган даври мобайнида қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ 2022 йилги Давлат бюджети харажатларининг қайта кўриб чиқилиши;

- 2022 йил 1 январдан эътиборан республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилиши;

- айрим соҳалар бўйича вазирлик ва идоралар, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш хақи миқдори ва унга тенглаштирилган тўловларининг 2021 йилда оширилиши (тасдиқланган бюджетда режалаштирилгандан ташқари);

- кам таъминланган оилаларнинг болалари учун ягона нафақани жорий этилиши ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш шартлари ўзгариши муносабати билан ушбу нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилалар сонини ўртача 20 фоизга оширилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 46-моддасига мувофиқ консолидациялашган бюджет таркибига бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари ва харажатлари маълумот учун киритилиши.

в) Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари бўйича:

- “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳисобидан 2021 йилда очиқ стипендия танловлари асосида ёшларнинг нуфузли хорижий мамлакатларда бакалавриат дастури бўйича таълим олиши учун 100 та ўрин, магистратура ва докторантурада ўқиш учун аввалги йилларга нисбатан ўртача 5 баравар кўп ўрин ажратилиши;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари асосида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини бир қисмини қоплаш учун компенсациялар берилиши;

- Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига кирадиган давлат мақсадли жамғармаларининг рўйхати кенгайтирилганлиги.

г) Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари сарфланиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари асосида устувор лойиҳаларни молиялаштириш зарурати туғилганлиги сабабли.

12-жадвал

2022 йилги бюджет лойиҳаси билан олдинги йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонунидаги бюджет мўлжаллари бўйича солиштирма жадвал

трлн. сўм

	Кўрсаткичлар	657-сон қонунга асосан 2022 йил учун бюджет мўлжаллари	2022 йил учун прогноз	Фарқи
I.	**Консолидациялашган бюджет даромадлари**	**208,4**	**254,6**	**46,2**
	Давлат бюджети даромадлари*	173,6	199,5	25,9
	Давлат мақсадли жамғармалари даромадлари**	28,3	31,9	3,6
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари тушумлари	-	14,7	14,7
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	6,6	8,5	1,9
II.	**Консолидациялашган бюджет харажатлари**	**231,3**	**280,1**	**48,8**
	Давлат бюджети харажатлари**	163,8	188,9	25,1
	Давлат мақсадли жамғармалари харажатлари	46,7	58,7	12,0
	Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари харажатлари	-	14,6	14,6
	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини сарфланиши**	6,6	7,2	0,6
	Ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига харажатлар	14,3	10,7	-3,6
III.	**Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертлар**	**17,9**	**26,5**	**8,6**
IV.	**Консолидациялашган бюджет сальдоси** *(профицит +, дефицит -)*	**-23,0**	**-25,5**	**-2,5**
V.	**Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари сальдоси** *(профицит +, дефицит-)*	**-8,7**	**-16,2**	**-7,5**
VI.	**Давлат қарзларини сўндириш**	**10,3**	**10,2**	**-0,1**

* Давлат мақсадли жамғармаларидан Давлат бюджетига ўтказиладиган трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда.
** Давлат мақсадли жамғармаларига трансфертларни ҳисобга олмаган ҳолда.

3.1. 2022–2024 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети баланси


2022 йилда **консолидациялашган бюджет тақчиллиги давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағларини инобатга олган ҳолда 25,5 трлн. сўм**, ялпи ички маҳсулотга нисбатан **3,0 фоиз,** 2023 йилда – **2,9 фоиз**, 2024 йилда **2,7 фоиз** миқдорида прогноз қилинмоқда.

2022 йилги **Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари тақчиллиги** 16,2 трлн.сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоизни ташкил этиши прогноз қилинаётган бўлиб, 2023–2024 йилларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,6 фоизгача пасайтириш мақсад қилинган.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тушумлари ва харажатлари 2022 йилда 0,8 трлн.сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз миқдорида **профицит** билан прогноз қилинган бўлиб, 2023–2024 йилларда жамғарма даромадлари ва харажатларининг баланслилигини таъминлаш мақсад қилинган.

11-расм

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2022–2024 йиллардаги баланси, трлн. сўм



2022 йилги **25,5 трлн.сўм** миқдоридаги консолидациялашган бюджет **тақчиллигини**, шунингдек **10,2 трлн. сўм миқдоридаги асосий қарзни** қайтариш харажатларини қуйидаги манбалардан қоплаш режалаштирилган:

12,9 трлн. сўм – ташқи қарз маблағларини жалб қилиш ва еврооблигациялар жойлаштириш ҳисобига;

6,0 трлн. сўм – ички бозорга Давлат қимматли қоғозлари чиқариш ҳисобига;


6,0 трлн. сўм Давлат активларини хусусийлаштириш ҳисобидан тушумлар;

0,9 трлн. сўм – Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобидан

10,7 трлн. сўм – Давлат дастурларини амалга ошириш учун вазирлик ва идоралар томонидан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан.

12-расм

Иқтисодий ривожланган, бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳамда паст даромадли ривожланаётган давлатларнинг давлат қарзи ва фискал дефицити



Манба: IMF staff estimates and projections/Fiscal monitor. A fair shot, 2021 apr.

3.2. 2022–2026 йиллардаги солиқ ва божхона сиёсатининг асосий йўналишлари.

1. 2022 йилда қуйидаги асосий солиқ ставкалари ўзгаришсиз қолдирилади:

– қўшилган қиймат солиғи ставкаси – 15 фоиз;

– фойда солиғи ставкаси – 15 фоиз;

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси – 12 фоиз;

– айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкаси – 4 фоиз;

– дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган фойда солиғи ставкаси – 5 фоиз;

– қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун белгиланган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 40 сўм, шу жумладан солиқ ставкасига сув етказиб берувчилар томонидан етказиб берилган сув ҳажми харажатларини қоплаш учун 1,05 коэффициент қўллашни сақлаб қолиш;

– қишлоқ хўжалиги корхоналари ер солиғи қишлоқ хўжалиги экинзорларининг норматив қийматига нисбатан белгиланган 0,95 фоиз солиқ ставкасини сақлаб қолиш.

Шу билан биргаликда, **2023 йил 1 январдан бошлаб**:

қўшилган қиймат солиғи 15 фоиздан 12 фоизга;

мобиль алоқа хизматларига акциз солиғи ставкаси 15 фоиздан 10 фоизга;

банк, мобиль алоқа операторлари ва бозорлар ва савдо комплекслари учун белгиланган фойда солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилади.

Бунда, қатъий миқдорда белгиланган акциз, ер солиғи, мол-мулк, сув солиғи ставкалари инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда индексацияси қилинади.

2. **2022 йил 1 январдан бошлаб**:

автотранспорт воситаларини сотиб олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим бекор қилинади;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 2 фоиздан 1,5 фоизга пасайтирилади;

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган пасайтирилган солиқ ставкаси 0,4 фоиздан 0,5 фоизга ўзгартирилади;

солиқ солиш мақсадида бинолар бўйича солиқ базаси қуйидаги миқдорларда 1 кв.метр учун мутлақ қийматда белгиланган минимал қийматдан паст бўлиши мумкин эмаслиги жорий этилмоқда.

Бунда, Тошкент шаҳрида – икки миллион беш юз минг сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида – бир миллион беш юз минг сўм ва қолган ҳудудларда – бир миллион сўм этиб белгиланмоқда;

юридик шахслардан олинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғининг базавий ставкалари ўртача 1,07 бараварга индексация қилинмоқда;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи ставкаларини ўртача 1,07 бараварга индексация қилиш;

юридик шахслардан олинадиган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғи ставкаларига қўлланиладиган пачайтирувчи 0,25 коэффициент 0,3 этиб белгиланмоқда;

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаларини 10 фоизга индексация қилинмоқда;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ *(қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун белгиланган ставкалардан ташқари)* ставкаларини инфляция даражасида 1,1 бараварга иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари *(саноат корхоналари, электр станциялари ва коммунал хўжалиги бундан мустасно)* ва якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса - 1,3 бараварга индексация қилиш;

Ер қаъридан фойдаланувчиларни солиққа тортишнинг замонавий модели жорий этилади;

Ер қаъридан фойдаланувчиларнинг капитал харажатларини ҳисобга олган ҳолда янги конларда нефть, табиий газ, газ конденсати, қимматбаҳо, рангли, нодир ва радиоактив металларни қазиб олиш (ажратиб олиш)ни амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар учун рента даромади солиғини жорий этилади.

Рента даромад солиғи инвестиция киритилганда, металлар ёки углеводород хом ашёсини реализация қилишдан олинган даромад ва уларни қазиб олиш (ажратиб олиш) билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар чегирилган ҳолда (уч йилдан кейин) тўланади.

Янги нефть ва газ қудуқларини, саноат усулида фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб, дастлабки икки йил давомида мол-мулк солиғи тўлашдан озод қилинади, кейинги уч йилда ушбу солиқ учун белгиланган солиқ ставкасининг 50 фоизига камайтирилган ставка қўлланилади.

Шунингдек, 2022 йил 1 январдан бошлаб цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган 1 тонна оҳактош учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг минимал ставкасини икки бараварга камайтирган ҳолда 22 500 сўм/тн (амалда 45 000 сўм/тн) миқдорида белгиланади.

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини нефть ва табиий газ бўйича 10 фоизгача, олтин ва мис учун 7 фоизгача, вольфрам учун 2,7 фоизгача ва уран учун 8 фоизгача камайтирилади.

Бунда, давлат улушига эга корхоналар НКМК, ОКМК ва Ўзбекнефтгаз учун амалдаги солиқ ставкалари сақлаб қолинади.

Фойда солиғи бўйича фаолият натижасида кўрилган зарарларни солиқ давридан кейин ўн йил мобайнида келгусига ўтказиш тартибини сақлаб қолган ҳолда, жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 фоизидан ошиб кетмаслиги бўйича талабни бекор қилинмоқда;

“Навоий кон-металлургия комбинати” ДК ва “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ учун фойда солиғининг оширилган ставкаси 75 фоиз миқдорида сақланиб қолинмоқда.

Солиқ кодексига киритилаётган ўзгартиришларга мувофиқ амортизациянинг йиллик энг юқори нормасини қуйидагича белгилаш таклиф қилинмоқда:

* бинолар учун 3 фоиздан 5 фоизгача;

* иншоотлар учун 5 фоиздан 10 фоизгача;

* узатиш қурилмалари, куч машиналари ва асбоб ускуналари учун 8 фоиздан 15 фоизгача;

* фаолият турлари бўйича иш машиналари ва асбоб-ускуналар учун 15 фоиздан 20 фоизгача;

* компьютер, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари учун 20 фоиздан 40 фоизгача оширилмоқда.

Қуйидагилар учун йўналтирилган маблағлар суммасига инвестициявий чегирма миқдорини ошириш:

* янги технологик ускуналар учун 10 фоиздан 20 фоизгача;

* ишлаб чиқаришни янги қурилиш шаклида кенгайтириш учун эса 5 фоиздан 10 фоизгача.

Шунингдек, қуйидагилар учун қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар бекор қилинади:

– жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари хизматларига (бундан бюджетдан молиялаштириладиганлар мустасно);

– қатъий суммада кўрсатилган банк хизматларига.

Товар (хизмат)лар реализация ҳажмидан қатъий назар қуйидагилар ҚҚС тўлашга ўтказилади:

– суғориладиган ер майдони 25 га дан ортиқ ер майдонига эга бўлган;

– солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва аудиторлик ташкилотлари;

– нотижорат, шу жумладан бюджет ташкилотлари.

Акциз солиғи бўйича қуйидаги асосий ўзгартиришлар амалга оширилади:

– 2022 йил 1 июндан акциз солиғи ставкалари ўртача 10 фоизга индексация қилинади.

– тамаки маҳсулотлари импортига акциз солиғи ставкаси 2022 йил 1 январдан 10 фоизга, алкоголь маҳсулотлари импортига 2022 йил 1 июндан 10 фоизга пасайтирилмоқда;

– 2022 йил 1 январдан алоҳида турдаги тамаки маҳсулотларига (чилим учун тамаки, чекиладиган, ўрама тамаки, қиздириладиган тамаки, никотинли тамакисиз снюс, таркибида никотин мавжуд бўлган суюқлик) импортига акциз солиғи ставкаси 10 фоизга индексация қилинмоқда;

– республикада ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган бензин учун ягона солиқ ставкаси белгиланмоқда.

– суюлтирилган газга акциз солиғи ставкаси бекор қилинади (амалда 30 фоиз), бунда давлат бюджетининг тахминий йўқотишлари 67 млрд.сўмни ташкил қилади.

– полиэтилен гранулаларига солиқ ставкаси 20 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилади ва импортда ҳам акциз солиғи жорий қилинади.

Тамаки ва алкоголь маҳсулотлари, жумладан пиво учун акциз солиғи суммаси аҳоли сонидан келиб чиқиб маҳаллий бюджет ўртасида тақсимланади ва маҳаллий бюджетлар харажатларини молиялаштиришнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Шу билан бирга, самарасиз солиқ ва божхона имтиёзларни бекор қилиш ишларини давом эттирилади.

Яширин иқтисодиётни қисқартириш мақсадида солиқ ва божхона органларининг рақамлаштириш жараёнлари жадаллаштирилмоқда. Солиқ базасининг кенгайтирилиши, солиқ ва божхона маъмурчилигининг асосий иш жараёнларини автоматлаштириш ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона

қўмитасининг инсон ва институционал салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ишларни олиб бориш мақсадида:

чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектларида харидни амалга оширган ва ушбу харидни солиқ органларининг махсус мобиль иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих код (QR-код) ёрдамида сканерлаш орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсларга харид суммасининг 1 фоизини давлат бюжетидан қайтариш механизми йўлга қўйилмоқда.

Дастлабки ҳисоб-китобларга асосан, ушбу мақсадлар учун 500 млрд.сўм маблағ кўзда тутилмоқда. Бу маблағлар Давлат солиқ қўмитасининг сўровига асосан республика бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига харидорларга ўтказилади ҳамда қўшилган қиймат солиғи тушумларини камайтириш йўли билан ҳисоботларда акс эттирилади.

Шунингдек, барча турдаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятига онлайн назорат-касса машиналари (Онлайн-НКМ) ёки виртуал кассани жорий этишни якунлаш;

тенг рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига эксклюзив ҳуқуқлар, якка тартибдаги имтиёзлар ва преференцияларни бекор қилиш ва уларни бериш амалиётига йўл қўймаслик;

солиқ органлари фаолиятини халқаро стандартлар асосида рақамли трансформация қилишни давом эттирилади.

2022 йилда солиқ сиёсатида кўзда тутилган ўзгаришлар натижасида солиқ тўловчилар ихтиёрида қўшимча **2,3 трлн.сўм** маблағ қолдирилади.

3.2.1. Давлат бюджети даромадларининг 2022 йилги прогнози ва 2023–2024 йиллар учун мўлжаллари

2022 йилда Давлат бюджети даромадлари **200 трлн. сўм**ни ёки ялпи ички маҳсулотнинг **23,8 фоиз** миқдорида прогноз қилинмоқда.

2022 йил давлат бюджети даромадлари лойиҳаси асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозидан ва солиқ сиёсатидаги кўзда тутилаётган ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Шунингдек, 2022 йил учун давлат бюджети даромадларини прогнози бюджет даромадларига сезиларли таъсир кўрсатувчи нарх ва валюта курсларнинг ўртача миқдорлари асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Жумладан, прогнозларда валюта курсидаги (1 АҚШ долларининг ўртача йиллик суммаси – 11 321 сўм), стратегик маҳсулотларнинг нархлари (1 троя унция олтин нархи – 1 700 АҚШ доллар, миснинг 1 тоннасига 8 500 АҚШ доллар) кутилаётган ўзгаришлар ҳамда табиий газ экспорт режасига асосан табиий газнинг экспорт қиймати 1 минг $м^3$ учун 100 АҚШ доллари миқдорида белгиланганлигини инобатга олинди.

13-жадвал

2022 йилда Давлат бюджети даромадлари прогнози, трлн.сўм

Кўрсаткичлар	2021 йил кутилаётган	2022 йил прогноз	Фоиз
ЖАМИ	**170,9**	**200,0**	**117,0**
Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*23,6*	*23,8*	
Бевосита солиқлар	**59,0**	**68,5**	**116,2**
Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*8,2*	*8,2*	
Фойда солиғи	38,7	43,7	113,0
Айланмадан олинадиган солиқ	1,8	2,7	155,2
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	18,5	22,0	119,2
Билвосита солиқлар	**57,9**	**73,2**	**126,3**
Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*8,0*	*8,7*	
Қўшилган қиймат солиғи	40,3	53,3	132,3
Акциз солиғи	12,9	15,0	116,4
Божхона божи	4,7	4,8	102,4
Ресурс солиқлари	**22,6**	**25,7**	**113,6**
Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*3,1*	*3,1*	
Мол-мулк солиғи	2,5	3,2	126,3
Ер солиғи	3,6	4,1	113,9
Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15,8	17,4	110,1
Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,7	1,0	145,4
Бошқа даромадлар	**31,4**	**32,6**	**103,9**
Ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	*4,3*	*3,9*	

Бундан ташқари 2022 йил учун давлат бюджетини ишлаб чиқишда қуйидагилар ҳам инобатга олинган:

- инфляция даражаси 9–10 фоиз бўлган ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг 6,0 фоизга ўсишини таъминловчи мамлакатнинг 2021 йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнози;

- импорт ҳажмининг, айниқса акциз солиғининг бекор қилиниши натижасида халқ истеъмол товарлари импорт ҳажмини кичик миқдорларда ошиши;


- даромадларнинг салмоқли қисмини ташкил қилувчи асосий маҳсулотлар ва акциз солиғига тортиладиган товарларнинг ишлаб чиқариш ҳажмларининг ошиши;

- иш ҳақи миқдорларининг инфляция даражасига нисбатан юқорироқ ўсиши каби кўрсаткичлар инобатга олинган.

Давлат бюджети даромадларининг ўсиши ва ялпи ички маҳсулотдаги улуши динамикаси қуйидагича бўлади:

13-расм

Давлат бюджети даромадлари динамикаси



1) 2022 йилда **бевосита солиқ** тушумлари **68,5 трлн. сўм** (***давлат бюджети даромадларидаги улуши 34,3 фоиз***), жумладан фойда солиғи – **43,7 трлн. сўм** *(21,9 фоиз)*, айланмадан олинадиган солиқ – **2,7 трлн. сўм** *(1,4 фоиз)*, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – **22,0 трлн. сўм** *(11 фоиз)* прогноз қилинмоқда.

14-расм

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи - **22 трлн. сўм** **(2021 йилда - 18,5 трлн. сўм)**	Фойда солиғи - **43,7 трлн. сўм** **(2021 йилда - 38,7 трлн. сўм)**	Айланмадан олинадиган солиқ - **2,7 трлн. сўм** **(2021 йилда - 1,8 трлн. сўм)**

Хусусан, 2022 йилда **фойда солиғи 43,7** трлн. сўм бўлиши кўзда тутилган ва 2021 йилдаги кутилаётган тушумларга (38,7 трлн. сўм) нисбатан 5 трлн. сўмга (+13 фоиз) кўп бўлади.

Бунда, бевосита солиқ тушумларини прогноз қилишда иқтисодий ўсиш суръатлари, янги ишлаб чиқариш қувватларининг жорий этилиши ва иш ҳақининг ўсиши ҳисобга олинди.

Шунингдек, Навоий КМК” ДК ва “Олмалиқ КМК” дан фойда солиғи тушумлари ҳисобланаётганда, солиқнинг оширилган ставкасини 75 фоиз миқдорида сақлаб қолинмоқда.

Айланмадан олинадиган солиқ тушумлари 2,7 трлн. сўм миқдорида ёки жорий йилда кутилаётган тушумларга нисбатан 970 млрд. сўм ортиқ (+55,2 фоиз) бўлиши прогноз қилинмоқда.


Бунда солиқ маъмурчилигини яхшилаш, айниқса харидорларга харид суммасининг 1 фоизини қайтариш тадбири самараси ҳисобига тушумларни ўсиши кўзда тутилмоқда.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумлари 22 трлн. сўм миқдорида ёки жорий йилда кутилаётган тушумларга нисбатан 3,6 трлн. сўм ортиқ (+19,2 фоиз) бўлиши прогноз қилинмоқда. Бу даромадлар таркибида ёлланиб ишловчилардан олинадиган даромад солиғи, дивиденд кўринишидаги даромадлар бўйича солиқ, декларация асосида тўланадиган даромад солиғи тушумлари ҳисобга олинган. Бундан ташқари, норасмий секторда ишловчилар сонини легаллаштириш тадбирлари ҳам кўзда тутилган.

2) Манбалар кесимида асосий даромадлар **билвосита солиқлар**га тўғри келиб, уларнинг жами миқдори **73,2 трлн. сўм**ни ёки умумий Давлат бюджети даромадларининг **36,6 фоизи** ва **ялпи ички маҳсулотнинг 8,7 фоизи** (*2021 йилда 57,9 трлн. сўм ёки ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоиз*) миқдорида бўлиши кутилмоқда. **Билвосита солиқлар бўйича** асосий тушумлар қўшилган қиймат солиғи 53,3 трлн. сўм миқдорида прогноз қилинмоқда (билвосита даромадлардаги улуши – 72,8 фоиз).

15-расм

2021-2022 йилларда билвосита солиқлар таркиби (млрд. сўм)



а) 2022 йилда **қўшилган қиймат солиғи** бўйича **53,3 трлн. сўм** ёки жорий йилда кутилаётган тушумларга нисбатан **13 трлн. сўм**га (+32,3 фоиз) кўп даромад тушиши прогноз қилинмоқда.


Хусусан, республика ичида ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар бўйича – **31,7 трлн. сўм** (+24,2 фоиз), импорт қилинадиган товарлар бўйича

– **34,1 трлн. сўм** (+25,6 фоиз), қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариб бериш бўйича – “**- 12,5 трлн. сўм**” прогноз қилинмоқда.

б) Прогноз йилида **акциз солиғи** тушумлари **15 трлн. сўм** миқдорида ёки жорий йилда кутилаётган тушумларга нисбатан 2,1 трлн. сўм ортиқ (+16,4 фоиз) бўлиши прогноз қилинмоқда.

16-расм

2022 йилда акциз солиғи тушумлари прогнози



Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича даромадлар **25,7 трлн. сўм** миқдорида ёки жорий йилда кутилаётган тушумларга нисбатан 3,1 трлн. сўм ортиқ (+13,6 фоиз) бўлиши прогноз қилинмоқда.

Ресурс солиқларининг асосий қисми **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиққа** тўғри келади. 2022 йилда ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари 2021 йилга нисбатан 1,6 трлн. сўмга ўсиб, **17,4 трлн. сўм**ни ташкил этади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари асосий қазилмалар бўйича амалдаги ставкалар асосида ҳисобланган. Цемент хом ашёси бўйича минимал солиқ ставкасининг 2 баробарга камайиши ҳисобга олинган ва тахминий йўқотиш суммаси 250 млрд.сўмни ташкил қилади.



Мол-мулк солиғидан - 3,2 трлн. сўм
(2021 йилда - 2,5 трлн. сўм)



Ер солиғидан - 4,1 трлн. сўм
(2021 йилда - 3,6 трлн. сўм)



Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан - 17,4 трлн. сўм
(2021 йилда - 15,8 трлн. сўм)



Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан - 1 трлн. сўм
(2021 йилда - 688 млрд. сўм)

Хусусан, мол-мулк солиғидан **3,2 трлн. сўм** (умумий даромадлардаги салмоғи – 1,6 фоиз), ер солиғидан **4,1 трлн. сўм** (2,1 фоиз), ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан **17,4 трлн. сўм** (8,7 фоиз) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан **1 трлн. сўм** (0,5 фоиз) келиб тушади.

Ушбу даромад манбаларидан олинадиган даромадлар, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ *(қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун белгиланган ставкалардан ташқари)* ставкаларининг ҳар йиллик индексацияси ва айрим турдаги объектлар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғининг пасайтирилган ставкалари миқдорининг ошиши натижасида ўсади.

2022 йилда Давлат бюджетининг бошқа даромадлари **32,6 трлн. сўм**ни ташкил қилиши прогнозлаштирилмоқда ёки жами даромадлар таркибидаги салмоғи **16,3 фоиз**ни ташкил қилади.

Шу билан бирга, автотранспорт йиғими бекор қилиниши кўзда тутилаётганлиги сабабли, Давлат бюджети даромадларининг 2022 йилги прогнозларида инобатга олинмаган ва Давлат бюджетининг йўқотишлари прогнози 620 млрд.сўмни ташкил қилади.

Бошқа даромадларни давлат улушига ҳисобланган дивидендлар ва давлат корхоналарининг соф фойдаси – 22,5 трлн.сўм, давлат божлари – 2,4 трлн.сўм, йиғимлар – 1,9 трлн.сўм, жарималар – 1,2 трлн.сўм, давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушумлар – 500 млрд.сўм ҳамда ижара тўлови 131 млрд. сўм ташкил қилади.

3.3. 2022–2026 йиллардаги бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикасининг кейинги беш йилга мўлжалланган бюджет сиёсати мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилиши мақсад қилинган бўлиб, **устувор йўналишлар** сифатида қуйидагиларни белгилаш мумкин:

1) Бюджет сиёсатининг **ижтимоий йўналтирилганлигини**, жумладан, соғлиқни сақлаш, таълим ва ижтимоий ҳимояни ривожлантиришни таъминлаш;

2) Йиллик бюджетни шакллантиришда **“натижага йўналтирилган бюджет”** тизимини босқичма-босқич тўлқонли жорий этиш;

3) Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида, илғор хорижий тажрибадан ҳамда халқаро молия институтлари экспертларининг тавсияларидан келиб чиққан ҳолда солиқ-бюджет сиёсатининг узоқ муддатли чекловлари – **“Фискал қоидалар”**ни ишлаб чиқиб, бюджет қонунчилигига киритиш;

4) **Бюджет очиқлигини янада ошириш**, бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик назоратини кучайтиришни таъминлаш мақсадида аҳолининг бюджет маблағларини тақсимлаш жараёнидаги фаол иштирокини янада кенгайтириш;


5) Бюджет харажатларини **барқарор ривожлантириш мақсадларига** боғлаш ва шу орқали барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсадларга эришишни жадаллаштириш;

6) Гендер тенгликка эришишни бюджет жараёнларига интеграциялаш орқали **гендер тенгликка йўналтирилган бюджетлаштириш** тизимини амалиётга босқичма-босқич жорий этиш.

3.3.1. Давлат бюджети харажатларининг 2022 йилги прогнози ва 2023–2024 йиллар учун мўлжаллари

2022 йилги Давлат бюджети харажатлари (давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансфертлар билан бирга) **214,8 трлн. сўмни,** ялпи ички маҳсулотга нисбатан 25,6 фоизни ёки 2021 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан 29,5 фоизга ўсиши прогноз қилиниб, бу алоҳида соҳалар ривожига мақсадли харажатларни ошириш йўли билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришни таъминлайди.

17-расм



Иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, пенсиялар ва стипендиялар бўйича бюджет сиёсати.

2021 йилда бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларни иш ҳақи,

ижтимоий нафақалар, пенсиялар жами 21 фоизга (1 февралдан 10 фоиз, 1 сентябрдан 10 фоиз) оширилди. Бундан ташқари, минимал истъемол харажатлари жорий қилиниши муносабати билан энг кам пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўртача 3,5 фоизга оширилганлиги, шунингдек айрим давлат органлари, солиқ, суд ва бошқа ташкилотларда ишловчи ходимларнинг иш ҳақлари табақалашган ҳолда сезиларли даражада оширилди. Бунинг натижасида бюджет ташкилотларининг иш ҳақи ва бошқа биринчи даражали тўловлар 2021 йилда 2020 йилга нисбатан жами 17 фоизга ошиб, жами харажатларнинг 45 фоизини (2020 йилда 43,4 фоизни) ёки 87,5 трлн сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Давлат бюджетида ривожлантириш харажатларининг (инвестиция, жиҳозлаш билан боғлиқ ҳудудларни ва соҳаларни ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар) жами харажатлардаги улушининг камайиб кетишини олдини олиш мақсадида иш ҳақи тўловлари келгуси йилда прогноз қилинаётган инфляция даражасидан юқори суръатларда оширилади.

14-жадвал

2021–2022 йилларда иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори тўғрисида маълумот, млрд. сўм

Кўрсаткичлар номи	2021 йилда кутилаётган ижро	2022 йил прогноз	шундан:	
			индексация-лаш учун	табақалашган ҳолда иш ҳақини ошириш учун
I. Давлат бюджети ҳисобидан	**87 485**	**108 290**	**5 796**	**350**
Давлат бюджети харажатларига нисбатан фоизда	***45***	***50***		
шу жумладан:				
1. Иш ҳақи ва ижтимоий солиқ	75 997	94 283	5 177	350
2. Стипендиялар	935	1 223		
3. Ижтимоий нафақалар	10 553	12 784	619	
II. Пенсия жамғармаси ҳисобидан	**36 946**	**43 936**	**2 422**	
ЖАМИ	**124 431**	**152 226**	**8 218**	**350**

2022 йилда соҳаларни ривожлантириш Давлат дастурларининг молиялаштирилиши.

Давлат бюджети харажатларининг очиқлигини таъминлаш ва Давлат дастурларининг режалаштирилган давлат харажатлари билан уйғунлигининг назоратини кучайтириш мақсадида 2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларининг Давлат дастурларига ажратилаётган маблағлари алоҳида қаторларда кўрсатилди.

Кейинги йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун билан давлат

мақсадли жамғармалари харажатларини ҳам йўналишлар бўйича алоҳида қаторларда кўрсатиш таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ қабул қилинган **Давлат дастурлари ва тадбирларни амалга ошириш** учун Давлат бюджетидан 2022 йилда жами **59,3 трлн. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Ушбу маблағлар иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, транспорт-коммуникация, техник-муҳандислик, энергетика объектларини қамраб олган инфратузилма тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш имконини беради.

Шу билан бирга, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш мақсадида ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилиши муносабати билан 2022 йилда Давлат бюджети харажатларида **маҳаллабай ишлашнинг янги тизими** учун **2,5 трлн. сўм** маблағ кўзда тутилмоқда.

Маҳаллабай ташкил этилаётган ишларни молиялаштиришга, яъни фуқароларни иш билан таъминлаш, касбга ўқитиш, кўчат ва уруғликлар, асбоб-ускуналар ҳамда минитехнологиялар харид қилиш, енгил конструкцияли иссиқхоналар қуриш учун субсидиялар ажратиш ва компенсациялар тўлашга Бандликка кўмаклашиш жамғармаси орқали **996,0 млрд. сўм**, ишсиз аҳолини ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этишга Жамоат ишлари жамғармаси орқали **222,0 млрд. сўм**, фуқаролар томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун олинган банк кредитларининг фоиз тўловларни бир қисмини қоплашга Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси орқали **500,0 млрд. сўм**, аҳоли томорқаларини суғориш учун қудуқларни бурғулаш харажатларининг бир қисмини қоплашга Фермер, деҳкон хўжаликлари ва ер эгаларини қўллаб қувватлаш жамғармаси орқали **50,0 млрд. сўм** ҳамда маҳаллий бюджетларда хоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида маҳалла инфратузилмасини яхшилаш учун **250 млрд. сўм** маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда ***(маълумотнома-жадвал 4-иловада)***.

Давлат бюджетининг 2022 йилги соҳалар кесимидаги харажатлари прогнози ҳамда амалга оширилиши режалаштирилган асосий ислоҳотлар

2022–2026 йиллардаги <u>таълим тизимидаги</u> бюджет сиёсати қуйидаги тадбирларни амалга оширишга қаратилади:

мактабгача таълимдаги қамров даражасини камида 80 фоизгача етказиш;

2024 йил якунига қадар 6 ёшли болаларни мактабгача тайёрлов тизими билан тўлиқ қамраб олиш;

мактаб таълими тизими учун ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта ишлаб чиқиш;

янги мактаблар қуриш, хусусий мактабларни кўпайтириш, таълим сифатини оширишни назарда тутувчи Мактабларни ривожлантириш давлат дастури ишлаб чиқиш;

олий таълимга қамров даражасини 50 фоизга етказиш ҳамда таълим сифатини янада ошириш;

олий таълим муассасаларида босқичма-босқич меҳнатга ҳақ тўлаш, ходимлар сони, тўлов контракт миқдори ва таълим шаклини **мустақил белгилаш** тизимини жорий этиш.

2022 йилда Давлат бюджетининг жами **таълим соҳаси харажатлари 46,9 трлн. сўм** миқдорида ёки Давлат бюджети жами харажатларининг **21,9 фоизини** ҳамда 2021 йилги тасдиқланган бюджетга нисбатан 35,7 фоиз кўп режалаштирилмоқда.

2022 йилдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти умумтаълим мактаблари бошланғич синфларида тақсил олаётган ўқувчиларни бепул тушлик билан таъминлаш учун Давлат бюджетидан жами **200 млрд.сўм** ажратилиши режалаштирилган.

18-расм



Шундан:

мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан **8,6 трлн. сўм** ёки 2021 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 33,8 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилган.

15-жадвал

Мактабгача таълим ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил кутилаётган	2022 йил прогноз	Бюджет мўлжаллари	
							2023 йил	2024 йил
I	Давлат мактабгача таълим ташкилоти сони	5 598	5 856	6 062	6 193	6 244	6 319	6 349
	Қуввати (минг ўрин)	765,4	831,0	878,4	882,1	888,8	900,1	904,8
	Тарбияланувчилар сони (минг нафар)	838,7	991,4	1 077,0	1 176,9	1 186,6	1 200,9	1 206,6
	Жорий харажатлар-жами (млрд сўм)	2 839,7	4 260,2	5 339,5	6 446,4	8 641,3	9 942,8	11 557,2
	шундан: бир нафар тарбияланувчига (млн сўм)	3,4	4,3	5,0	5,5	7,3	8,3	9,6
	Капитал харажатлар (млрд сўм)	1 341,4	1 804,3	1 483,0	1 141,0	800,0	850,9	958,1
II	ДХШ асосида МТТлар	182	356	542	953	999	1 048	1 099
	Тарбияланувчилар сони (минг нафар)	15,0	59,1	102,5	107,5	112,8	118,3	124,1
	ДХШ асосида МТТларга субсидия ва компенсация харажатлари	-	210,9	312,1	900,0	1 500,0	2 300,0	2 530,0
III	Оилавий МТТлар	905	4 668	7 895	14 341	15 775	17 353	19 088
	Тарбияланувчилар сони (минг нафар)	22,6	144,7	194,7	269,7	296,7	326,4	359,0

умумий ўрта таълим харажатлари 30,8 трлн. сўмни ёки 2021 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан 29,5 фоизга ошган ҳолда Давлат бюджети жами харажатларининг 14,4 фоизини йўналтириш режалаштирилган;

16-жадвал

2018–2024 йилларда бир нафар ўқувчига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар

Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил кутилаётган	2022 йил прогноз	Бюджет мўлжаллари	
						2023 йил	2024 йил
Умумтаълим мактаблари сони	9 456	9 698	9 770	9 803	9 847	9 884	9 928
Қуввати (минг ўрин)	4 924,1	5 028,0	5 079,9	5 097,8	5 117,6	5 131,3	5 147,8
Ўқувчи сони (минг нафар)	5 749,5	6 052,3	6 156,8	6 319,8	6 487,1	6 658,9	6 835,2
Жами-жорий харажатлар (млрд сўм)	12 553,4	17 019,2	21 743,4	23 799,9	30 823,4	36 324,7	42 518,8
шундан: бир нафар ўқувчига (млн сўм)	2,2	2,8	3,5	3,8	4,8	5,5	6,2
Капитал харажатлар	776,5	1 932,4	2 067,8	3 143,4	2 100,0	2 233,6	2 515,0

ўрта-махсус ва олий таълим харажатлари 7,5 трлн. сўмни ёки 2021 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан 72,8 фоизга кўп маблағ йўналтириш режалаштирилган. Шу жумладан академик лицейларни сақлаш харажатларига 326,2 млрд. сўм, профессионал коллежлар – 432,4 млрд. сўм, касб-ҳунар мактаблари – 1 130,3 млрд. сўм, техникумлар – 123,3 млрд. сўм, қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш марказлари – 76,1 млрд.сўм, олий таълим муассасалари – 3 795,1 млрд. сўм маблағ режалаштирилмоқда.

17-жадвал

Профессионал таълим муассасаларининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида МАЪЛУМОТ

	2020 й	2021 й	2022 й
Академик лицейлар сони, бирлик	**68**	**68**	**68**
ўқувчилар сони (минг киши)	58,1	33,7	33,7
ўқитувчилар сони (педставка, минг киши)	5,5	3,8	3,8
Касб-ҳунар мактаблари сони, бирлик	**339**	**339**	**339**
ўқувчилар сони (минг киши)	173,0	173,2	173,2
ўқитувчилар сони (педставка, минг киши)	10,7	10,7	10,7
Коллежлар сони, бирлик	**1 367**	**212**	**212**
ўқувчилар сони (минг киши)	606,7	115,2	115,2
ўқитувчилар сони (педставка, минг киши)	63,5	9,1	9,1
Техникумлар сони, бирлик	**191**	**191**	**191**
ўқувчилар сони (минг киши)	115,0	114,8	114,8
ўқитувчилар сони (педставка, минг киши)	7,5	7,5	7,5
Қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш марказлар сони, бирлик	**-**	**13**	**13**
ўқувчилар сони (минг киши)	-	2,7	2,7
ўқитувчилар сони (педставка, минг киши)	-	0,2	0,2

18-жадвал

Олий таълим муассасаларининг асосий кўрсаткичларига доир МАЪЛУМОТ

Кўрсаткичлар	қабул қилинган				прогноз		Ўсиш (2022/2017)
	2017/2018 ўқув йили	2018/2019 ўқув йили	2019/2020 ўқув йили	2020/2021 ўқув йили	2021/2022 ўқув йили	2022/2023 ўқув йили	
Олий таълим муассасалари сони	**78**	**89**	**99**	**106**	**110**	**115**	**1,4**
Грант квоталар сони, дона	**19 750**	**21 488**	**26 893**	**35 990**	**45 812**	**56 096**	**2,3**
шундан:							
бакалавриат	**18 194**	**17 654**	**18 180**	**23 495**	**29 369**	**36 711**	**1,6**
магистратура	**1 556**	**1 567**	**4 131**	**5 475**	**6 844**	**8 555**	**4,4**
имтиёз асосида қабул	**1 473**	**2 267**	**4 582**	**7 020**	**9 599**	**10 830**	**6,5**
Бюджетдан ажратилган маблағлар, млрд сўм	**878,8**	**1 297,3**	**1 670,1**	**2 220,2**	**2 775,0**	**3 469,0**	**3,2**
Штат бирликлари сони (бюджет), бирлик	**16 931**	**17 622**	**18 151**	**18 409**	**23 011**	**28 764**	**1,4**
Талабалар сони, бирлик	**300 677**	**358 499**	**444 170**	**551 431**	**622 818**	**708 168**	**2,1**
шундан:							
Давлат буюртмаси асосида	**79 505,0**	**83 706,0**	**89 534,0**	**106 027,0**	**132 874,0**	**169 230,0**	**1,7**
Контракт ҳисобига	**221 172,0**	**274 793,0**	**354 636,0**	**445 404,0**	**489 944,0**	**538 938,0**	**2,2**
олий таълим харажатларининг Давлат бюджети жами харажатларига нисбатан улуши	*1,0%*	*1,1%*	*1,2%*	*1,1%*	*1,4%*	*1,6%*	

Олий маълумотли кадрлар билан қамраб олиш мақсадида 2022 йил олий таълим муассасалар сони 115 тага етказиш кутилмоқда. 2021 йилда олий таълим муассаса сони 110 тани ташкил этган.

Олий таълим муассасалари учун 2022 йилда докторантурага ажратилаётган квоталар сони 2 баробарга ошириш белгиланган бўлиб, докторантурага қабул квотаси 3 600 гача оширилиши режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун 2022 йилда 453,6 млрд. сўм, 2021 йилга нисбатан қўшимча 186,0 млрд. сўм режалаштилган.

2022–2026 йиллардаги соғлиқни сақлаш тизимидаги бюджет сиёсати:

1. Аралаш молиялаштиришга ўтказилган барча соғлиқни сақлаш муассасаларини **молиялаштириш тартибини** белгиловчи махсус Йўриқнома ишлаб чиқиш, унда молиялаштирилиши **Давлат тиббий суғурта жамғармаси** орқали амалга оширилишини таъминлаш орқали қуйидагиларни назарда тутиш таклиф этилади:

- **“ҳар бир даволанган ҳолат”дан** келиб чиқиб молиялаштириш тизимига ўтиш;

- имтиёзли асосда даволанадиган беморларни ордерлар (йўлланма) асосида даволашда уларга кўрсатиладиган **тиббий хизматлар тарифини** ишлаб чиқиш;

- Давлат бюджетидан маблағларни имтиёзли тоифадаги беморлар даволаниши учун белгиланган тарифлар асосида ва бюджет харажатлари иқтисодий **классификациясининг бир сатрида** молиялаштириш тизимини босқичма-босқич жорий этиш.

2. Дори воситаларини республика ҳудудига кириб келишидан бошлаб уларни беморгача етиб боришини шаффоф таъминлайдиган Ягона электрон тизим яратиш. Бунда, халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, дори воситалари ва тиббий буюмларни **маркировкалаш** (штрихлаш) тизимини йўлга қўйиш.

3. Соғлиқни сақлаш ташкилий тузилмалари вилоят марказидаги тор ихтисосликдаги (онкология, кардиология, офтальмология, урология, эндокринология ва бошқалар) соғлиқни сақлаш муассасаларини вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказига бирлаштириш ва ҳақиқий маънодаги вилоят ягона кўп тармоқли тиббиёт маркази фаолиятини йўлга қўйиш.

4. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тарзда дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминланадиган беморларнинг **электрон ягона реестрини** яратиш.

2022 йилда соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари 22,8 трлн. сўмни ёки 2021 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 16,2 фоизга ошган ҳолда жами харажатларнинг 10,6 фоизини, ялпи ички маҳсулотнинг эса 2,7 фоизини ташкил этиши режалаштирилган.

19-жадвал

Соғлиқни сақлаш соҳасига дори-дармон ва озиқ-овқат учун ажратилган маблағлар тўғрисида маълумот, млрд.сўм

	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	Ўсиш (баравар) 2022/2018 йил
Иш ҳақи ва ундан ажратмалар учун харажатлар	5 795,1	7 739,3	11 714,1	12 483,0	15 622,3	2,7
Дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар	914,6	1 123,1	1 494,3	1 783,9	2 299,5	2,5
шундан: бирламчи тиббий санитария муассасалари	*76,8*	*88,5*	*160,1*	*230,1*	*578,1*	*7,5*
Озиқ-овқат маҳсулотлари	205,7	305,0	333,3	604,3	686,1	3,3

20-жадвал

Стационар тиббиёт муассасаларига озиқ-овқат ва дори-дармон сотиб олиш харажатларига бир ўрин-кун учун кўзда тутилган маблағлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

(сўмда)

Ташкилотлар	2021 йил		2022 йил	
	Озиқ-овқат	Дори-дармон	Озиқ-овқат	Дори-дармон
Туман (шаҳар) марказий шифохоналари	12 500	13 220	13 750	14 542
Туман (шаҳар) шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари	21 000	27 179	23 100	29 897
РШТЁИМ ва унинг ҳудудий филиаллари	21 000	48 315	23 100	53 147
Силга қарши кураш муассасалари	25 000	19 316	27 500	21 248
Онкология муассасалари	25 000	46 391	27 500	51 030
Наркология муассасалари	21 000	19 732	23 100	21 705
Эндокринология муассасалари	22 000	23 099	24 200	25 409
Кардиология муассасалари	10 800	28 253	11 880	31 078
Юқумли касалликлар шифохоналари	21 000	18 169	23 100	19 986
Болалар шифохоналари	22 000	24 658	24 200	27 124
Сил касалига чалинганлар болалар учун санаториялар	21 000	7 791	23 100	8 570
ОИТСга қарши кураш марказлари	21 000	13 225	23 100	14 548

21-жадвал

Бюджетдан молиялаштириладиган соғлиқни сақлаш тизими муассасаларидаги штат бирликлари сони тўғрисида
МАЪЛУМОТ

	2018 й ижро	2019 й ижро	2020 й ижро	2021 й кутилаётган режа	2022 й прогноз	2022/ 2018 й (фоиз)
Врачлар, бирлик	96 770	103 902	105 899	113 413	114 313	**18,1**
Ўрта тиббий ходимлар, бирлик	195 712	205 633	209 771	215 397	237 557	**21,4**
Кичик тиббий ходимлар, бирлик	75 977	79 474	80 243	84 056	84 156	**10,8**
Бошқа ходимлар, бирлик	68 809	71 504	72 401	77 555	77 585	**12,8**
Жами	**437 268**	**460 513**	**468 314**	**490 421**	**513 611**	**17,5**

22-жадвал

Тиббиёт муассасалари сони тўғрисида
МАЪЛУМОТ

(бирлик)

	2020 й	2021 й	2022 й
кўп тармоқли марказий поликлиникалар	203	206	206
оилавий поликлиникалар	983	984	984
қишлоқ врачлик пунктлари	817	817	817
тез тиббий ёрдам станциялари	197	197	197
умумий стационар муассасалар	287	287	287
шошилинч тиббий ёрдам марказ ва бўлимлари	195	195	195
ихтисослашган стационар муассасалар	217	217	217
болалар уйлари	13	13	13
қариялар ва ногиронлар учун санаториялар	10	10	10
қариялар ва ногиронлар учун интернат-уйлари	28	28	28
кичик ёшдаги ногирон болалар учун интернат-уйлари	7	7	7
тиббий-ижтимоий ёрдам ҳудудий бўлимлари	14	14	14
ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказлари	12	12	12
бошқа муассасалар	732	717	717

2022–2026 йиллардаги маданият соҳасидаги бюджет сиёсати:

Маданият соҳасига 2022 йилда 1,8 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2021 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан **26,9 фоизга** ошиши кўзда тутилган.

23-жадвал

Маданият соҳасидаги штатлар сони тўғрисида
МАЪЛУМОТ

	2020 й	2021 й	2022 й
Жами штатлар сони (минг киши)	28,3	28,3	28,3
шу жумладан:			
кўзи ожизлар кутубхоналари	0,5	0,5	0,5
ахборот-ресурс марказлари	4,6	4,6	4,6
музейлар ва кўргазмалар	2,0	2,0	2,0
маданият уйлари ва саройлар	8,0	8,0	8,0
театрлар, филармония, мақом	7,6	7,6	7,6
телерадио эшиттириш	2,8	2,8	2,8

24-жадвал

Маданият соҳасидага бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган ташкилотлар сони

Йиллар	**2020 йил**	**2021 йил**	**2022 йил**
Ташкилотлар сони, (бирлик)	**1 431**	**1 431**	**1 431**
шу жумладан:			
кўзи ожизлар кутубхоналар	82	82	82
ахборот-ресурс марказлари	201	201	201
музейлар ва кўргазмалар	46	46	46
маданият уйлари ва саройлар	814	814	814
театрлар	40	40	40
Ўзбекистон Давлат филармонияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари	14	14	14
миллий мақом санъат маркази ва ҳудудий мақом ансамбллари	14	14	14
“Ўзбекистон давлат цирки”давлат бирлашмаси	1	1	1
маънавият ва маърифат марказлари	15	15	15

2022–2026 йиллардаги спорт соҳасидаги бюджет сиёсати:

туман (шаҳар) марказларида жойлашган спорт муассасаларининг бюджетдан ташқари тушумларини ошириш ва босқичма-босқич ўзини-ўзи молиялаштириш тизимини яратиш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқиш;

Давлат бюджетидан спорт соҳасига ажратилаётган маблағларнинг самарадорлиги, шаффофлилиги ва ҳисобдорлигини ошириш мақсадида:

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ва спорт федерацияларига Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун ажратилаётган маблағларни ғазна ижроси билан қамраб олиш ҳамда федерацияларни молиялаштиришда алоҳида тартиб ишлаб чиқиш;

спорт тадбирлари учун ажратилаётган маблағлар тўғрисида маълумотларни тегишли мутасаддиларнинг расмий веб-сайтларида эълон қилиб бориш тизимини жорий этиш.

Спорт соҳасига харажатлар 2022 йилда 1,6 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2021 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан **28,3 фоизга** ошиши кўзда тутилган.

Спорт соҳасида республика бўйича **245** та спорт мактаблари, **15** та футбол академиялари, **56** та спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлари, **11** та олий спорт маҳорати мактаблари, **4** та олимпия захиралари спорт мактаблари, **1** та ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази мавжуд.

25-жадвал

Спорт соҳасидаги муассасалар ва ташкилотларнинг асосий кўрсатикичлари

(бирлик)

Кўрсаткичлар	2018 й. Ижро	2019 й. Ижро	2020 й. ижро	2021 й. кутилаётган	2022 й. прогноз	2023 й. прогноз	2024 й. прогноз
Ташкилотлар — жами	**344**	**362**	**362**	**378**	**397**	**397**	**397**
шу жумладан:							
болалар-ўсмирлар спорт мактаблари	230	230	230	245	249	249	249
футбол академиялари	15	14	14	14	15	15	15
Ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаблари	54	55	55	56	56	56	56
Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактаблари	11	11	11	11	11	11	11
олий спорт маҳорати мактаблари	10	11	11	11	25	25	25
Ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактаблари	4	3	3	4	4	4	4
Ўзбекистон "ЁШЛИК" спорт жамияти	15	15	15	15			
Бошқа ташкилотлар	5	23	23	22	37	37	37
Тарбияланувчилар сони (минг киши)	312,9	312,9	335,6	367,1	380,6	380,6	380,6
Жами штатлар сони (мингта)	21,4	21,1	23,1	24,6	25,7	25,7	25,7
Жами ходимлар сони (минг киши)	21,1	21,1	22,9	24,4	25,6	25,6	25,6
Мураббийлар сони (минг киши)	11,3	11,3	10,0	12,9	13,3	13,3	13,3

Фанни янада ривожлантириш тадбирлари учун 2022 йилда **1,5 трлн. сўм** ёки 2021 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан **27,1 фоиз** кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига кирувчи илмий-тажриба станциялари ва участкаларининг бино ва иншоотларини сақлаш, шунингдек, уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши режалаштирилган.

Шу муносабат билан, қишлоқ хўжалигида мавжуд **58 та** илмий тажриба станция, **14 та** вилоят агрохизматлар маркази ва **13 та** илмий институтлар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштиришга ўтказилмоқда. Мазкур мақсадлар учун Давлат бюджетидан 2022 йилда қўшимча **60,0 млрд сўм** ажратиш режалаштирилган.

Илмий лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағлар 2022 йилда 600,0 млрд. сўмга етказилиб, 2021 йилга нисбатан салкам 17 фоизга оширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, таянч докторантура ва докторантурада илмий даражали кадрлар тайёрлаш квотасини магистратура қабул квотасининг камида 30 фоизигача ошириш харажатлари 453,6 млрд.сўм;

Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига 110 млрд.сўм маблағлар кўзда тутилган.

<u>Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш</u> тизимидаги бюджет сиёсати:

1) 2023 йилдан бошлаб оилаларни камбағаллик ҳолатидан чиқариш мақсадида давлат ижтимоий ёрдамини ижтимоий шартнома тузиш орқали тақдим этиш тизимини йўлга қўйиш.

Ижтимоий шартнома тузиш тизими кам таъминланган оилаларга ажратилган давлат маблағларини (ижтимоий нафақаларни) самарали сарфланишини таъминлаш. Яъни, ижтимоий шартнома тузишда, маблағларни инсон капиталини ривожланитиришга йўналтириш мақсадида нафақалар тақдим этилишида болалар овқатланиш рационини яхшилаш, таълим олиши билан боғлиқ харажатларни қоплаш (давлат томонидан ажратиладиган бепул китоблар ва қишги кийимдан ташқари харажатлар), мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига қатнашини, вакцина олишини, доимий равишда тиббий кўрикдан ўтиб туришини таъминлаш, базавий гигиена маҳсулотларини харид қилиш каби шартларини ишлаб чиқиш.

2) 2023 йилдан бошлаб давлат ижтимоий ёрдами ва хизматларини кўрсатишда маҳаллий даражада (“маҳаллабай” тамойили асосида) ижтимоий ишларни олиб бориш механизмини босқичма-босқич амалга ошириш. Бунда:

1-босқич: кам таъминланган оилаларни Ижтимоий ҳимоя ягона реестри орқали аниқлаш;

2-босқич: оилалар муаммолари, камбағалликка тушиш сабаблари ва уларнинг эҳтиёжларини индивидуал тарзда ўрганиш;

3-босқич: оилани камбағаллик ҳолатидан чиқариш учун зарур бўлган барча ижтимоий ёрдам ва хизматлар дастурларини ўз ичига олган индивидуал ижтимоий ҳимоя режасини ишлаб чиқиш орқали оилани ижтимоий ҳимоя қилиш.

Бу орқали:

маҳаллий даражада ижтимоий ишчилар институтини жорий этиш;

оилаларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан заифлиги сабаблари ва уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш, аниқланган сабаблар ва эҳтиёжлар асосида оилани камбағалликдан олиб чиқишга қаратилган индивидуал ижтимоий ҳимоя дастурларини тузиш;

давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдамини ўз вақтида тайинлаш ва кўрсатиш орқали оиланинг ижтимоий аҳволи ёмонлашшиши ва камбағалликка тушиб қолишини олдини олиш ва дастурларнинг оиланинг қийин ҳаётий вазиятдан чиқариб олишга қаратилишини таъминлаш;

маҳаллаларда ижтимоий хизматлар кўрсатиш механизмини “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими билан интеграциялаш.

3) 2026 йилгача “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимини аҳолининг барча ижтимоий жиҳатдан заиф қатламлари ҳамда уларга кўрсатилган барча ижтимоий ёрдам ва хизматлар ҳақидаги ягона маълумотлар базасига айлантириш. Бу орқали:

давлат хизматларини рақамлаштириш;

ижтимоий нафақалар тайинлашга мурожаат қилиш тарибини соддалаштриш;

“Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Меҳр дафтари” маълумотлар базаларини “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га ўтказиш;

ижтимоий ҳимоя тақдим этиш тизимида коррупцион факторларни йўқ қилиш.

4) Барча турар жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш чораларини кўриш.

2022 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий ёрдам бериш, болали оилаларга барча турдаги ижтимоий нафақаларни тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, болаликдан ногиронларга нафақалар тўловларини амалга ошириш учун **13,0 трлн. сўм** ёки жами харажатларнинг 6,0 фоизи кўзда тутилган бўлиб, бу 2021 йил тасдиқланган параметрга нисбатан 26,7 фоизга кўп маблағ ажратилиши



режалаштирилган.


Ушбу харажатлар қуйидагиларга йўналтирилади:

- ҳар ойда ўртача 78 мингдан ортиқ бола туғилгани учун нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатларга – 546,1 млрд. сўм;
- ҳар ойда ўртача 303 мингдан ортиқ болаликдан ногиронлар учун 2 384 млрд. сўм;
- ҳар ойда ўртача 134 мингдан ортиқ пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсизларга нафақа харажатларига – 762 млрд. сўм;
- ҳар ойда ўртача 70 мингга яқин фуқароларга уй-жой коммунал тўловлари имтиёзлари ўрнига жорий этилган компенсация тўловларига – 101 млрд. сўм;
- ҳар ойда ўртача 19 мингдан ортиқ фуқароларга дафн маросими учун нафақа тўловларига – 258 млрд. сўм;
- 1 413 минг нафар 18 ёшгача болалари бўлган кам таъминланган оилаларга нафақаларга – 7 278 млрд. сўм;
- кам таъминланган 27 минг кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам учун – 222 млрд. сўм.

2022 йилда кам таъминланган оилалар учун болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилалар сонини ўртача йилига 2021 йилги **1 200 минг** нафардан **1 440 мингтага** етказиш режалаштирилган.

19-расм

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчилар сони, ўртача йиллик, минг оила



Жорий йил сентябрь ойидан бошлаб 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси жорий этилди. Бунда, болалар нафақасини тайинлашда инобатга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилиб, тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилди ҳамда унинг миқдорини оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгилаш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, якка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш тартиби жорий этилди.

Бундан ташқари, аҳолини қўллаб-қувватлаш, пул тўланадиган жамоатчилик ишларига, тадбиркорликка кенг жалб этиш асосида бандликни таъминлаш мақсадида Жамоатчилик ишлари жамғармаси орқали 2022 йилда **300 млрд. сўм,** Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси орқали **940 млрд. сўм**, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси орқали **91 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашни янада такомиллаштириш:

Ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож оилаларни ижтимоий ва молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусий пудрат ташкилотларини уй-жой қурилиши соҳасига кенг жалб этиш бўйича шарт-шароитлар яратиш мақсадида халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда қуйидагиларни амалга ошириш таклиф этилади:

1. Ипотека кредитлари бўйича субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш, субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаларни бериш ҳамда субсидиялар тўлаш жараёнларини **тўлиқ автоматлаштириш.**

Бу орқали, субсидия тўланадиган фуқароларни танлаб олиш ҳамда субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномаларни бериш жараёнларининг муддатини етти кунгача қисқартириш мақсад қилинган.

2. “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖ фаолиятини янада кенгайтириш. Бунда, ипотека бозорини узоқ муддатли ресурслар билан таъминлаш мақсадида Компания томонидан корпоратив ва ипотека облигациялари чиқаришни йўлга қуйиш. Шунингдек, бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида ипотека кредитлари учун узоқ муддатли маблағларни Компания орқали тижорат банкларига жойлаштириш. Бунинг натижасида, ипотека кредити бозорида узоқ муддатли ресурслар таъминоти учун йирик молиявий институт фаолиятини йўлга қўйиш мақсад қилинган.

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сонли Фармони билан жорий этилган бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида 48,3 мингдан ортиқ уй-жойлар қурилиши режалаштирилмоқда (шу жумладан аҳолини алоҳида тоифалари учун).

Даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоизларнинг бир қисмини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **1,8 трлн. сўм** субсидиялар тўлаб берилади.

Мазкур маблағлар ҳисобидан 2022 йилда жами 62,8 минга яқин фуқароларга компенсация ҳамда ипотека кредитларининг фоиз тўловларининг бир қисми қоплаб бериш учун тўловлар амалга оширилади.

Иқтисодиёт харажатлари

Давлат бюджетидан 2022 йилда иқтисодиётга ажратилиши режалаштирилаётган харажатлар 24,3 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,9 фоизни ташкил этиб, жами харажатларнинг 11,3 фоизини ташкил этади.

Иқтисодиёт харажатлари таркибида асосан қуйидагилар учун маблағлар кўзда тутилмоқда:

сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари **4 723,4 млрд.сўм;**

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш **463,8 млрд.сўм;**

геологик қидирув ишлари **1 000,0 млрд.сўм;**

аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш **2 863,0 млрд.сўм;**

иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларни паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш учун субсидиялар ажратишга **884,8 млрд.сўм** маблағлар (2021 йил тасдиқланган бюджетга нисбатан ошиши Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқарувга берилиши билан тушунтирилади) ажратилиши режалаштирилган.

2022 йилда **ободонлаштириш соҳаси** ташкилотлари сони 223 тани ташкил этиб, қўшимча 10 мингта штат бирликлари ажратилиши муносабати билан уларда 64,3 мингдан ортиқ штат бирликлари фаолият юритиши ҳамда қўшимча ажратилган штат бирликларини сақлаш харажатларига 286,0 млрд.сўм қўшимча бюджет маблағлари ажратилиши режалаштирилмоқда.

Шу жумладан ободонлаштириш соҳаси ташкилотларининг 2022 йилги иш ҳақи ва унга ажратмалар учун **2 032,3 млрд.сўм** пул маблағлари ажратилиши режалаштирилаётган бўлиб, 2021 йилда ажратилиши кутилаётган маблағларга нисбатан 50,5 фоизга кўп.

Бундан ташқари, соҳани ривожлантириш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ишлари учун қўшимча 285 та махсус техника ва механизмлар харидига 117 млрд.сўм маблағлар қўшимча ажратилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, 2022 йилда ҳам **ички хўжалик йўлларини** таъмирлаш харажатлари учун **290,2 млрд.сўм** пул маблағлари ажратилиши ҳамда 2021 йилда ажратилиши кутилаётган маблағларга нисбатан 106,2 фоизни ташкил этиши режалаштирилмоқда.

2022 йилда ҳам **Уй жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги** ва вазирлик

тизимидаги ташкилотлар сони 17 тани ташкил этиши ва уларда 1 415 та штат бирликлари фаолият юритиши ҳамда соҳанинг жорий харажатлари учун 2 139,9 млрд.сўм ажратилиши режалаштирилмоқда.

26-жадвал

Уй-жой коммунал ва ободонлаштириш ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

	2020 й	2021 й	2022 й
Ободонлаштириш ташкилотлари сони, бирлик	221	223	223
штат бирликлари сони (минг киши)	54,1	64,4	64,4
Махсус эксплутация монтаж ташкилотлари сони, бирлик	14	14	14
штат бирликлари сони (минг киши)	0,7	0,7	0,7
Уй-жой коммунал хўжалиги ташкилотлари сони, бирлик	18	17	17
штат бирликлари сони (минг киши)	1,4	1,3	1,3
Бошқа ташкилотлар, бирлик	4	4	4
штат бирликлари сони (минг киши)	0,4	0,4	0,4

Шу жумладан, 2022 йилда:

иш ҳақи ва ундан ажратмалар учун **59,7 млрд.сўм** пул маблағлари ажратилиши режалаштирилаётган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 16,7 фоизга кўп;

қозонхона жиҳозлари ва иссиқлик тармоқларини таъмирлаш харажатлари учун **24,2 млрд.сўм** пул маблағлари ажратилиши режалаштирилаётган бўлиб, 2021 йилда ажратилиши кутилаётган маблағларга нисбатан 5,0 фоизга кўп;

2 102 та кўп қаватли уйларнинг 562 та лифт ускуналарини алмаштириш ва таъмирлаш харажатлари учун **103 млрд.сўм**;

кўп квартирали уй-жойларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш харажатлари учун **87,8 млрд.сўм** пул маблағлари ажратилиши режалаштирилаётган бўлиб, бунинг натижасида республика бўйлаб кўп квартирали уй-жойлар ҳудудларида 451 дона болалар майдончаси, 41 453 п/м ирригация тармоқлари, 3 597 дона ташқи ёритиш тизими, 276 минг.кв.м йўлакларни қуриш ишлари амалга ошириш режалаштирилган;

иссиқлик корхоналарига субсидия харажатлари учун **1,1 трлн.сўм** пул маблағлари ажратилиши режалаштирилаётган бўлиб, 2021 йилда ажратилиши кутилаётган маблағларга нисбатан 2 бараварга кўп прогноз қилинмоқда.

2022 йилда “Махсус эксплуатация монтаж” бўлимларининг жорий харажатлари учун **71,1 млрд.сўм** маблағлар ажратилиши режалаштирилмоқда. Мазкур режалаштирилаётган маблағлар 2021 йилда ажратилиши кутилаётган маблағларга нисбатан 19,2 фоизга кўп. Шу жумладан, иш ҳақи ва ундан ажратмалар

учун 23,3 млрд.сўм пул маблағлари ажратилиши режалаштирилаётган бўлиб, 2021 йилга нисбатан 34,5 фоизга кўп режалаштирилган.

Иқтисодиётнинг айрим соҳалари бюджет сиёсатида амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар.

Ободонлаштириш соҳасидаги бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

1. Ободонлаштириш соҳасига давлат-хусусий шерикчилик ва аутсорсинг механизмларини жалб қилишни қўллаб-қувватлаш. Бунда туман (шаҳар)лар миқёсида ободонлаштириш ишларини самарали ташкил қилиш мақсадида синов тариқасида маълум бир ҳудудлардаги ободонлаштириш ишларини тадбиркорлик субъектларига танлов (электрон аукцион йўли билан “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали) асосида бириктириб бериш ҳамда бу борада фаолиятни амалга ошириш учун муддатли (бир йил) шартномалар расмийлаштиришни белгилаш.

2. Ободонлаштириш бошқармаларининг вазифалари худудларни кўкаламзорлаштириш ва санитар тозаликни сақлаш бўлганлиги сабабли, ички хўжаликлараро автомобиль йўлларини Автомобил йўллари қўмитаси таркибидаги корхоналар тасарруфига ўтказиш.

<u>Аграр соҳадаги</u> бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши таклиф этилади:

аграр соҳадаги давлат харажатлари таркибини қайта кўриб чиқиш, самарадорлиги паст ва мавжуд муаммоларга тизимли ечим бермайдиган харажатларни мақбуллаштириш, соҳага ажратилаётган Давлат бюджети маблағларини қайта тақсимлаш орқали аграр соҳадаги илмий изланишларга ажратилаётган маблағлар улушини босқичма-босқич ошириш;

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида электр энергияси харажатлари ҳамда сув ресурслари сарфининг аниқ ҳисобини юритиш мақсадида сув хўжалиги иншоотларида сув ва электр энергияси сарфини “онлайн” тарзда кузатиш имконини берувчи тизимларни жорий этиш;

қишлоқ, сув ва ўрмон хўжалиги соҳаларига давлат-хусусий шериклик тизимини жорий этишни кенгайтириш, объектларни тадбиркорлик субъектларига бошқариш ва фойдаланиш учун бериш, ушбу йўналишларда модернизация жараёнларини жадаллаштириш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини босқичма-босқич тугатиш ва унинг ўрнига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун жалб этилган кредит фоиз тўловларини бир қисмини қоплаб беришни жорий этиш;

бюджетдан ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича хўжаликларнинг масъулиятини ошириш мақсадида субсидияларни 5 йил

мобайнида, яъни ускуналардан фойдаланишнинг энг кам муддатида, тенг улушларда тўлаб боришни жорий этиш таклиф этилади.

Тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бюджет харажатлари самарадорлигини оширишда қуйидагилар таклиф этилади:

1) Давлат бюджети ва мақсадли жамғармалар ҳисобидан ажратилаётган субсидияларни хатловдан ўтказган ҳолда субсидия ажратиш муддатларини ҳамда мақсадли кўрсаткичларини белгилаш.

2) Халқаро амалиётдан келиб чиқиб бюджет интизомини таъминлаш ва бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш мақсадида, давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ажратиладиган трансферт кўринишидаги маблағларни жамғармаларнинг **буюртманомалари асосида ажратиб бориш** тизимини жорий этиш.

3) Самарадорликка эришилмаган ёки мақсадсиз сарфланган субсидия, компенсация ва бошқа турдаги харажатларни **суд тартибида қайтариб олиш механизми**ни жорий этиш.

Уй жой коммунал соҳаси бўйича бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

Ичимлик суви таъминоти корхоналарининг шаҳар ва туман бўлимларининг намунавий тузилмасини ишлаб чиқиш ҳамда юридик шахс мақомини бериш орқали қайта ташкил этиш Бунда:

- ичимлик суви таъминоти корхоналари балансидаги асосий восита, машина механизмларни тегишлилиги бўйича шаҳар ва туман бўлимлари балансларига ўтказиш.

- Ичимлик сув ва оқова хизматлари учун тарифларни халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгилаш.

Марказлашган инвестиция харажатлари

Инвестиция дастурини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

туман ва шаҳарлар бош режаларини ишлаб чиқиш бўйича норматив ҳужжатларни хорижий экспертларни ва лойиҳа ташкилотларини жалб этган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва бош режаларнинг намунавий шаклларини ишлаб чиқиш;

шаҳарсозлик объектларини жойлашуви ва қуришда, мажбурий тартибда, туман ва шаҳарлар бош режа муаллифлари томонидан кўриб чиқиш ва келишиш тартибини жорий этиш;

инвестиция дастурини муайян соҳаларнинг узоқ муддатли (10-20 йил) концепциялари ҳамда мазкур концепцияни ўрта муддатларда (3-5 йил) амалга

ошириш стратегияси асосида ишлаб чиқиш ва ҳар йили бюджет харажатлари доирасида уларнинг йиллик аниқ рўйхатларини шакллантириш

2022 йилда барча идоравий ҳамда шаҳарсозлик қурилиш меъёрлари ва қоидаларини инновацион ечимлар асосида ишлаб чиқиш учун хорижий консультант ва экспертларни жалб этиш ва ушбу мақсадлар учун келгуси йилларда бюджет параметрларида маблағларни кўзда тутиш;

қурилиш соҳасини тартибга солувчи шаҳарсозлик қурилиш меъёрлари ва қоидаларини BIM (building information modeling – қурилиш маълумотларини моделлаштириш) технологиясини инобатга олган ҳолда қисқа муддатда тубдан қайта ишлаб чиқиш;

2022 йилги Давлат бюджети лойиҳасида **марказлашган капитал қўйилмалари** учун жами 1 283 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари учун **23,8 трлн. сўм** ёки ялпи ички маҳсулотнинг 2,8 фоизи миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган. (27-жадвал)

Шу жумладан соҳалар кесимида:

1. Ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига **5 500 млрд.сўм** маблағ ажратилиши, шундан:

мактабгача таълим ташкилотларини қуриш ва реконструкция қилиш 800 млрд.сўм;

умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактабларни қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга 2 100 млрд.сўм;

олий таълим муассасалари объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 700 млрд.сўм;

соғлиқни сақлаш объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш 1 200 млрд.сўм;

жисмоний тарбия ва спорт объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга 500 млрд.сўм;

маданият ва санъат объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлашга 150 млрд.сўм;

илм-фан ва инновация объектларини ривожлантиришга 50 млрд.сўм ажратилиши кўзда тутилган.

2. Муҳандислик-коммуникация тармоқларини таъмирлашга 1 320 млрд.сўм, шу жумладан:

иссиқлик таъминоти тизими объектларини барпо этиш, мавжуд қувватларни модернизация қилишга 320 млрд.сўм;

сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантиришга 1 000 млрд.сўм;

3. Автомобиль йўллари, кўприклар ва йўл ўтказгичларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шунингдек, объектларни жиҳозлаш ва техникалар харид қилишга 2 700 млрд.сўм;

4. Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилишга 1 500 млрд.сўм;

5. Маъмурий-ҳудудий, муҳандислик-инфратузилма, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилишга 4 394 млрд.сўм;

6. Бошқа йўналишларга 4 846 млрд.сўм, ажратилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, 2022 йилги Давлат бюджети дойиҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан **ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш** учун харажатларга **3,0 трлн. сўм**;

Ташаббусли бюджетлаштириш харажатларига **1 553,1 млрд. сўм** маблағлар кўзда тутилган.

27-жадвал

2022 йил учун инвестиция харажатлари прогнози, млрд.сўм

Т/р	Кўрсаткичлар	2021 йил (кутилаёт-ган ижро)	2022 йил (прогноз)
Марказлаштирилган капитал қўйилмалар, жами		**31 786**	**23 790**
жумладан:			
1	Ижтимоий соҳалар, шу жумладан:	7 833	5 500
	Олий таълим муассасалари	1 079	700
	Умумтаълим мактаблари	3 232	2 100
	Мактабгача таълим муассасалари	1 141	800
	Тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар	1 644	1 200
	Жисмоний тарбия ва спорт	496	500
	Маданият ва санъат	180	150
	Илм-фан ва инновация	60	50
2	Муҳандислик-коммуникация тармоқлари	1 967	1 320
3	Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш билан боғлиқ харажатлар	3 652	2 700
4	Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш таъмирлаш ишлари учун	1 175	1 500
5	Маъмурий-ҳудудий, муҳандислик-инфратузилма, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш, шу жумладан:	6 471	4 394
6	Аэропортларнинг аэродром комплексларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари учун		530
7	Бошқа йўналишлар	3 473	4 846

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимидаги бюджет сиёсати:

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда уларнинг идоравий ва ҳудудий бўлинмаларининг умумий бошқарув ходимларининг чекланган сонини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг штат бирликларига фақат умумий штат бирликлари доирасида ўзгартириш киритиш ҳамда ушбу ўзгартиришларни киритишни ҳам фақат кейинги молия йилидан бошлаб амалга ошириш;

барча бюджет ташкилотларида (таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари) ишлайдиган ходимларни моддий рағбатлантириш махсус жамғармасини бир хил 10 фоиз миқдорида шакллантириш.

Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини, ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатларига 2022 йилда **10,5 трлн. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 1,2 фоизини ташкил қилади.

28-жадвал

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

	2017 й	2020 й	2021 й	2022 й
I. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари сони (бирлик)	**271**	**312**	**316**	**317**
шу жумладан:				
вазирликлар	16	25	24	24
қўмиталар	14	14	14	14
инспекциялар	4	3	3	3
агентликлар	3	18	18	18
марказлар	11	11	11	11
бошқалар	23	24	25	24
маҳаллий ҳокимият органлари	200	217	221	221
ўзини-ўзи бошқариш органлари	7 817	9 168	9 251	9 251
II. Бошқарув ходимлари сони (минг киши)	**75,3**	**90,2**	**83,0**	**86,9**

Изоҳ: 2022 йилда штат бирликларининг 2021 йилга нисбатан ошиши "маҳаллабай" ишлаш тизими бўйича экспериментнинг республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий қилиниши сабабли 3 900 дан ортиқ штат бирлиги ажратилиши билан боғлиқ.

29-жадвал

Суд, адлия ва прокуратура органларининг асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот

	2017 й	2020 й	2021 й	2022 й
I. Ташкилотлар сони (бирлик)	**549**	**1 095**	**893**	**893**
шу жумладан:				
адлия	15	222	222	222
суд	317	620	418	418
прокуратура	217	253	253	253
II. Ходимлар сони (минг киши) (идоравий бошқарув)	**9,7**	**21,3**	**16,5**	**16,5**

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар (вазирлик ва идоралар) кесимида 2022 йил учун харажатлар прогнози

Мазкур бўлимда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари тўғрисида **айрим вазирлик ва идоралар кесимида** келтирилади.

Республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари **171,9 трлн. сўмни** ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан **25 816,1 млрд. сўм**, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 25 061,1 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 150 млрд. сўм ҳамда Республика мақсадли китоб жамғармасига 605 млрд. сўм трансфертлар режалаштирилмоқда.

2022 йилда таълим муассасаларида ўқиш сифатини ошириш, ўсаётган ёш авлоднинг тайёргарлигини такомиллаштириш ва бошқа дастурларни молиялаштириш жадал давом эттирилади.

Халқ таълими соҳаси учун ажратилган маблағлар жами республика бўйича **9 901 та** умумтаълим мактаблари, **193 та** айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, **89 та** жисмоний ёки психик ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун мактаб-интернатлар, **33** та меҳрибонлик уйлари (“СОС” болалар уйлари), **14 та** Президент мактаблари ҳамда **12 та** ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда таълим бериш харажатларига йўналтирилади.

Шу билан бирга Халқ таълими вазирлиги ва тизим ташкилотларига:

умумтаълим мактабларида ўқувчи сони кўпайиши харажатларига қўшимча 190 млрд.сўм;

кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчилар учун қишки кийим бош тўпламлари ҳарид қилиш ва жойларга етказиб бериш учун **72,5 млрд. сўм;**

чин етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш харажатлари учун **60 млрд. сўм;**

умумтаълим мактабларини кенг полосали интернет тармоғига улаш учун **152 млрд. сўм**;

хорижий тиллар ўқитувчиларини сертификатни олиши, устама тўлаш, шунингдек, ушбу ўқитувчилар томонидан адабиёт, дарслик ва ўқув қўлланмаларини сотиб олиш харажатларига жами **100,0 млрд.сўм**;

шаҳар ва туман Халқ таълими бўлимлари ходимларини рағбатлантириш жамғармалари маблағларини шакллантириш учун маҳаллий бюджетларда **160,0 млрд.сўм**;

халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантиришга **150,0 млрд.сўм**;

ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган PISA (The Programme for International Student Assessment) умумтаълим мактабларида таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш харажатларига **25,0 млрд.сўм** маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан **6 491,5 млрд. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 6 456,5 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 35 млрд. сўм кўзда тутилган.

2022 йилда Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизим ташкилотларига:

мактабгача таълим ташкилотларида болалар сони кўпайиши харажатларига қўшимча 471,8 млрд.сўм;

мактабгача таълим ташкилотларининг озиқ-овқат харажатларини СанПиН нормасига етказиш, болалар сони ўсиши билан боғлиқ харажатлари ҳамда куз-қиш захираси учун **1 230,6 млрд. сўм**;

мактабгача таълим нодавлат муассасалари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида ташкил қилинган шундай муассасаларга давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган сумманинг 50 фоизигача миқдорда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилганлиги муносабати **1 500,0 млрд. сўм;**

республикамизнинг барча ҳудудларида болаларни умумий бошланғич таълимга бепул мажбурий бир йиллик тайёрлашнинг ягона тизимини жорий қилиниши муносабати билан **106,8 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан **4 146,6 млрд. сўм**, жу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 3 969,9 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 176,7 млрд. сўм кўзда тутилган.

2021–2022 ўқув йилида олий таълим муассасалари сони 110 та, шу жумладан хорижий олий таълим муассасалар филиаллари 10 та, уларда таълим олувчи талабалар сони 606 мингга яқинлашиши кутилмоқда.

2022 йилда:

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич оширилиши муносабати билан Давлат бюджети параметрларида қўшимча **471,3 млрд. сўм;**

ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ижара асосида яшаётган давлат олий таълим муассасаларининг 80 мингдан ортиқ талабаларининг ижара харажатларини бир қисмини қоплаб бериш маблағлари **120,4 млрд.сўм**;

олий таълим муассасалари талабалари учун ётоқхоналар қуриш қийматининг 30 фоизи учун субсидия ажратиш харажатлари **149,8 млрд.сўм**;

давлат хусусий-шериклик асосида олий таълим муассасалари талабалари учун ётоқхоналар қуриш ва жиҳозлашнинг бир қисми учун субсидия ажратишга **28,8 млрд.сўм**;

олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити учун давлат бюджетидан тижорат банкларига мақсадли ресурслар ажратиш харажатлари **1 000,0 млрд.сўм**;

касб-ҳунар мактабларига 2021–2022 ўқув йилида қабул квотаси қўшимча харажатларига **312,3 млрд.сўм**;

коллеж ва техникумларда давлат буюртмаси асосида қабул қилинган ўқувчиларни ўқитиш харажатлари **195,0 млрд.сўм** ажратилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан **3 064,7 млрд. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 2 606,0 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 458,7 млрд. сўм кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш соҳаси учун маҳаллий бюджетлар харажатлари билан бирга 2022 йилда дори-дармон ва тиббиёт буюмларини харид қилишга ажратиладиган маблағларни ошириш сиёсати давом эттирилиб, дори воситалари, тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар учун харажатлар **2,3 трлн. сўм**ни ёки 2021 йил тасдиқланган режага нисбатан **29 фоизга** ошириш режалаштирилган.

Бунинг натижасида, масалан:

туман марказий шифохонасида 2021 йилда бир ўрин-кунга ўртача дори учун харажат 13 220 сўмдан тўғри келган бўлса, 2022 йилда 14 542 сўмга;

шошилинч тиббий ёрдам муассасаларида 2021 йилда бир ўрин-кунга ўртача дори учун харажат 48 315 сўмдан тўғри келган бўлса, 2022 йилда 53 147 сўмга етади ёки 10 фоизга ошириш режалаштирилган.

Тиббиёт муассасаларига озиқ-овқат харажатлари учун 2022 йилда **686,1 млрд. сўм** ёки 2021 йилга солиштирганда 14 фоизга кўп маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Бунинг натижасида:

туман (шаҳар) шошилинч тиббий ёрдам бўлимларида бир ўрин-кунга ўртача озиқ-овқат учун харажат 2021 йилги 21 000 сўмдан 23 100 сўмга;

силга қарши курашиш муассасаларида бир ўрин-кунга ўртача озиқ-овқат учун харажат 2021 йилги 25 000 сўмдан 27 500 сўмга;

юқумли касалликлар шифохоналарида бир ўрин-кунга ўртача озиқ-овқат учун харажат 2021 йилги 21 000 сўмдан 23 100 сўмга;

болалар шифохоналарида бир ўрин-кунга ўртача озиқ-овқат учун харажат 2021 йилги 22 000 сўмдан 24 200 сўмга ва бошқа тиббиёт муассасаларида ҳам озиқ-овқат учун харажатлар сезиларли даражада ошириш режалаштирилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги Давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида қуйидагилар учун Давлат бюджетидан маблағлар кўзда тутилган. Жумладан:

коронавирусга қарши курашиш тадбирлари учун **1 700 млрд. сўм**;

бирламчи тиббий санитария муассасаларида дори ва тиббий буюмлар учун бириктирилган аҳоли жон бошига ажратилган маблағ миқдорини ўртача 3 бараварга ошириш харажатларига маҳаллий бюджетларга қўшимча **369 млрд.сўм**;

болаларни вакциналар билан таъминлашга **205,0 млрд. сўм**;

республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда бошқа давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларни бепул даволаниш (тиббий йўлланма) харажатлари **279,1 млрд.сўм**;

иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағларини шакллантиришга **50,0 млрд.сўм**;

оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникалар учун қўшимча 20 мингта штат бирликлари ажратиш харажатларига соғлиқни сақлаш тизим ташкилотларига маҳаллий бюджетларда **451,1 млрд.сўм**;

болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш дастури бўйича 2022 йилда **58,1 млрд. сўм**;

одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилишга **95,4 млрд. сўм**;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш харажатлари **101,6 млрд.сўм**;

нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун **30,6 млрд. сўм** кўзда тутилмоқда;

кам учрайдиган ва бошқа ирсий генетик касалликлари бўлган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш ҳамда жисмоний ва руҳий ижтимоий ривожланишда орқада қолиш хавфи бўлган, орқада қолган болаларга эрта ёрдам бериш мақсадида **35,5 млрд. сўм**;

эндокринологик касалликларига чалинган беморларни дори воситалари билан таъминлаш харажатлари **28,4 млрд.сўм**;

буйрак ва жигар трансплантацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлаш харажатлари **19,0 млрд.сўм**;

гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш харажатлари **100,5 млрд.сўм**;

онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари **150,0 млрд.сўм;**

онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар **125,0 млрд.сўм;**

оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар **28,6 млрд.сўм**;

6–23 ойлик болалар учун уй шароитида тайёрланган овқатларни бойитиш мақсадида микронутриент кукуни билан, 2–10 ёшли болаларни гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан, ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 3–5 ёшдаги болаларни йод препарати билан, 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларни темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш учун **91,0 млрд.сўм;**

“Электрон соғлиқни сақлаш” тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш учун **30,0 млрд.сўм** маблағ йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан **727,9 млрд. сўм**, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 555,9 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш

(реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 172,0 млрд. сўм кўзда тутилган.

Шу жумладан:

давлат театрлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришга **14,3 млрд.сўм**;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини ўқув-услубий кўлланмалар билан таъминлаш харажатларига 6,4 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан **1 703,0 млрд. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 1 183,0 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 520,0 млрд. сўм кўзда тутилмоқда.

Республикамизда спорт соҳаси бўйича Давлат бюджетидан маблағ олувчи 245 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, 15 та футбол академиялари, 11 та республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаблари, 55 та ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 3 та олимпия захиралари спорт мактаби, 1 та ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази мавжуд.

2022 йилда спорт соҳаси бўйича харажатлар асосан:

янги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этиш ва янгидан қуриш харажатларига қўшимча 392,5 млрд.сўм;

республика миқёсида спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларни ташкиллаштириш ва календарь режасига асосан кейинги йил бюджет лойиҳасида **202,4 млрд. сўм** маблағ йўналтирилмоқда;

юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва “Workout” спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун харажатларига **104,0 млрд.сўм**;

жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни амалга ошириш учун харажатларга **10 млрд.сўм**;

Олимпияда спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш харажатларига **135,0 млрд.сўм**;

болалар спорт мактабларини жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашга **50,0 млрд.сўм**;

паралимпия соҳасини ривожлантириш мақсадида спорт тадбирларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш учун **30,9 млрд.сўм**;

“Соғлом турмуш тарзи” платформаси орқали бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган шахсларга ажратиладиган маблағларга **60 млрд.сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи доирасида

берган топшириқларига ва қабул қилинган Ҳукумат қарорларига мувофиқ 78 та маданий ва археологик мерос объектларини реставрация ва тиклаш ишлари учун 2022 йилда **75,0 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, авиақатновларга чипталар, туроператорлар орқали харид қилинган темирйўл чипталарига, меҳмонхона хизматларига қўшимча чегирмалар тақдим этиш харажатларига **25,0 млрд.сўм** маблағ кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан **615,7 млрд. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 413,4 млрд сўм кўзда тутилган. Шу жумладан вазирликнинг тизим ташкилотлари билан бирга:

зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларга Давлат бюджетидан **50 млрд. сўм;**

республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда ушбу кредитлар фоиз тўловларининг ёки лизинг тўловларининг 10 фоизлик пункти, шунингдек маҳаллийлаштириш даражаси 20 фоиздан кам бўлмаган қишлоқ хўжалиги техникаси харид қилинганда техника қийматининг 15 фоизи миқдорида субсидия бериш ва ғалла ўриш комбайнларининг хорижда хизмат кўрсатиш (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларининг 80 фоизини қоплашга Давлат бюджети ҳисобидан **60 млрд. сўм;**

Қоракўлчилик кластерларига ҳудудларда шахтали ва тик қудуқлар, шунингдек, сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва реконструкция қилишга субсидиялар беришга 20,0 млрд.сўм маблағ режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига **150 млрд. сўм**, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг Виночиликни ривожлантириш жамғармасига **50 млрд. сўм** трансфертлар кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан **3 440 млрд. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 2 190 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 1 250 млрд. сўм кўзда тутилган.

Сув хўжалиги вазирлигига тизим ташкилотлари билан бирга сув хўжалиги соҳаси ташкилотларини сақлаш ва дастурларини амалга ошириш учун жами **4,7 трлн.сўм** маблағлар ажратилиши кутилмоқда.

Шу жумладан, насос станциялари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси харажатларини қоплаш учун **3,1 трлн. сўм**, насос станцияларида

энергия самарадор насослар (15,3 млрд. сўм) ва электродвигателларни (59,2 млрд. сўм) сотиб олиш учун жами 74,5 млрд. сўм ва энергия тежамкор қурилмалар сотиб олиш учун 5,3 млрд. сўм маблағлар ажратиш кутилмоқда.

Бунинг натижасида, қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун 56,2 млрд. куб метр сув билан таъминлаш учун 7,3 млрд. кв/соат электр энергияси истеъмол қилинади ҳамда **1,0 млн. гектар пахта**, **1,2 млн. гектар** бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ўз вақтида суғорилишининг молиялаштирилиши таъминланади.

Шунингдек, 2022 йил давомида Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги сув хўжалиги объектларда қуйидаги бир қатор тадбирлар амалга оширилиши кутилмоқда, жумладан:

насос станцияларида 181 дона янги энергия самарадор насослар учун 17,6 млрд.сўм ва 354 дона янги электродвигателларга алмаштириш учун 58,1 млрд.сўм;

3 дона йирик сув иншоотлари объектларида назорат-ўлчаш ускуналар ҳамда хабар бериш тизимларини модернизация қилиш, тиклаш ва янгилаш учун 15 млрд.сўм;

реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун сув хўжалиги иншоотларида 4 540 дона “Smart Water” тизимларини ўрнатишга 77,1 млрд.сўм;

20 та объектда бошқариш жараёнларини автоматлаштиришга 8,0 млрд.сўм;

2 050 дона мелиоратив кузатув қудуқларини автоматлаштирилган мониторинг тизимига ўтказишга 24,6 млрд.сўм;

электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида жами 4 466 дона қуёш батареялари, частота ўзгартирувчи ва конденсатор қурилмалари ҳамда бошқа турдаги энергия тежовчи қурилмаларни ўрнатишга 5,1 млрд.сўм;

15 029 метр узунликдаги юқори кучланишли кабелларни янгисига алмаштириш 1,9 млрд.сўм кўзда тутилган.

Шунингдек, сув хўжалиги объектларини давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида хусусий ташаббускорларга фойдаланишга бериш бўйича 42 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда электр энергия сарфини камайтириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш кўламини кенгайтириш мақсадида 2022 йилда жами 260 минг гектар, шу жумладан 230 минг гектар пахта майдонларида сувни тежайдиган технологиялар жорий этиш **540,0 млрд.сўм** режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига 2022 йилда республика бюджетидан **1 105,2 млрд. сўм** маблағ, шу

жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 1 026 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 79,2 млрд. сўм кўзда тутилган.

Ушбу маблағлар асосан 2022 йилда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш учун геология-қидирув ишларини молиялаштиришга **1 000 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан **577,2 млрд. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 497,2 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 80,0 млрд. сўм кўзда тутилган.

Жумладан вазирликнинг жорий харажатлари таркибида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари ва консуллик идораларини сақлаш учун 327,7 млрд.сўм маблағ режалаштирилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари ва делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ва чет эл делегацияларини, давлат ва сиёсий арбобларни қабул қилишни уюштириш учун Давлат бюджетидан **17 млрд.сўм** ажратилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан вазирликнинг жорий харажатларига жами **415,8 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилган.

Жумладан вазирликнинг жорий харажатлари таркибида:

Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш учун бюджетдан ажратиладиган маблағлар 169,8 млрд.сўм;

экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун 110,0 млрд.сўм;

экспорт қилувчилар гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда суғурта мукофотини қоплаш харажатларига 18,7 млрд.сўм;

Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари ва делегацияларининг хорижий мамлакатларга ташрифларини ва чет эл делегацияларини, давлат ва сиёсий арбобларни қабул қилишни уюштириш учун Давлат бюджетидан **21 млрд.сўм** ажратилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2022 йилда республика бюджетидан **73 505,3 млрд. сўм** маблағ, шу жумладан:

Молия вазирлигининг **жорий харажатлари** таркибида асосан қуйидаги давлат дастурларини ва тадбирларни молиялаштириш учун 18 159,1 млрд. сўм

маблағлар кўзда тутилмоқда:

аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатларга **1 760 млрд.сўм**;

давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари – **4 041,2 млрд. сўм**;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бюджетдан молиялаштириладиган ижтимоий харажатлар – **4 352,5 млрд. сўм**;

болали оилаларга нафақа, болани парвариш қилиш нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш бўйича Халқ банки бўлинмалари (филиаллари) хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари – **37,6 млрд. сўм**;

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига беғараз молиявий ёрдам – **5 000 млрд. сўм**;

қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига фермер хўжаликларига грант маблағлари ажратиш учун – **1 000 млрд. сўм**;

Молия вазирлиги ва унинг тузилмасидаги ташкилотларнинг жорий харажатлари ва бошқалар – **433,5 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, **объектларни лойиҳалаштириш**, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилма дастури бўйича келгусида асосан қуйидагилар учун **қайта тақсимланадиган 7 908,7 млрд. сўм** маблағлар кўзда тутилган:

эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг инфратузилмасини ривожлантириш учун харажатларга **1 700 млрд.сўм**;

Ҳукумат томонидан ишлаб чиқилаётган дастурларни молиялаштириш учун харажатларга **2 196,0 млрд.сўм**;

«Обод қишлоқ» ва «Обод махалла» дастурларининг харажатларига **3 000 млрд.сўм** ва бошқалар.

Бундан ташқари:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар – **14 000 млрд. сўм**;

таълим кредитини молиялаштириш жамғармасига трансфертлар – **1 000 млрд.сўм**;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар – **14 115,6 млрд. сўм** кўзда тутилган ва бошқалар.

Шунингдек, вазирлик харажатлари таркибида кейинчалик **қайта тақсимланадиган** қуйидаги айрим маблағлар назарда тутилган:

иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларини ва айрим хизматларнинг тарифларини ошириш билан боғлиқ харажатлар – **11 720,2 млрд. сўм**;

бюджет ташкилотларда ишлайдиган ходимларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар – **500,7 млрд. сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари – **3 000,0 млрд. сўм**;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича халқаро ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари томонидан берилган, келгусида Давлат бюджетидан сўндириладиган қарзлар (кредитлар) ҳисобидан амалга оширилган лойиҳалар бўйича қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи тўловлари билан боғлиқ харажатлар **129,9 млрд.сўм.**

3.4. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2022 йил учун прогнози ва 2023–2024 йиллар учун мўлжаллари

I. 2022 йилдан давлат мақсадли жамғармалари рўйхати таркибига 5 та жамғарма киритилиб, келгуси йилда мазкур 23 та давлат мақсадли жамғармалари даромадлари тушуми (трансфертларсиз) **31,9 трлн. сўм**ни, харажатлари **58,7 трлн. сўм**ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

30-жадвал

2022 йил учун Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари

(млн. сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	Йил бошига қолдиқ	2022 йил прогноз					Йил охирига қолдиқ
			Даромадлар прогнози	Давлат бюджетидан трансфертлар	ЎзРТТЖ маблағлари	Харажатлар	Давлат бюджетига трансфертлар	
I	**ЖАМИ — Давлат мақсадли жамғармалари**	**6 125 674,5**	**31 923 860,2**	**25 885 127,3**	**566 000,0**	**58 730 063,8**	**500 000,0**	**5 270 598,2**
1	Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси	1 200,0	0,0	170 000,0		170 000,0		1 200,0
2	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма	0,0	0,0	500 000,0		500 000,0		0,0
3	Пенсия жамғармаси	4 099 829,0	29 086 500,0	14 000 000,0		43 936 329,0		3 250 000,0
4	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	7 985,2	272 063,0	940 000,0		1 212 063,0		7 985,2
5	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	103 283,0	59 000,0	0,0		61 300,0		100 983,0
6	Жамоат ишлари жамғармаси	154,3	11 720,0	300 000,0		310 000,0		1 874,3
7	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	2 160,0	54 000,0	150 000,0		204 160,0		2 000,0
8	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	213 154,0	30 000,0	50 000,0		259 504,0		33 650,0
9	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси	0,0	86 040,0	0,0	0,0	86 040,0		0,0
10	Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	240,0	550,0	0,0		550,0		240,0
11	Республика мақсадли китоб жамғармаси	249 705,0	299 374,0	605 000,0		1 154 079,0		0,0
12	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	790 000,0	215 000,0	500 000,0	0,0	1 205 000,0		300 000,0
13	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	216 400,0	928 550,0	0,0	0,0	928 550,0		216 400,0
14	Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	7 330,0	13 000,0			20 330,0		0,0
15	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси	361 000,0	239 704,4			280 267,7		320 436,7
16	Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	42 144,0	154 000,0	91 000,0		253 405,0		33 739,0
17	Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	28 500,0	558 898,8	0,0		87 398,8	500 000,0	0,0
18	Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	2 590,0	1 500,0	0,0		2 000,0		2 090,0
19	Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси		0,0	1 121 808,3		1 121 808,3		0,0
20	Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси		0,0	1 000 000,0		0,0		1 000 000,0
21	Автомобиль йўлларини ривожлантириш мақсадли жамғармаси		0,0	4 820 400,0	566 000,0	5 386 400,0		0,0
22	Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармаси		0,0	1 000 000,0		1 000 000,0		0,0
23	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси			636 919,0		636 919,0		0,0
II.	**Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси**		**8 495 311,8**			**7 727 082,0**		

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчилликка йўл қўймасдан ишлаб чиқиш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошидаги **6,1 трлн. сўм**лик қолдиқ маблағлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

Давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун қуйидаги йўналишларга Давлат бюджетидан **25,9 трлн. сўм** ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан **0,6 трлн.сўм** миқдорида мақсадли трансфертлар ажратилиши кўзда тутилмоқда:

- стипендиатларни хориждаги нуфузли таълим муассасаларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этиш, хорижий олим ва мутахассисларни, шу жумладан ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш учун 170,0 млрд. сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурлар, топшириқлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш учун 500,0 млрд. сўм;

- пенсионерлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида молиялаштириш учун 14 000,0 млрд. сўм;

- аҳоли бандлик даражасини ошириш учун 940,0 млрд. сўм;

- жамоат ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун 300,0 млрд. сўм;

- боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини барқарор ривожлантиришни таъминлашга қаратилган мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш учун 150,0 млрд. сўм;

- техник навли узумзорлар ва виночилик соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган комплекс мақсадли дастурларини амалга ошириш учун 50,0 млрд. сўм;

- умумий ўрта таълим муассасаларига нашр ва қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни харид қилиш ва етказиб беришни молиялаштириш учун 605,0 млрд. сўм;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, уларнинг белгиланган мезонларга мос келадиган тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга кафолатлар ва кафилликлар ҳамда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга компенсациялар тақдим этиш учун 500,0 млрд сўм;

- хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишда имтиёзли кредитлар бериш учун 91,0 млрд. сўм;

- соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги модели ва давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳаси доирасида Давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам доирасида тиббий

хизматларни давлат ва хусусий тиббиёт ташкилотларидан харид қилиш учун 1 121,3 млрд сўм;

- таълим кредитлари бўйича тижорат банкларини молиявий ресурслар билан таъминлаш учун 1 000,0 млрд сўм;

- лойиҳалаш ва йўл-қурилиш ишларини, шунингдек, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштириш учун 5 386,4 млрд сўм;

- сув таъминоти ва канализация тизимларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича ишларни молиялаштириш учун 1 000,0 млрд сўм;

- илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш учун 636,9 млрд сўм.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича **“Эл-юрт умиди” жамғармаси**га Давлат бюджетидан **170,0 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилмоқда.

Харажатлари ҳам жамғарма даромадларига мутаносиб равишда **170,0 млрд. сўм**га прогноз қилинмоқда. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга сарфланиши кўзда тутилмоқда:

- жамғарма стипендиатларини хориждаги нуфузли таълим муассасаларда таълим олишини ва стажировкадан ўтишини ташкил этишга 161,0 млрд. сўм;

- жамғарманинг жорий таъминоти, шу жумладан ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга 6,0 млрд. сўм.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги **Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармасига** 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармаси маблағларининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, яъни республика бюджетидан 500,0 млрд сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.

Жамғарма ўз фаолиятини тўлиқлигича Давлат бюджетидан ажратиладиган трансфертлар ҳисобидан амалга оширилишини инобатга олган ҳолда жамғарманинг келгуси йилги харажатлари ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилиши прогноз қилинмоқда.

3. Келгуси йилда ижтимоий солиқ ставкалари бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз, бошқа солиқ тўловчилари учун 12 фоиз миқдорида сақланиб қолиниши кўзда тутилган.

Таклиф этилаётган чора-тадбирлар натижасида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Пенсия жамғармаси**нинг 2022 йилдаги даромадлари прогнози **29,1 трлн. сўм**ни, харажатлари эса **43,9 трлн. сўм**ни ташкил этади.

2022 йилда пенсия ва нафақа тўловлари олувчи фуқаролар сони **3,8 млн. нафардан** ошиши кутилмоқда.

Жамғарма тақчиллигини қоплаш (йил бошига қолдиқлар билан) ва пенсионерлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида молиялаштириш учун Давлат бюджетидан кейинги йилда **14,0 трлн. сўм** миқдорида трансферт ажратилиши кутилмоқда.

2023–2024 прогноз йилларда пенсия тизими тақчиллиги ошиши кутилаётган бўлиб, республика бюджетидан тегишлича 15,3 трлн. сўм ва 16,3 трлн. сўм миқдорида трансферт ажратилиши назарда тутилган.

Мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда келгусида пенсия миқдорлари етарлилигини таъминлаш мақсадида 2022-2030 йилларга мўлжалланган Пенсия тизимини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилади ва унда тизимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгиланади.

2022 йил 1 июлдан бошлаб пенсияларни фуқаролар томонидан биргина паспорт билан мурожаат қилиш орқали тайинлаш тизими жорий этилади.

4. 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси** тушумлари **272,1 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Жамғарманинг асосий тушум манбаси иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатларидан 150,0 млрд. сўм миқдоридаги мажбурий ажратмалар ҳисобланади.

Жамғармага келгуси йилда аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шароитларни яратишда давлат органларининг иш самарадорлигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш бўйича дастурларни мақсадли молиялаштиришга республика бюджетидан **940,0 млрд. сўм** миқдоридаги мақсадли трансфертлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Жамғарманинг харажатлари эса **1 212,1 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишсизлик нафақаларини тўлаш, субсидиялар тақдим этиш, бандликка кўмаклашиш марказларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтирилиши кутилмоқда.

5. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги **Жамоат ишлари жамғармаси**нинг тушумлари **11,7 млрд сўм**ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, жамоат ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **300,0 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Жамғарманинг харажатлари эса йил бошидаги қолдиқни ҳисобга олган ҳолда **310,0 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда. Шундан, жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳақи тўловларига

286,4 млрд. сўм, жамоат ишларида, жумладан уларни ижара асосида бериш йўли билан фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни харид қилишга 7,4 млрд. сўм, жамоат ишларини бажариш учун хавфсизлик техникаси ва махсус кийим харид қилишга 5,0 млрд. сўм ҳамда жамғармани сақлаш харажатларига 2,5 млрд. сўм сарфланиши кутилмоқда.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлигининг **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси**нинг 2022 йилги тушумлари **54,0 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, жамғармага Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан **150,0 млрд сўм** миқдоридаги мақсадли трансфертлар ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарманинг харажатлари эса жамғарма даромадларига мутаносиб равишда **204,2 млрд. сўм**га прогноз қилинмоқда. Шундан, қуйидаги йўналишларга 196,9 млрд сўм миқдлоридаги субсидиялар тақдим этиш кўзда тутилган:

- янги интенсив боғ ва токзорларда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилишга 78,9 млрд сўм;

- сув чиқариш учун бурғиланган қудуқни, шунингдек дарёлар (канал ва бошқа сув ҳавзалари)дан сувни тортиш учун насос станциясини қуришга 107,7 млрд сўм;

- “in-vitro” усулида етиштирилган ҳар бир дона хўраки, кишмишбоп ток кўчати ва пайвандтагли ток кўчатини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплашга 6,8 млрд сўм;

- майиз қуритиш ва қадоқлаш линияларини харид қилиш харажатларининu бир қисмини қоплашга 3,4 млрд сўм.

Шунингдек, Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини рағбатлантиришга 7,2 млрд сўм йўналтириш режалаштирилган.

7. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг **Виночиликни ривожлантириш жамғармаси**нинг келгуси йил учун тушумлари **30,0 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, жамғармага 2022 йилда **республика бюджетидан 50,0 млдр. сўм** миқдоридаги мақсадли трансфертлар ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарманинг харажатлари эса йил бошига қолдиқ ҳисобига **259,5 млрд. сўм**ни ташкил этиши, шундан 50,0 млрд. сўм техник навли узумзорлар ва виночилик соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлашга қаратилган комплекс мақсадли дастурларини амалга оширишга ва 50,0 млрд сўм

техник навли узум плантацияларини яратиш ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қарз бериш ҳамда тижорат банкларида очиладиган кредит линиялари бўйича ресурслар жойлаштиришга ҳамда 100,0 млрд. сўм субсидиялар тақдим этишга йўналтириш кўзда тутилган.

Жамғарма томонидан субсидиялар:

- техник навли узум плантацияларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этишга;

- сув чиқариш учун бурғиланган қудуқни, шунингдек дарёлар (канал ва бошқа сув ҳавзалари)дан сувни тортиш учун насос станциясини қуришга;

- интенсив ёки «in-vitro» усулида етиштирилган ҳар бир дона техник навли ток кўчати ва пайвандтагли ток кўчатини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплашга;

- виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплашга ажратилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Республика мақсадли китоб жамғармаси**нинг 2022 йилги тушумлари **299,4 млрд. сўм**ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Жамғарма даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаси дарсликлар бўйича ижара тўловларидан 283,4 млрд. сўм, кейинчалик фойдаланишга яроқсиз бўлган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни утилизация қилишдан тушган тушумлардан 10,5 млрд. сўм ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан 1-синф ўқувчиларини, “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчиларини, жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатларнинг ўқувчиларини, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчиларни ҳамда ўқитувчиларни умумтаълим фанларидан дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар билан бепул таъминлаш мақсадида **605,0 млрд сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарманинг 2022 йилги кутилаётган харажатлари эса йил бошига қолдиқ ҳисобига **1 154,1 млрд. сўм**ни ташкил этади. Шундан, Давлат бюджетидан мақсадли ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 27 919 минг нусха дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар ҳамда жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан 42 592 минг нусха дарсликлар нашр этилиши режалаширилган.

Шунингдек, жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан жамғарма Ижро этувчи дирекциясини сақлаш харажатларига 6,1 млрд. сўм маблағ сарфланиши кутилмоқда.

9. Ўзбекистон Республикаси **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси**нинг 2022 йилги даромадлари 215,0 млрд сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга жамғармага Давлат бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш мақсадида компенсациялар ва кафилликлар беришга 500,0 млрд. сўм ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарма харажатлари эса йил бошига қолдиқ маблағлар билан бирга **1 205,0 млрд. сўм**ни ташкил этиб, шундан тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафолатлар билан боғлиқ тўловларни тўлашга 20 млрд. сўм, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини бир қисмини қоплаш учун компенсациялар беришга 1 135,4 млрд. сўм ва жамғармани сақлаш харажатларига 17,9 млрд. сўм йўналтириш кутилмоқда.

10. 2022 йилда **Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси**нинг тушумлари тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиш учун берилган ресурслардан ҳисобланган фоизлар эвазига **154,0 млрд. сўм**ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Шунингдек, жамғармага Давлат бюджетидан 91,0 млрд. сўм миқдоридаги трансферт ажратилиши кўзда тутилган.

Жамғарманинг харажатлари эса йил бошига қолдиқ маблағлар билан бирга **253,4 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда. Жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидаги харажатларни амалга ошириш режалаштирилган:

- тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун тижорат банкларида очиладиган кредит линиялари бўйича ресурслар жойлаштиришга 100,0 млрд сўм;

- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни турар-жой билан таъминлашда бошланғич бадалини тўлаб беришга 40,0 млрд сўм;

- оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни моддий қўллаб-қувватлашга 38,3 млрд сўм.

Шу билан бирга, жамғарманинг Ижро этувчи дирекциясини сақлаш билан боғлиқ харажатларга 7,7 млрд сўм ажратиш кўзда тутилган.

II. 2022 йилда **Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси** даромадлари **8,5 трлн. сўм**ни, харажатлари эса **7,7 трлн. сўм**ни ташкил этилиши прогноз қилинмоқда.

Жамғарманинг 2023–2024 йиллардаги даромадлари ва харажатлари балансланган ҳолда тегишинча 11,3 трлн сўм ва 12,4 трлн сўмни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

IV. Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ҳамда бюджет самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш

4.1. Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида “Фискал қоидалар”ни ишлаб чиқиш.

2020 йилдан бошлаб макроиқтисодий ва Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажмларини белгилаш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа экспертлар тавсияларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ялпи ички маҳсулотга нисбатан **60 фоиздан ошмаслиги** белгиланди.

Бундан ташқари, ушбу қонун билан **2021 йил учун**:

Ўзбекистон Республикаси номидан ва унинг кафолати остида ички ва ташқи қарзларни жалб қилиш бўйича йиллик имзоланадиган янги битимларнинг чекланган соф ҳажми **5,5 млрд. АҚШ доллари;**

Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг **5,5 фоизи** миқдорида белгиланди.

Юқоридагилар билан бир қаторда Молия вазирлиги томонидан Халқаро валюта жамғармаси экспертлари билан биргаликда Ўзбекистон қонунчилигига “**Фискал қоидалар**”ни жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, жорий йил бошида Халқаро валюта жамғармасининг бюджет барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган фискал қоидаларни ишлаб чиқиш бўйича техник кўмаги жалб қилинди.

Фискал қоидалар *– давлат молияси ҳолатини, яъни Давлат бюджети тақчиллиги, давлат қарзи, янги қарзлар, давлат харажатлари ва даромадларини тавсифловчи миқдорий мақсадли мўлжаллар ва фискал индикаторлар орқали ифодаланадиган солиқ-бюджет сиёсатининг узоқ муддатли чекловлари.*

Фискал қоидаларни жорий этиш орқали қуйидаги мақсадларга эришиш мумкин:

макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;

Ҳукумат томонидан олиб борилаётган фискал сиёсатнинг самарадорлигини ошириш;

фискал сиёсатнинг узоқ муддатли барқарорлигини (баланслилиги) таъминлаш.

Жамғарманинг техник кўмаги доирасида экспертлар қоидаларни жорий этиш бўйича ўз тавсияларини бериб, 2021 йилда Ўзбекистонда давлат қарзига юқори чегарасига қўйилган ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоизлик чекловни ижобий баҳолади.

Халқаро валюта жамғармаси ҳисоботига кўра ҳозирги кунда фискал қоидалар дунёнинг **96 дан ортиқ** давлатида қабул қилинган бўлиб, пандемия даврида давлат қарзининг ва бюджет тақчиллигининг кескин ошиши туфайли Давлат бюджети барқарорлигини таъминлашда фискал қоидаларни жорий қилиш ўта долзарблиги кўринган.

Шунингдек, жамғарма экспертлари томонидан Ўзбекистон учун қуйидаги тўрт тоифадаги операцион қоидаларни жорий этиш имкониятлари ўрганиб чиқилди:

1. **Даромадлар бўйича** (солиқ тушумларининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан энг пастги ёки энг юқори чегарасини белгилаш) қоида – солиқ ислоҳотлари, таркибий ўзгаришлар ва солиқ базасининг қайта кўриб чиқилиши давом этаётганлиги боис экспертлар томонидан тавсия этилмайди.

2. **Харажатлар бўйича** (харажатлар ўсиш суръатининг энг юқори миқдорларини ёки харажатларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан энг юқори чегарасини белгилаш) қоида – иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар давом этаётган Ҳукуматнинг харажатлар бўйича мажбуриятлари тез-тез ўзгариб туриши сабабли экспертлар томонидан ҳозирги босқичда тавсия этилмайди.

3. **Хомашё маҳсулотларидан тушумлар бўйича** (“барқарор” даврларда хомашё маҳсулотларидан тушадиган “ортиқча” даромадларни иқтисод қилиш ҳисобига даромадлар ўзгарувчанлигини пасайтириш ҳамда иқтисод қилинган маблағларни “нобарқарор” даврларда бюджет харажатларини молиялаштириш учун ишлатиш, яъни барқарорлик захира жамғармасини ташкил этиш) қоидалар.

4. **Бюджет баланси** (бюджет тақчиллигининг (профицити) ялпи ички маҳсулотга нисбатан йўл қўйиладиган энг юқори чегарасини белгилаш) қоидаси – экспертлар баҳолашича **Ўзбекистон учун энг маъқул** келадиган қоида ҳисобланади.

Экспертлар фикрича ушбу қоидани жорий этиш қуйидагиларни таъминлайди:

1. Давлат қарзи динамикасига узвий боғлиқ. Бюджет тақчиллиги давлат қарзи кўпайишидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бунда мазкур қоида жами консолидациялашган бюджет тақчиллигига қўлланилиши лозим.

2. Тузилмавий шокларга барқарорлиги. Агарда бюджетнинг қўшимча харажатлари қўшимча даромадлар ҳисобидан қопланган тақдирда мазкур қоида тузилмавий шокларга барқарор ҳисобланади.

3. Шаффофлиги. Бюджет сальдоси (тақчиллиги) одатда кенг ёритилади ҳамда бошқа давлатлар билан солиштирилиб борилади.


Халқаро валюта жамғармасининг миссияси давомида экспертлар томонидан берилган тавсияларни инобатга олган ҳолда ҳамда халқаро тажрибалардан келиб чиқиб, “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан давлат қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоизлик юқори чегарасини сақлаб қолган ҳолда 2023 йилдан Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети тақчиллигининг (умумий фискал тақчиллик) энг юқори чегарасини ялпи ички маҳсулотга нисбатан **3,0 фоиз** миқдорида белгилашни назарда тутувчи операцион фискал қоидани жорий этиш таклиф этилади.

Халқаро тажрибадан қўриш мумкинки фискал қоидалар асосан давлат қарзи ва бюджет тақчиллиги ҳажмларини чеклашга қўлланилади. Давлат қарзининг юқори чегарасини белгилашни назарда тутувчи фискал қоидаларни қабул қилган давлатларнинг 80 фоизидан ортиғи бюджет баланси қоидасини ҳам қабул қилган.

Фискал қоидаларни қабул қилган давлатлар гуруҳлари бўйича ҳамда давлат қарзига чеклов қўювчи давлатлар сони ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан чекловлар миқдорлари тўғрисида қуйидаги расмларда келтирилмоқда.

20-расм

Фискал қоидалар қабул қилган давлат гуруҳлари



Манба: Халқаро валюта жамғармаси маълумотлар базаси
Изоҳ: Расмларда энг камида битта фискал қоида мавжуд давлатлар кўрсатилган

Солиқ-бюджет сиёсатидаги асосий хавф-хатарлар

1. <u>Давлат бюджети даромадларига нархлар ва валюта алмашинув курсининг таъсири.</u>

Табиий газнинг жаҳон бозорида нархи 10 АҚШ доллари/1000 м^3 камайиши (йилига 13 млрд. м^3) 135 млрд.сўм, олтиннинг (1 унция) ҳамда мис нархи 100 АҚШ долларига камайиши (дивидендсиз) – 1,9 трлн.сўм бюджет тушумини пасайтиради.

Валюта курсининг йилига 100 сўмга мустаҳкамланиши (заифлашиши) Давлат бюджети даромадларининг 600 млрд. сўм атрофида камайишига (ошишига), импорт пасайиши ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ошиши ҳисобига тўлов балансининг мустаҳкамланишига олиб келади.

Шунингдек, инфляция бюджет тушумларига асосан фойда солиғи, айланмадан олинадиган солиқ ва қўшилган қиймат солиғининг солиққа тортиш базаси ўзгариши ҳисобига таъсир кўрсатади.

2. Давлат бюджети харажатларига нархлар таъсири.

Иш ҳақи миқдорининг 1 фоизга оширилиши йилига 900 млрд.сўм атрофида, пенсия миқдорининг 1 фоизга оширилиши эса 400 млрд.сўмдан ортиқ бюджетдан қўшимча маблағ талаб этади. Бундан ташқари:

валюта курсининг йил давомида ўртача 100 сўмга ўзгариши 150 млрд.сўм атрофида;

бюджет ташкилотлари учун электр энергия нархини 10 фоизга оширилиши натижасида 500 млрд.сўмдан ортиқ;

бюджет ташкилотлари учун совуқ сув ва канализация учун тўловлар нархини 10 фоизга оширилиши натижасида 15 млрд.сўм атрофида;

бюджет ташкилотлари учун табиий газ нархини 10 фоизга оширилиши натижасида 30 млрд.сўм атрофида;

бюджет ташкилотлари учун иссиқлик энергияси ва иссиқ сув нархини 10 фоизга оширилиши натижасида 20 млрд.сўм атрофида харажатларнинг ошишига олиб келиши мумкин.

4.2. Давлат бюджети харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаш

2020 – 2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясига асосан солиқ-бюджет сиёсатига стратегик ёндашувни татбиқ этиш мақсадида ўрта муддатли бюджет асосларини ишлаб чиқиш ҳамда йиллик бюджетни шакллантиришнинг янги **“Натижага йўналтирилган бюджет”** тизимини жорий этиш белгиланди.

Давлат сиёсатининг ўрта ва узоқ муддатли мақсадларини қўллаб-қувватлаш ва унга эришиш талабларига жавоб берадиган самарали давлат молиясини бошқариш тизимини яратиш мақсадида “молия йили давомида молиявий ресурсларнинг етарлилигини баҳолаш” тамойилидан “қабул қилинаётган сиёсий қарорларнинг ўрта ва узоқ муддатли оқибатларини ва ажратилган бюджет маблағларининг натижадорлигини баҳолаш” тамойилига ўтишни назарда тутувчи стратегик ёндашувни солиқ-бюджет сиёсати доирасида кенг жорий этиш зарур.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 декабрдаги ПҚ-4938-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги ва Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятининг самарадорлиги индикаторлари синов тариқасида тасдиқланди.

Молия вазирлиги томонидан 2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасини шакллантириш жараёнида барча вазирлик ва идораларнинг бюджетлари харажатларининг самарадорлик индикаторларини белгилаган ҳолда мақсадли режалаштириш тизимини жорий қилиш мақсадида бир қатор халқаро экспертларни, жумладан, LINPICO SARL (Франция) консалтинг ташкилоти, Америка Ғазначилик департаменти, Осиё тараққиёт банки ва Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Бир қатор бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг навбатдаги уч йилдан кам бўлмаган давр учун амалдаги тадбирлари ҳамда ривожлантириш дастурларига талаб этиладиган маблағлар миқдори ва мақсадли индикаторлари Бюджетноманинг **5-иловасига** мувофиқ шакллантирилди.

Бунда, вазирлик ва идораларнинг ривожлантириш дастурлари учун мақсадли индикаторлар белгиланган бўлиб, Давлат бюджети ҳисобидан ривожлантириш дастурлари мавжуд бўлмаган вазирлик ва идоралар уларнинг стратегик мақсадларидан келиб чиқиб мақсадли индикаторлар белгиланган.

Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун лойиҳаси тасдиқлангунига қадар ўзгартиришлар киритилиши мумкинлигини бу эса ўз навбатида мақсадли индикаторлар белгиланишига таъсир кўрсатилишини инобатга олиб, 2022 йил Давлат бюджети қонуни қабул қилингандан сўнг вазирлик ва идораларнинг бюджет маблағлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлари мазкур қонуннинг ижросини таъминлаш бўйича қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорида акс эттирилади.

4.3. Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлашни такомиллаштириш

2021 йилда бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида **14 та** туман ва шаҳарлар **тажриба** сифатида танлаб олиниб, ушбу туманларга уларнинг жами харажатларининг 5 фоизи миқдорида Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан қўшимча **92,7 млрд сўм** маблағлар ажратилди.

Шунингдек, жорий йил июль ойидан бошлаб жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган туман ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини **10** фоиздан **30** фоизга оширилди.

Ушбу маблағларни жамлаш ва сарфланишини назорат қилиш учун барча туман ва шаҳарлар ҳокимликлари қошида **Фуқаролар ташаббуси жамғармалари** ташкил этилиб, уларда жами **292,3 млрд сўм** маблағлар шакллантирилди.

Шулар билан бир қаторда Молия вазирлиги томонидан такомиллаштирилган янги кўринишдаги “Очиқ бюджет” ахборот портали ишлаб чиқилиб, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб барча туман ва шаҳарларда жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш жараёнлари бошланди.

Фуқароларни ушбу тадбир билан яқиндан таништириш ва жамоатчиликни ташаббусли бюджет жараёнига жалб қилиш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳарларда “**мобиль**” гуруҳлар ташкил этилиб, “**маҳаллабай**” тарзда ишлар йўлга қўйилиб, фуқароларга тушунтириш ишлари олиб борилди.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида **таклифлар келиб тушган** маҳаллаларда **“Овоз бериш ярмаркалари”** ташкил этилиб, “Очиқ бюджет” ахборот порталидан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаган фуқароларга овоз беришда **амалий ёрдам кўрсатилди**.

Бунинг натижасида, “Очиқ бюджет” ахборот порталида фуқаролар томонидан **41,1** мингта таклифлар билдирилди. Келиб тушган таклифлар таҳлилига кўра, фуқароларни энг кўп қийнаб келаётган муаммолар сифатида 13 мингта (жами таклифларнинг 34 фоизи) ички йўлларни таъмирлаш, 6,8 мингта (17 фоиз) умумтаълим мактабларини таъмирлаш ва жиҳозлаш, 5,6 мингта (14 фоиз) кўчаларни ёритиш тизими, 4,4 мингта (11 фоиз) ичимлик суви таъминотини яхшилаш ва бошқа муаммоларни (болалар майдончаларини тартибга келтириш, ҳудудларни ободонлаштириш, табиий газ ва электр энергия таъминотини яхшилаш кабилар) ҳал қилиш бўйича мурожатлар келиб тушди.

Овоз бериш жараёни якунларига кўра, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 205 та туман ва шаҳарларда жами **877 та** таклифлар ғолиб деб топилган.

Бундан ташқари, жорий йилда фуқаролардан келиб тушган долзарб муаммоларни ҳал этилишига имконият яратиш ва жойларда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида ҳукумат қарорига асосан **153 та** туман ва шаҳарларга республика бюджети маблағлари хисобидан қўшимча **117,4 млрд сўм** маблағ ажратилиб, жорий йилда ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлар миқдори **409,7 млрд сўмни** ташкил этди. Бунинг натижасида, жорий йилда фуқаролар томонидан билдирилган таклифлардан **1 458 таси** ғолиб деб топилган.

Келгуси йилларда **“ташаббусли бюджетлаштириш”** тизимини янада такомиллаштириш ҳамда фуқароларни ушбу жараёнга кенг жалб қилиш бўйича қуйидагилар таклиф этилади:

1. Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган чора-тадбирлар (лойиҳалар)ни амалга оширишнинг янги механизмини жорий этиш. Бунда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга тегишли

бюджетларнинг тасдиқланган жами харажатларининг 5 фоизини молиялаштиришга йўналтиришнинг янги тартибини жорий этиш.

2. 2022 йил 1 январдан бошлаб туман ва шаҳарлар бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратиладиган маблағларнинг 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини жорий этиш.

3. Таклифларни илгари суриш ва жамоатчилик фикри асосида тадбирларни саралаш жараёнини тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, шунингдек, ташаббусли бюджетлаштиришни ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун минтақавий даражада институционал асосларини яратиш ҳамда ўқув дастурларининг комплекс тизимини яратиш.

4. Ташаббусли бюджетлаштиришни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг мувофиқлаштириш механизми ва услубий асосларини яратиш.

5. “Очиқ бюджет” портали функцияларини кенгайтириш орқали портални янада такомиллаштириш.

6. Ҳудудларни ривожлантириш давлат дастурларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ҳисобга олиш механизмини яратиш орқали давлат дастурларини ишлаб чиқишда ташаббусли бюджетлаштириш элементларини жорий этиш.

7. Ташаббусли бюджет жараёни натижаларидан келиб фуқароларнинг ушбу жараёнларга жалб этилиши даражаси бўйича ҳудудлар рейтингини жорий этиш ҳамда уни “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштириб бориш.

8. Жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантиришда фуқароларни ушбу жараёнга кенгроқ жалб қилиш мақсадида ҳар бир маҳалла ва овулда “мобил” гуруҳлар ҳамда “ташаббускорлар бурчаги”ни ташкил этиш.

4.4. Давлат қарзини бошқариш сиёсати


2021 йилнинг якунига қадар жами давлат қарзи **28,2 млрд. АҚШ доллари** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан **41,8 фоизни** ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Шундан, давлат ташқи қарзи 25,5 млрд. долларни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 37,8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Давлат қарзининг ўсиш суръатларига қарамасдан макроиқтисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада сақланиб қолмоқда.

Шунингдек, Халқаро валюта жамғармасининг 2021 йилнинг апрель ойидаги ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг давлат ташқи қарзи билан боғлиқ хатарлар паст даражада қайд этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси давлат қарзига хизмат кўрсатиш салоҳияти “кучли” деб баҳоланган.

21-расм

Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси
(йил охирига)



2022 йил охиригача Давлат қарзи 33,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида прогноз қилинмоқда. Шундан 23,5 млрд. АҚШ доллари Ўзбекистон номидан жалб қилинган ва 6,9 млрд. АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси кафолатлаган ташқи қарзи ҳисобланади.

2022 йилда давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш (асосий қарз ва фоиз) харажатлари 1,9 млрд. АҚШ доллари миқдорида, жумладан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 0,7 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш прогноз қилинмоқда.


31-жадвал

Давлат ташқи қарзи динамикаси (йил охирига, млрд АҚШ доллар)

	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й	2024 й
Давлат ташқи қарзи битимлари қийматининг прогнози	**5,4**	**5,0**	**4,5**	**4,0**	**4,0**
Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларининг кредитлари	2,9	3,3	2,5	2,0	2,0
Суверен халқаро облигациялари	0,8	0,9	1,0	1,0	1,0
Ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш кредитлари (DPO)	1,7	0,8	1,0	1,0	1,0
Давлат ташқи қарзи бўйича ўзлаштиришнинг прогнози	**5,8**	**5,3**	**6,3**	**4,2**	**4,1**
Халқаро молиявий институтлар ва хорижий ҳукуматлар молия ташкилотларининг кредитлари ва давлат кафолатлари	3,3	3,6	4,3	2,2	2,1
Суверен халқаро облигациялари	0,7	0,9	1,0	1,0	1,0
Ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш кредитлари (DPO)	1,8	0,8	1,0	1,0	1,0
Давлат ташқи қарзи	**21,1**	**25,5**	**30,4**	**33,0**	**34,7**
Ҳукумат ташқи қарзи	15,1	18,7	23,5	26,2	27,7
Ҳукумат кафолатлаган ташқи қарз	6,0	6,8	6,9	6,8	7,0

22-расм

Давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари




Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида 2020 йилдан бошлаб жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи миқдорларини **қонуний чегаралаш амалиёти** йўлга қўйилди:

2020 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан давлат ташқи қарзни жалб этиш бўйича шартномаларнинг чекланган ҳажми **(5,5 млрд. АҚШ доллари)**;

2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги қонун билан **давлат қарзининг хавфсиз даражаси** (ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоиз) ва давлат ташқи ва **ички қарзини** жалб қилиш бўйича йиллик лимитлар (5,5 млрд. АҚШ доллари, шундан давлат ички қарзи – 5 трлн. сўм) белгиланди;

Давлат қарзини ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузурида Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича Кафолат жамғармаси ташкил этилди.

23-расм



Давлат қарзини самарали бошқариш мақсадида қуйидаги вазифалар амалга оширилиши назарда тутилмоқда:

давлат қарзи ҳажмини мақбул даражада сақлаб туриш;

давлат қарзи бўйича маълумотларнинг янада очиқлиги кенгайтириш ва халқаро стандартларига мослигини доимий таъминлаб бориш;

давлат қарзини диверсификациялаш ва валюта хатарларини пасайтириш;

жаҳон молия бозорларида миллий валютада чиқариладиган суверен халқаро облигациялар улушини ошириб бориш ҳамда давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш;

давлат қарзига кафолатли хизмат кўрсатиш ҳамда давлатнинг фискал барқарорлигини таъминлашни назарда тутган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш таклифларини ишлаб чиқиш.

Мамлакатимизнинг жаҳон молия тизимига жадал интеграциялашуви шароитларида давлат қарзини самарали бошқариш ўрта ва узоқ муддатли истиқболда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Бюджетномага
1-илова

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар	2020 йил ижро	2021 йил кутилаёт-ган	2022 йил – прогноз	2023 йил – мўлжал	2024 йил – мўлжал
1.	**Ялпи ички маҳсулот, млрд сўм**	**602 551**	**722 830**	**839 989**	**972 701**	**1 126 753**
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	101,7	107,0	106,0	106,2	106,6
	ялпи ички маҳсулот дефлятори, фоизда	111,9	112,1	109,7	109,1	108,7
	млн. АҚШ долл. эквивалентида	***59 921***	***67 871***	***74 198***	***81 057***	***88 580***
	аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, АҚШ долл.	*1 750*	*1 955*	*2 105*	*2 262*	*2 429*
1.1.	**Саноат, млрд сўм**	**152 728**	**185 748**	**217 683**	**256 491**	**305 571**
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	100,7	109,5	107,0	108,0	109,6
1.2.	**Қурилиш**	**37 489**	**44 587**	**52 516**	**61 226**	**71 707**
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	109,2	106,0	108,1	108,0	108,3
1.3.	**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари**	**151 251**	**183 885**	**207 898**	**233 823**	**262 218**
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	103,0	104,0	103,3	103,5	103,6
1.4.	**Хизматлар**	**216 712**	**255 786**	**300 351**	**349 776**	**404 524**
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	100,5	107,8	106,5	106,4	106,0
2.	**Ташқи савдо айланмаси, млн.долл.**	**36 299**	**41 897**	**46 577**	**51 453**	**56 949**
	ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	60,6	61,7	62,8	63,5	64,3
2.1.	**Экспорт, млн.долл.**	**15 128**	**18 046**	**20 460**	**22 594**	**25 002**
	ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	25,2	26,6	27,6	27,9	28,2
2.2.	**Импорт, млн.долл.**	**21 172**	**23 851**	**26 117**	**28 859**	**31 947**
	ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда	35,3	35,1	35,2	35,6	36,1
2.3.	**Ташқи савдо айланма сальдоси, млн.долл.**	**-6 044**	**-5 805**	**-5 656**	**-6 265**	**-6 945**
3.	**Инфляция,** ҳисобот даври охирига, фоизда	**11,1**	**10,0**	**9,0**	**5,0**	**5,0**
4.	**Йиллик ўртача алмашув курси, сум./долл.**	**10 056**	**10 650**	**11 321**	**12 000**	**12 720**
5.	**Ўртача аҳоли сони, минг киши**	**34 232**	**34 721**	**35 248**	**35 831**	**36 462**

Бюджетномага
2-илова

2021–2022 йиллар Давлат бюджети даромадлари

млрд.сўм

Кўрсаткичлар	2021 йил – кутилаётган		2022 йил – прогноз	
	сумма	ЯИМга нисбатан, *фоизда*	сумма	ЯИМга нисбатан, *фоизда*
ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ	**722 830**		**839 989**	
I. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ДАРОМАДЛАРИ	**170 908**	**23,6**	**200 000**	**23,8**
шундан:				
1. Бевосита солиқлар – жами	**58 961**	**8,2**	**68 511**	**7,8**
1.1 Фойда солиғи	38 709	5,4	43 738	4,9
1.2 Айланмадан олинадиган солиқ	1 758	0,2	2 728	0,3
1.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	18 494	2,6	22 045	2,6
2. Билвосита солиқлар – жами	**57 925**	**8,0**	**73 165**	**8,6**
2.1 Қўшилган қиймат солиғи	40 294	5,6	53 300	6,3
2.2 Акциз солиғи	12 917	1,8	15 038	1,7
2.3 Божхона божи	4 713	0,7	4 827	0,6
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	**22 607**	**3,1**	**25 690**	**2,9**
3.1 Мол-мулк солиғи	2 548	0,4	3 218	0,3
3.2 Ер солиғи	3 617	0,5	4 120	0,5
3.3 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15 754	2,2	17 353	2,0
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	688	0,1	1 000	0,1
4. Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар	**35 276**	**3,8**	**32 634**	**3,6**
II. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ (ТРАНСФЕРТЛАРСИЗ)	**28 603**	**4,0**	**31 424**	**3,7**
III. ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ ДАРОМАДЛАРИ	**6 596**	**0,9**	**8 495**	**1,0**
IV. БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ДАРОМАДЛАРИ	**-**	**-**	**14 651**	**1,7**
КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ, ЖАМИ	**206 107**	**28,5**	**254 571**	**30,3**

Изоҳ: Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадлари маълумот учун кўрсатилган

Бюджетномага
3-илова

2021–2024 йиллар учун Давлат бюджети харажатлари

Кўрсаткичлар	2021 йил – кутилаётган		2022 йил – прогноз	
	сумма	ЯИМга нисбатан, фоизда	сумма	ЯИМга нисбатан, фоизда
ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ	**722 830**		**839 989**	
ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ	**190 793**	**26,4**	**214 800**	**25,6**
1. Ижтимоий соҳа харажатлари	**99 034**	**13,7**	**105 503**	**12,6**
шу жумладан:				
1.1 Таълим	40 389	5,6	46 936	5,6
1.2 Соғлиқни сақлаш	23 050	3,2	22 828	2,7
1.3 Маданият	1 737	0,2	1 822	0,2
1.4 Спорт	1 323	0,2	1 603	0,2
1.5 Фан	1 160	0,2	1 497	0,2
1.6 Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	9 890	1,4	12 985	1,5
1.7 Пенсия жамғармасига трансфертлар	12 874	1,8	14 000	1,7
1.8 Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларини молиялаштириш учун харажатлар	1 520	0,2	1 760	0,2
2. Иқтисодиёт харажатлари	**19 421**	**2,7**	**24 261**	**2,9**
шу жумладан:				
2.1 Сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	5 791	0,8	4 723	0,6
2.2 Геологик қидирув ишлари	1 048	0,1	1 000	0,1
2.3 Аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш	4 081	0,6	2 863	0,3
3. Ривожлантириш дастурлари	**32 195**	**4,5**	**28 343**	**3,4**
3.1. Марказлашган инвестиция харажатлари	31 786	4,4	23 790	2,8
3.3. Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун харажатлар			3 000	0,4
3.4. Ташаббусли бюджетлаштириш харажатлари	410	0,1	1 553	0,2
4. Давлат бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органларини сақлаш харажатлари	**8 246**	**1,1**	**9 109**	**1,1**
5. Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш ҳамда Давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари	**1 075**	**0,1**	**1 412**	**0,2**
6. Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	**1 451**	**0,2**	**1 758**	**0,2**
7. Иш ҳақи ва коммунал хизматлар тарифларини ошириш харажатлари			**11 381**	**1,4**
8. Давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари	**2 694**	**0,4**	**4 098**	**0,5**
9. Бошқа харажатлар	**26 677**	**3,7**	**28 936**	**3,4**

Бюджетномага
4-илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига асосан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилиши кўзда тутилган

Давлат дастурлари ва тадбирлар

млрд сўм

Т/р	Давлат дастурлари ва тадбирлар номи	2021 йил учун ажратил-ган	2022 йил учун прогноз
	Давлат дастурлари, тадбирлари ва бошқа йирик харажатлар - жами	**39 595,4**	**59 348,3**
	Давлат дастурлари ва тадбирлар бўйича жами	**20 997,1**	**38 118,7**
1	**Таълим бўйича жами**	**1 936,7**	**5 417,1**
1.1.	**Мактабгача таълими соҳаси бўйича**	**1 098,2**	**1 747,3**
	Бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлов тадбирлари учун харажатлар	57,7	106,8
	Нодавлат мактабгача таълим муассасаларига Давлат бюджетидан субсидиялар	930,5	1 500,0
	Мактабгача таълим ташкилотларини санитария-гигиена воситалари таъминлаш харажатлари		25,0
	Мактабгача таълим вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғарма маблағларини шакллантириш	110,0	115,5
1.2.	**Халқ таълими соҳаси бўйича**	**246,2**	**1 524,5**
	Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бошлангич синф ўқувчиларини бир марталик овқатлантириш харажатлари		200,0
	Умумий ўрта таълим муассасаларида дарсликларни янгилаш билан боғлиқ харажатлар учун	133,4	605,0
	Шаҳар ва туман Халқ таълими бўлимлари ходимларини рағбатлантириш жамғармалари маблағларини шакллантириш	50,0	160,0
	Умумтаълим мактабларини кенг полосали Интернет тармоғига улаш	98,0	152,0
	Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши натижаларга эришган мактабларни рағбатлантириш харажатлари		100,0
	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш	30,0	60,0
	Кам таъминланган оила фарзандлари учун қишки кийим бош билан таъминлаш	68,2	72,5
	Ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган PISA (The Programme for International Student Assessment) умумтаълим мактабларида таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш харажатлари		25,0
	Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғарма маблағларини шакллантириш	146,1	150,0
1.3.	**Олий ва ўрта таълим соҳаси бўйича**	**592,4**	**2 145,4**
	Олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш квоталарини ошириш харажатлари	64,4	535,7
	Шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити учун давлат бюджетидан тижорат банкларига мақсадли ресурслар ажратиш харажатлари	300,0	1 000,0
	Давлат хусусий-шериклик асосида олий таълим муассасалари талабалари учун ётоқхоналар қуриш ва жихозлаш харажатларининг бир қисми учун субсидиялар		28,8
	"Эл-юрт умиди" жамғармаси маблағларини шакллантириш	142,5	170,0
	Ёшлар бандлигига кўмаклашиш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича тадбирлари харажатлари		50,0

Т/р	Давлат дастурлари ва тадбирлар номи	2021 йил учун ажратил-ган	2022 йил учун прогноз
	Қурилиш мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш Касбий таълим марказлари сақлаш харажатлари		76,1
	Ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ижара асосида яшаётган давлат олий таълим муассасалари талабаларининг ижара харажтларини бир қисмини қоплаб бериш маблағлари	72,2	120,4
	«Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга амалиёт ўтаган вақтида базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик субсидиялар	13,3	14,6
	Олий таълим муассасалари талабалари учун ётоқхоналар қуриш қийматининг 30 фоизи учун давлат бюджетидан субсидия ажаратиш харажатлари		149,8
2	**Фан (илмий-тадқиқот муассасалар) соҳаси бўйича**	**367,6**	**1 090,5**
	Таянч докторантура ва докторантурада илмий даражали кадрлар тайёрлаш квотасини магистратура қабул квотасининг камида 30 фоизигача ошириш харажатлари	267,6	453,6
	Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	100,0	636,9
3	**Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича**	**5 944,1**	**4 435,7**
	Коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирлари харажатлари	4 266,5	1 700,0
	Оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда 2021-2022 йилларда 5 нафардан иборат бўлган “тиббиёт бригадалари”ни (терапия, педиатрия, акушерлик, патронаж бўйича) йўлга қўйиш учун қўшимча 20 мингта штат бирликлари ажратиш харажатлари	237,0	451,1
	Бирламчи тиббий санитария муассасаларида дори ва тиббий буюмлар учун бириктирилган аҳоли жон бошига ажратилган маблағ миқдорини ўртача 3 бараварга ошириш харажатлари	230,1	599,1
	Онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш билан боғлиқ харажатлар	121,6	125,0
	Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларида бепул даволаниш харажатлари	199,1	279,1
	Ногиронлиги бўлган шахсларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматлар сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида		111,3
	Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари	126,0	150,0
	Болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатлар	198,6	205,0
	Шошилинч тиббий ёрдам ҳамда умумий жарроҳлик бўлимларининг умумий ўринлари сони доирасида қўшимча штат бирликларини ажратиш учун қўшимча харажатлар		130,1
	Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш харажатлари	89,3	101,6
	Гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш харажатлари	84,9	100,5
	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари	80,0	95,4
	Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзини юритиш бўйича кенг кўламли тарғибот ишларини, жумладан аҳоли ва тиббиёт ходимлари учун тарқатма материалларни тайёрлаш, шунингдек оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда чиқишларни молиялаштириш учун харажатлар	24,1	91,0
	Болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури харажатлари	39,3	58,1

Т/р	Давлат дастурлари ва тадбирлар номи	2021 йил учун ажратил-ган	2022 йил учун прогноз
	Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағларини шакллантириш	50,0	50,0
	Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш харажатлари	30,0	35,5
	Нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш	65,1	30,6
	«Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш учун харажатлар	28,0	30,0
	Оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари («К» витамин, сурфактант ва бошқалар) билан қўшимча таъминлаш харажатлари	26,0	28,6
	Эндокринологик касалликларига чалинган беморларни дори воситалари билан таъминлаш харажатлари	24,6	28,4
	Буйрак ва жигар трансплантацияси жарроҳлик амалиёти ўтказилган беморларни дори воситалари билан таъминлаш харажатлари	17,3	19,0
	Болалар ва туғруқ муассасаларида юқоритехнологик лаборатор ускуналаридан тўлақонли ва самарали фойдаланиш мақсадида давлат бюджетидан реактив, реагентлар, сарфлов анжомлар ҳамда сервис хизматлар учун харажатлар		8,0
	Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш харажатлари	4,4	4,2
	Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантириш харажатлари	2,3	4,0
4	**Маданият соҳаси бўйича**	**385,3**	**352,9**
	"Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан бадиий, қисқа метражли, ҳужжатли, мультипликацион фильмларни ишлаб чиқариш, уларни дубляж қилиш, субтитрлаш, қайта тиклаш (реставрация) ва реклама ишларини амалга ошириш харажатлари	81,4	90,0
	Маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва тиклаш, шунингдек археологик ишлар учун харажатлар	73,5	75,0
	Маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш ва моддий-техника базаси билан таъминлаш	55,8	
	Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази маблағларини шакллантириш	35,0	50,0
	Маънавият ва ижодни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари	60,0	45,0
	Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси учун ажратилган маблағлар	20,0	20,0
	Давлат театрлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш	8,5	14,3
	Кўзи ожизлар кутубхоналари ва уларнинг филиаллари фондининг сақланиши ва жиҳозлар билан боғлиқ харажатлар	3,2	14,0
	Миллий сериаллар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун республика миқёсида фаолият юритувчи телеканалларга ажратиладиган субсидия		12,0
	«Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивали	40,0	10,0
	Давлат музейларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш	7,9	8,0
	Хорижий кинокомпаниялари Ўзбекистон ҳудудида кино ишлаб чиқариш учун тўлаб бериладиган имтёз харажатлари		5,0

Т/р	Давлат дастурлари ва тадбирлар номи	2021 йил учун ажратил-ган	2022 йил учун прогноз
	Кинотеатр (кинозал)ларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш имконини берувчи рақамли (DCP ва ундан юқори форматдаги) кино намойиши қурилмалари билан жиҳозланган бўлган тақдирда бир қисмини давлат бюджетидан қоплаб бериш харажатлари		5,0
	Давлат театрлари учун автотранспорт (автобус, юк ташувчи) воситасини харид қилиш харажатлари		4,6
5	**Спорт соҳаси бўйича**	**565,9**	**588,7**
	Спорт ва оммавий жимоний тарбия тадбирларининг календар режаси	189,2	208,9
	Олимпияда спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш харажатлари	180,0	135,0
	Юриш, югуриш, мини-футбол, велоспорт, бадминтон, стритбол ва «Workout» спорт турларини оммавийлаштириш ва ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун харажатлар	104,0	104,0
	Болалар спорт мактабларини жихозлаш (қайта жихозлаш)	38,0	49,9
	«Соғлом турмуш тарзи» платформаси орқали бир сутка давомида ўн минг ва ундан ортиқ қадам юрган шахсларга ажратиладиган маблағлар	44,7	60,0
	Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ва қатнашиш учун харажатлар	10,0	20,9
	жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб қилишга қаратилган дастурларни амалга ошириш учун харажатлар		10,0
6	**Тадбиркорлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш харажатлари**	**1 529,2**	**3 921,8**
	Маҳаллабай ишлашнинг янги тизими бўйича ажратилаётган харажатлар (хоким ёрдамчилари томонидан тасарруф этиладиган маблағлар)	841,7	2 544,8
	Иш берувчиларга олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланадиган ижтимоий солиқ суммаси бўйича харажатлар	250,0	500,0
	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб -қувватлаш жамғармаси	200,0	500,0
	Экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш харажатлари	150,0	128,7
	Хеджирования компанияси харажатлари учун		107,3
	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди харажатлари	87,5	91,0
	Ёшлар бандлигига кўмаклашиш ва уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича тадбирлар учун харажтлар		50,0
7	**Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича**	**3 438,1**	**11 646,6**
	Қишлоқ хўжалиги жамғармасига узоқ муддатли ресурс ажратиш ёки устав жамғармасига йўналтириш учун харажатлар		5 000,0
	Фермер хўжаликлари учун грантлар		1 000,0
	Жисмоний шахслар томонидан хонадонларда етиштириладиган пилла (хўл пилла) ҳосили учун субсидиялар		120,2
	Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни қўллаб-қувватлашга субсидиялар	1 118,9	1 022,7
	Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан ажратилган кредит бўйича фоиз ставкасини бир қисмини ва чет эл кредитлари бўйича валютанинг айирбошлаш курсининг ўзгариши натижасида юзага келган зарарни қоплаш	250,0	840,5
	Дон нархлари эркинлаштириш ҳисобига Ижтимоий нафақа ва пенсия олувчилар учун нон сотиб олишга давлат бюджетидан компенсация тўловлари		819,5
	Уй ҳайвонларини вакцинация қилиш харажатлари	112,0	120,0

Т/р	Давлат дастурлари ва тадбирлар номи	2021 йил учун ажратил-ган	2022 йил учун прогноз
	Қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматини аниқлаш ва қайта баҳолаш, тупроқ бонитировкаси ва тупроқ хариталарининг корректировкасини ўтказиш, суғориладиган ерларда тупроқ агрокимёвий тадқиқот ишларини бажариш харажатлари	31,5	70,3
	Суғориладиган ерларни шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши иҳота дархатзорлари барпо этиш харажатлари	76,5	80,3
	Қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган суғориладиган майдонлар ва чўл ҳудудлардаги ерларни қайта фойдаланишга киритиш харажатлари	150,0	220,0
	Ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва таъмирлаш харажатлари	1 504,5	1 883,0
	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига трансфертлар	80,0	150,0
	Қишлоқ хўжалиги корхонасига қишлоқ хўжалик техникасини харид қилиш учун ажратилган лизинг ёки кредит фоизини қоплаш учун харажатлар	38,9	60,0
	Зараркунандаларга қарши курашиш харажатларини қоплаш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш харажатлари	50,0	50,0
	Мева-сабзавот кластерларига суғурта		50,0
	Лазерли текислаш ускуналари ва дон уруғ сеялкалари харид қилиш учун субсидия		50,0
	Аҳоли томорқаларини суғориш учун ер ости сувларига қудуқларни бурғулаш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар	24,8	50,0
	Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасига махсус техникалар хариди харажатлари		20,0
	Қоракўлчилик кластерларига ҳудудларда шахтали ва тик қудуқлар, шунингдек, сув тортиш учун насос станцияларини янгидан қуриш ва реконструкция қилишга субсидиялар бериш		20,0
	Лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш	1,0	10,0
	Тут парвонасига қарши кураш тадбирлари учун харажатлари		10,0
8	**Иқтисодиёт харажатлари бўйича**	**5 280,2**	**8 665,4**
	Аҳолига арзон уй-жойлар қуриш мақсади учун харажатлар	1 609,0	1 759,7 *
	«Обод қишлоқ» ва «Обод махалла» дастурларининг харажатлари (Республика бюджети)	1 000,0	3 000,0
	Геология-қидирув ишлари харажатлари	1 048,2	1 000,0
	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармага трансфертлар	273,0	500,0
	Иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига таърифларини паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш харажатлари	556,8	884,8
	Республикадаги кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш	105,0	102,9
	Аэропортларнинг аэродром комплексларини қуриш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларини Давлат бюджети ҳисобидан компенсация қилиш бўйича харажатлар		530,0

Т/р	Давлат дастурлари ва тадбирлар номи	2021 йил учун ажратил-ган	2022 йил учун прогноз
	"Тошшахартранс" учун субсидиялар (таърифни паст нархларда ушлаб туриш натижасида зарарни қоплаш учун)	257,2	207,2
	Экспортни рағбатлантириш агентлигига экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш харажатлари	163,5	170,0
	Туман (шахар) ободонлаштириш бошқармаларининг махсус техника ва бошқа механизмлар билан таъминлаш харажатлари	98,3	117,6
	Маҳаллий автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарига утилизация харажатлари (экспорт қилинадиган автомобилларга)	100,0	100,0
	Кўп квартирали уй-жойларни таъмирлаш учун талаб этиладиган маблағларни бир қисмини республика бюджети ҳисобидан амалга ошириш		87,8
	Аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш тадбирлари учун харажатлар	15,5	60,0
	Шаҳар атрофи, шаҳарлараро ҳамда вилоят ички автобус йўналишларига субсидиялар		47,5
	Маҳаллий йўналишлардаги авиақатновлар учун субсидиялар	15,0	25,0
	Туроператор ва турагентларга авиа ва темир йўл чипталари ҳамда жойлаштириш воситаларининг меҳмонхона хизматлари харажатларининг бир қисмини қайтариш учун субсидиялар		30,0
	Гидрометеорология хизмати марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кузатув пунктларини жиҳозлаш ҳамда бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш харажатлари	17,1	21,0
	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидаги таҳлилий лабораторияларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш	17,6	17,7
	Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни утилизация қилиш жойлари давлат кадастрларини юритиш харажатлари	4,0	4,2
9	**Бошқа мақсадли тадбирлар**	**1 550,0**	**2 000,0**
	Бошқа йирик харажатлар	**18 598,3**	**21 229,7**
1	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар	12 874,0	14 000,0
2	Давлат қарзининг фоиз тўловлари	2 596,0	4 097,7
3	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари сув насос станцияларининг электр энергия истеъмоли учун харажатлар	3 128,3	3 132,0

*) Бундан ташқари, ташаббусли бюджет учун ажратилган маблағлар (1,5 трлн.сўм) ҳам қишлоқ ва маҳаллаларни инфратузилмасини яхшилаш учун сарфланади

Бюджетномага
5-илова

2022 - 2024 йиллар учун биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлари

Т/р	Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2020 йил ижро	2021 йил кутилаёт-ган	Йиллар кесимида		
					2022 йил	2023 йил	2024 йил
1	**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги**	**млрд сўм**	**4 878,5**	**5 426,0**	**6 491,5**	**6 946,0**	**7 432,2**
	Сратегик мақсад: Мамлакатимизда ўсиб бораётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари ҳамда усулларини жорий этиш						
	шундан: ***ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағ***	**млрд сўм**	**430,6**	**868,8**	**1 722,3**	**1 842,8**	**1 971,8**
1.	**Дастур номи:** Давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ташкил қилинадиган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш дастури	**млрд сўм**	**300,0**	**600,0**	**1 500,0**	**1 605,0**	**1 717,4**
	Дастур мақсади: Мактабгача таълим хизматлари нодавлат секторини янада ривожлантириш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Нодавлат мактабгача таълим муассасаларига қатнайдиган болалар сони	нафар	357 691	463 917	552 085	592 721	647 327
	Оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларга қатнайдиган болалар сони ва улуши	нафар	253 167	347 067	422 067	447 067	497 067
		жамига нисбатан фоизда қамраб олиш	70,8	74,8	76,4	75,4	76,8
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи						
	Бир нафар тарбиячига тўғри келадиган тарбияланувчилар улуши	нафар	20,7	20,7	20,7	20,7	20,7
	Болаларни ривожланиш майдонлари билан таъминланиши (бир бола учун тўғри келадиган жой)	Хар бир бола учун м2	3,3	3,3	3,3	3,3	3,3
	Қайта тайёрлаш ёки малака оширишдан ўтган нодавлат мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг улуши	фоиз	6,3	11,0	24,5	34,4	0,5
	Нодавлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилинган имтиёзли тўловларга муҳтож бўлган болалар сонини, ариза берганлар умумий сонига нисбатан улуши	фоиз	25,0	25,0	25,0	25,0	25,0
2.	**Дастур номи:** Мактабгача таълим тизимида 6 ёшдаги болаларни кенг қамраб олиш дастури	**млрд сўм**	**50,0**	**158,8**	**106,8**	**114,2**	**122,2**

Т/р	Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2020 йил ижро	2021 йил кутилаёт-ган	Йиллар кесимида		
					2022 йил	2023 йил	2024 йил
	Дастур мақсади: Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларни бошланғич таълимга сифатли тайёрлаш						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	6 ёшдаги болаларни қамраб олишнинг мақсадли кўрсаткичи	нафар	507 145	567 129	638 386	690 580	744 532
		фоиз (жамига нисбатан)	77	82	90	95	100
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи						
	Шундан ташкил этиладиган гуруҳлар:	сони	**3 360**	**4 976**	**6 855**	**8 110**	**9 554**
	Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлов гуруҳлари сони	сони	2 535	4 475	6 363	7 747	9 178
	Тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлар сони	сони	266	128	127	94	98
	Қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлар сони	сони	559	373	365	269	278
3.	**Дастур номи:** Мактабгача таълимни ривожлантириш жамғармаси учун ажратилган маблағлар	**млрд сўм**	**80,6**	**110,0**	**115,5**	**123,6**	**132,2**
	Дастурнинг мақсади: *Мактабгача таълимнинг ўқув жараёнига илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий етиш*						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	"Болалар боғчаси" мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизими жорий этилган мактабгача таълим ташкилотларнинг улуши	фоиз		0,1	2,2	31,8	31,3
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи						
	"Болалар боғчаси" мактабгача таълимни бошқариш ахборот тизими жорий этилган мактабгача таълим ташкилотлар сони	дона		17,0	472,0	7053,0	7254,0
2	**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**	**млрд.сўм**	**2 600,0**	**2 946,0**	**4 146,6**	**4 436,9**	**4 747,5**
	Стратегик мақсади: Олий таълим тизимини ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш						
1.	**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг жорий харажатлар бўйича эришиладиган натижалар**	**млрд.сўм**	**1 670,1**	**2 434,9**	**3 969,9**	**4 247,8**	**4 545,1**

Т/р	Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2020 йил ижро	2021 йил кутилаёт-ган	Йиллар кесимида		
					2022 йил	2023 йил	2024 йил
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Олий таълим билан қамраб олиш даражаси (жами битирувчилар сонига нисбатан)	фоизда	25,0	37,5	35,0	42,6	45,3
	Олий таълим муассасалари илмий салоҳияти (илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар улуши)	фоизда	37,8	38,0	39,0	40,0	50,0
	Олий таълим муассасаларида таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизимининг жорий этилиши (олий таълим муассасалари сонига нисбатан)	фоизда	30,0	50,0	70,0	80,0	90,0
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари						
	Олий таълимга кирган ўқувчилар сони	минг нафар	207 076	178 000	186 693	203 972	219 025
	Нодавлат олий таълим муассасалари, шу жумладан давлат-хусусий шериклик шартлари асосида (нодавлат олий таълим муассасалари сони)	сони	10	15	19	20	23
	Хорижда малака оширган ёки стажировка ўтаган профессор-ўқитувчилар	сони	803	1 751	2 560	3 200	4 160
	Илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар	сони	11 402	11 402	12 500	16 000	20 000
2.	**Дастур номи:** Олий таълим муассасалари талабаларига ижара тўловини бир қисмини қоплаб бериш дастури	**млрд.сўм**	**0,0**	**72,2**	**120,4**	**121,8**	**120,0**
	Дастур мақсади: Ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг моддий ҳолатини яхшилаш, ижара тизимини соддалаштириш ва талабаларга қўшимча қулайликлар яратиш						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Ижара тўловини бир қисмини қоплаб бериш даражаси (ижарада яшовчи талабаларга нисбатан)	фоизда		60,0	60,0	60,0	60,0
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари						
	Ижарада яшовчи талабалар сони	нафар		133 350	133 350	122 752	109 846
	Ижара тўловини бир қисми қоплаб бериладиган талабалар сони	нафар		80 010	80 010	73 651	65 908
3.	**Дастур номи:** Давлат хусусий-шериклик асосида олий таълим муассасалари талабалари учун ётоқхоналар қуриш, жиҳозлаш ва сақлаш дастури	**млрд.сўм**	**0,0**	**0,0**	**178,6**	**299,3**	**344,1**
	Дастур мақсади: Республика олий таълим муассасаларида талабаларни турар жой билан қамраб олиш даражасини ошириш, барча қулайликларга эга бўлган замонавий талабалар турар жойларини қуриш, талабалар учун қўшимча шароитлар яратиш						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Талабалар турар жойи билан қамров даражаси (эҳтиёжга нисбатат)	фоизда	28,7	37,5	44,6	53,3	60,2
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичлари						
	Янги талабалар турар жойи барпо этилиши	дона	5	9	47	67	62
	Талабалар турар жойи сиғими	ўрин	60 000	80 000	98 800	125 600	150 400
	Талабалар турар жойига эҳтиёж	ўрин	209 250	213 350	221 552	235 446	249 937

Т/р	Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2020 йил ижро	2021 йил кутилаёт-ган	Йиллар кесимида		
					2022 йил	2023 йил	2024 йил
3	**Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги**	**млрд сўм**	**2 049,9**	**1 192,1**	**1 324,0**	**1 416,7**	**1 515,8**
	Стратегик мақсад: Республика аҳолисининг сифатли уй-жой коммунал хизматлари билан қамраб олинишини тубдан яхшилаш, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида барча ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги уйғунлашган технологик занжирини шакллантириш						
1.	**Жорий харажатлар бўйича эришиладиган натижалар**	**млрд сўм**	**56,9**	**92,1**	**19,3**	**20,7**	**22,1**
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Ободонлаштириш билан қамраб олинадиган кўп квартирали уйларда яшовчи аҳоли сони	минг нафар	664,7	606,6	950,5	953,9	948,5
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи						
	Ободонлаштириш билан қамраб олинадиган кўп квартирали уйлар сони	дона	5 113	4 666	7 311	7 337	7 296
	Қуриладиган ва таъмирланадиган болалар майдончаларининг сони	дона	389	368	451	450	450
	Таъмирланадиган ирригация тармоқларининг узунлиги (п/м)	п/м	11 502	16 549	41 953	41 953	41 953
	Бетонланадиган йўлкалар майдони	минг. кв.м	303	362	276	276	276
	Таъмирланадиган ташқи ёритиш нуқталари	дона	2 689	3 181	3 597	3 597	3 597
2.	**Дастур номи:** Сув таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш жамғармасига трансфертлар	**млрд сўм**	**1 993**	**1 100**	**981**	**1 050**	**1 123**
	Дастур мақсади: Аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Аҳолини ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси	фоизда	73,2	74,7	76,2	77,8	79,5
	Аҳолини оқова тизими билан таъминланганлик даражаси	фоизда	17,0	17,6	18,1	18,5	19,0
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи						
	Ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятига эга бўладиган аҳоли сони	минг нафар	24 892	25 402	25 902	26 452	27 030
	Оқова тизимидан фойдаланиш имкониятига эга бўладиган аҳоли сони	минг нафар	5 780	5 984	6 154	6 290	6 460
	Ривожлантириладиган ичимлик суви ва оқова сув тизимларининг йиллик сони	сони	383	118	200	220	240
	Қуриладиган ва таъмирланидиган ичимлик суви ва оқова сув тармоқларининг йиллик узунлиги (км)	км	3 500	971	1 001	1 028	1 053
	Қуриладиган ва таъмирланадиган сув сақлаш ва тарқатиш иншоотлари, сув қудуқлари ва насос станцияларининг йиллик сони	дона	519	63	76	91	109
	"Ўзсувтаъминот" АЖнинг моддий техника базаси учун харид қилинадиган махсус техника, механизмлар ва энерго тежамкор насос ускуналари	сони		277	304	334	364
4	**Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги**	**млрд сўм**	**3 202,7**	**2 825,0**	**3 440,0**	**3 680,8**	**3 938,5**
	Стратегик мақсад: Соҳага ажратиладиган бюджет маблағлардан самарали фойдаланиб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва халқимиз турмуш фаровонлиги янада яхшилаш						

Т/р	Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2020 йил ижро	2021 йил кутилаёт-ган	Йиллар кесимида		
					2022 йил	2023 йил	2024 йил
	шундан: ***ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағ***	**млрд сўм**	**2 313,9**	**2 057,8**	**2 997,1**	**3 206,9**	**3 431,4**
1.	**Дастур номи:** Сув хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этиш дастури	**млрд сўм**	**0,7**	**8,0**	**10,0**	**10,7**	**11,4**
	Дастур мақсади: Сув хўжалиги объектларининг ишончли ва хавфсиз ишлашини ҳамда сув ресурсларини самарали бошқариш ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Насос станцияларининг эксплоутация харажатлари	млн сўм	3 487,0	3 396,0	3 736,0	4 109,0	4 520,0
	Онлайн режимда мониторинг қилинадиган насос станциялар қамрови (жамига нисбатан)	фоизда	6	8	10	17	17
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи						
	Насос станциялари агрегатларини энергия тежамкор насос агрегатларига алмаштириш	дона	3	3	4	5	6
	Насос станцияларининг эскирган электр двигателларини янгисига алмаштириш	дона	4	2	4	2	3
	Гидрологик постларни рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозлаш	дона	2	20	20	20	20
	Сув хўжалиги иншоотларида реал вақт режимида сувни назорат қилиш ва унинг ҳисобини юритиш учун "Smart Water" ("Ақлли сув") тизимини жорий этиш	дона	3	250	500	874	0
	Сув хўжалиги обеъктларини бошқариш жараёнларини автоматлаштириш	дона	10	10	10	10	10
	Насос станцияларида электр энергияси истеъмоли ва сув миқдорини "онлайн" режимда мониторинг қилиш тизимини жорий этиладиган нуқталар.	дона	8	20	37	48	59
2.	**Дастур номи:** Насос станцияларининг истеъмол қилинган электр энергияларини тартибга солиш дастури	**млрд сўм**	**752**	**751**	**802**	**858**	**918**
	Дастур мақсади: Насос станцияларини узлуксиз электр энергия билан таъминлаш ҳамда насос станциялари орқали суғориладиган ер майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш.						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Насос станциялари орқали суғориладиган ер майдонларини кафолатли сув билан таъминлаш	минг гектар	2 464	2 464	2 464	2 464	2 464
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи						
	Насос станциялари томонидан чиқариб бериладиган сув миқдорини ошириш	млн.м3	10 502	10 350	11 075	11 000	10 900
	Сарфланадиган электр энергия миқдори	млн.квт.соат	8	7	7	7	7
3.	**Дастур номи:** Пахта хомашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш дастури	**млрд сўм**	**199**	**199**	**935**	**1 000**	**1 070**
	Дастур мақсади: Пахта майдонларини суғоришда томчилатиб суғориш технологияларни жорий қилиш ва сув сарфини камайтириш						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Томчилатиб суғориш тизими жорий этиш ҳисобига иқтисод қилиниши кутилаётган сув миқдори	млн.м3	427	1 590	2 282	2 580	2 580

Т/р	Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2020 йил ижро	2021 йил кутилаёт-ган	Йиллар кесимида		
					2022 йил	2023 йил	2024 йил
	Томчилатиб суғориш тизими жорий этиш ҳисобига иқтисод қилинадиган электр энергия	млн.квт.соат	48	144	206	233	233
	Томчилатиб суғориш тизими жорий этиш ҳисобига қўшимча пахта ҳосили етиштирилиши	минг тонна	35	199	286	323	323
	Томчилатиб суғориш тизими жорий этиш ҳисобига минерал ўғитларни иқтисод қилиниши	минг тонна	8	30	43	49	49
	Томчилатиб суғориш тизими жорий этиш ҳисобига иқтисод қилинган ёқилғи мойлаш материалларини иқтисод қилиниши	минг тонна	6	21	31	35	35
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи						
	Томчилатиб суғориш тизими жорий этиладиган пахта майдонлари	минг гектар	43	160	230	260	260
	Пахта майдонларига томчилатиб суғориш тизимини жорий этадиган хўжалик юритувчи субъектлар сони	дона	-	3 600	4 680	5 242	5 242
4.	**Дастур номи:** Объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**млрд сўм**	**1 362**	**1 100**	**1 250**	**1 338**	**1 431**
	Дастур мақсади: Ирригация тизими ва суғориш тармоқларида сувнинг йўқолишини камайтириш, сув иншоотларининг техник ҳолатини яхшилаш ҳамда суғориладиган ер майдонларини кафолатли сув билан таъмилаш						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Сув билан таъминлаш даражаси паст бўлган суғориладиган ернинг сув таъминотини ошириш	минг гектар	526	492	458	424	390
	Шўрланган ер майдонларининг умумий суғориладиган майдонлардаги улушини камайтириш	минг гектар	1 926	1 906	1 890	1 875	1 861
	Қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган суғориладиган ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш	минг гектар	58	42	50	42	17
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи						
	Ирригация тизимларини модернизация қилиш ва бетон қопламали каналлар улушини ошириш	км	1 162	386	464	715	881
	Ирригация тизими каналларини таъмирлаш ва тиклаш	км	14 000	14 551	15 451	15 216	15 216
5	**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги**	**млрд сўм**	**1 097,2**	**43,8**	**55,0**	**58,9**	**63,0**
	Стратегик мақсад: Янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига иқтисодиёт тармоқлари ва республика аҳолисининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқроқ қондириш						
	Якуний натижа кўрсаткичи						
	Генерация қувватларининг йиллик ўзгариши	фоизда	9,8	11,2	2,6	20,0	24,2
	Электр энергиясининг йиллик умумий қувватларидаги қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг ўзгариши	фоизда	-	1,4	-	10,5	7,8
	Республика истеъмолчиларига етказиб бериладиган электр энергиясининг йиллик умумий ҳажми	млрд кВт.соат	56,1	62,8	65,4	69,4	73,7

Т/р	Ривожлантириш дастури ва мақсадли индикаторлар номи	Ўлчов бирлиги	2020 йил ижро	2021 йил кутилаёт-ган	Йиллар кесимида		
					2022 йил	2023 йил	2024 йил
	Энергетика соҳаси томонидан ўзлаштириладиган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг йиллик умумий ҳажми	млн. АҚШ доллари	2,0	601,3	913,8	1 081,0	-
	Бевосита (тўғридан-тўғри) натижа кўрсаткичи						
	Янги қурилган/ишга туширилган электр станциялари ҳисобига электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватларининг йиллик ўзгариши	МВт	1 250	1 563,0	406,0	3 201,0	4 636,0
	Иссиқлик электр станцияларини ишга тушириш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларининг йиллик ўзгариши	МВт	1 177	914,0	220,0	1 500	3 060,0
	Қуёш фотоэлектр станцияларини ишга тушириш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларининг йиллик ўзгариши	МВт	-	200	-	1 077	500
	Шамол электр станцияларини ишга тушириш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларининг йиллик ўзгариши	МВт	-	-	-	600	1 000
	Гидроэлектр станцияларини ишга тушириш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватларининг йиллик ўзгариши	МВт	73	59	186	24	76
	Ишга тушириладиган магистрал электр узатиш тармоқларининг йиллик узунлиги	км	455	60	300	280	400
	Реконструкция қилинадиган магистраль подстанцияларнинг йиллик сони	дона	11	12	6	1	3
	Реконструкция ва модернизация қилинадиган паст кучланишли электр узатиш тармоқларининг йиллик узунлиги	км	7 956,7	14 000	15 000	15 000	15 000
	Реконструкция ва модернизация қилинадиган трансформатор пунктларининг йиллик сони	дона	2 793	3 800	4 000	4 000	4 000
6	**Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси**	**млрд сўм**	**1 317,5**	**1 200,0**	**1 105,2**	**1 182,5**	**1 265,3**
	Стратегик мақсад: Ер ости фойдали қазилмаларининг захира ва ресурсларини кўпайтириш, нодир ва ноёб металлар бўйича геология-қидирув ишларини кенгайтириш ва геологик хизматлар бозорини ривожлантириш						
	шундан: ***ривожлантириш дастурларига ажратилган маблағ***	**млрд сўм**		**1 200,0**	**1 000,0**	**1 070,0**	**1 144,9**
	Дастур номи: геология қидирув ишларига субсидиялар	**млрд сўм**		**1 200**	**1 000**	**1 070**	**1 145**
